

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ
БИНО-ИНШООТЛАР АРХИТЕКТУРАСИ ВА ҚУРИЛИШ
КАФЕДРАСИ**

ЁФОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ фанидан 5340200-Бино ва иншоотлар
курилиши таълим йўналиши талабалари учун
маъруза матни

Билим саҳоси: 300 000 –Ишлаб чиқариш-техника соҳаси.

Таълим саҳоси: 340 000-Архитектура ва қурилиш

Таълим 5340200-Бино ва иншоотлар қурилиши

йўналиши:

Умумий ўқув соати

Маъруза 36 soat

Амалий машғулотлар 36 soat

Курс иши к/и

Мустақил иш 51 soat

Термиз-2018

Фаннинг Ўқув - услубий мажмуаси 5340200-Бино ва иншоотлар курилиши таълим йўналишининг ўқув режа ва фаннинг ўқув дастурга мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Маҳмудов Д.

ТерДУ Бино-иншоотлар архитектураси ва
курилиш кафедрасининг к.ўқитувчиси, т.ф.н.

Тақризчи:

Худойқулов Р.

ТерДУ Бино-иншоотлар архитектураси ва
курилиш кафедрасининг катта ўқитувчиси

Фаннинг Ўқув - услубий мажмуаси Термиз давлат университети
Ўқув-методик кенгашининг 2018 йил _____ даги _____ - сонли
йиғилишида тасдиқланган.

ЎМБ бошлиғи: _____

Мундаража

Асосий қисм.

- 1 - мавзу. Ёғоч конструкцияларининг ривожланиш тарихи.
- 2 - мавзу. Ёғоч конструкцияларининг турлари ва қўлланиш соҳалари.
- 3 - мавзу. Ёғоч конструкциялар учун материаллар. Ёғочнинг физик-механик хоссалари.
- 4 - мавзу. Ёғоч элементларни чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш.
- 5 - мавзу. Ёғоч конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш.
- 6 - мавзу. Ёғоч конструкция элементларини сиқилишга ва чўзилишга ҳисоблаш.
- 7 - мавзу. Ёғоч конструкция элементларини эгилишга ҳисоблаш.
- 8 - мавзу. Ёғоч конструкция элементларининг бирикмалари. Рўпара ва ўйиб бириктириш.
- 9 - мавзу. Елимли ва нагелли бирикмалар.
- 10 - мавзу. Ёпма панеллари ва тўшамаларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш.
- 11-мавзу. Ёғоч устуннларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш.
- 12 - мавзу. Ёғоч тўсинларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш.
- 13 - мавзу. Стропил тўсинларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш. Нишабли стропилалар.
- 14 - мавзу. Ёғоч аркаларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш.
- 15 - мавзу. Ёғоч рамаларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш.
- 16 - мавзу. Ёғоч ферма ва равоқларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш
- 17-мавзу. Ёғоч фазовий конструкциялар
- 18 - мавзу. Ёғоч конструкцияларни таъмирлаш ва кучайтириш

1 - МАВЗУ: ЁГОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.

Режа

- 1.Кириш. Ёгоч конструкцияларни қисқача ривожланиш ва қўллаш тарихи.
- 2.Ёгоч конструкцияларини ривожланишига хисса қўшган олимлар.

Таянч сўзлар: юк кўтарувчан, қарағай, зичлик , ёпма, қаттиқлик, кимёвий, синтетик елиmlар, фанера, чириш, оловбардош, тўсин, бикр, аркасимон ферма, манеж, минора, рамалар, синчли, сейсмик, зилзилабардош.

1.Кириш. Ёгоч конструкцияларни қисқача ривожланиш ва қўллаш тарихи.

Ёгоч конструкциялар жамоат ва томошибинлар бинолар, спорт иншоотлари, бозор жойлар, кўргазма павилионлар қурилишида 18-100 м пролётли, кимёвий агрессив муҳитлида 45 м пролётли, кам қавватли уй қурилишида, ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалик бинолари, иситилмайдиган ишлаб чиқариш бинолари, тез қуриладиган бинолар, кичик юк кўтарувчан кўприклар қурилишида ишлатилади.

Ёгоч ва айниқса кейинги йилларда қурилишга кескин кириб келаётган пластмасса конструкциялари каби енгил қурилиш конструкциялари бўлиб, уларни қўллаш қурилишдаги энг муҳим йўналиш, қурилиш ишлаб-чиқаришини тезлаштириш ва самарадорлигини оширишга олиб келди.

Ёгоч - ўзи бунёдга келадиган, тайёр қурилиш материали ҳисобланади. Ёгоч - нисбатан енгил ва мустаҳкам материалдир. Қуруқ қарағай ва қора қарағай ёгочининг зичлиги 500 кг/м³ га tengdir. Бу ўз навбатида ёгоч конструкциялари оралигини 100 метр гача ва ундан катта қилиб тиклаш имкониятини беради. Ёгоч-яхшигина иссиқлик сақловчи материалдир, бу эсадеворлар ва кам қаватли уйлар том ёпмалари учун жуда муҳимдир. Ёгоч-қаттиқлиги кам материал, шунинг учун унга енгил ишлов бериш мумкин. Бу хусусияти ёгоч конструкцияларини тайёрлашни осонлаштиради.

Ёгоч кучсиз кимёвий агрессив муҳитларга чидамли ва шунинг учун ёгоч конструкцияларини кимё саноатида кенг кўламда муваффақиятли қўллаб келинмоқда (металл конструкциялар кимёвий агрессив муҳитларда тез бузилмоқда). Ёгоч зарба ва такрорланувчи юкламалар таъсирига чидамли ва шунинг учун ёгоч конструкциялари кучли тебранишлар таъсирида бўлган кўприкларда ҳам юқоримустаҳкамликка эгадир.

Ёгоч конструкциялари ишончли, енгил ва етарли мустаҳкамликка эгадир. Яхлит-бутун кесимли ёгоч материаллари асосида турар-жой, умумий ва ишлаб-чиқариш бинолари қурилади. Елимланган ёгоч конструкциялари асосида эса кичик ва катта оралиқли том ёпмалар тикланади.

Ёгоч сувга чидамли синтетик елиmlар билан ишончли елиmlанади. Бунинг натижасида йирик кўндаланг кесимли, катта узунликдаги, турли шаклда эгилган ва синиқли ҳамда бошқа турлардаги елиmlанган ёгоч конструкциялари тайёрланади. Елиmlанган ёгоч конструкцияларидан катта оралиқли конструкциялар ҳам тайёрланади.

Ёғочдан сувга чидамли қурилиш фанераси олинади ва улардан енгил елемланган фанерли конструкциялар тайёрланади. Ёғоч конструкциялари шунингдек камчиликларга ҳам эгадир. Нотўғри қўлланилганда ва ишлатилганда, ҳамда узоқ вақт намлик таъсирида улар чирийди.

Лекин ҳозирги замон конструктив ва кимёвий ҳимоя услублари узоқ муддат ишлатилганда чиришдан сақлаш имкониятини беради. Ёғоч конструкциялари ёнувчан ҳисобланади. Аммо лекин, ҳозирги пайтда қўлланилаётган йирик кўндаланг кесимли ёғоч конструкцияларининг оловбардошлилик чегараси айрим металл конструкциялариникадан юкорироқдир. Улар қўшимча ёнишга қарши маҳсус қопламалар билан ҳам ҳимоя қилинади.


Ёғоч конструкцияларининг тарихи. Ёғоч конструкциялари. Уларни қўлланиш тарихи қўп асрларни ўз ичига олади. Ибтидоий одамлар ҳам ёғочдан тош болталар ёрдамида кичик тураг-жойлар барпо қилганлар ва уларни қозиқлар ёрдамида ерга маҳкамлаганлар ҳамда тўсиклар, кичик кўприклар қурганлар. Қадимги Римда қурувчилар ёғоч уйлар, эхромлар ҳамда катта дарёларга кўприклар қурганлар. Масалан, I асрда Цезар ўз легиони ёрдамида Рейн дарёсига йирик кўприк қурдирган. Ҳозиргача бамбук ёғочидан ўрта асрларда қурилган Япониядаги, Хитойдаги кўпгина буюк ёғочдан қурилган эхромлар сақланиб келмоқда. Ўрта асрларда Европада ёғоч стропилли томлар ҳам кенг қўлланилган.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, эрамиздан 10 минг йиллар олдин тош асрида ҳам турли ёғоч конструкциялари қўлланилган. Бунга оддий мисол, ибтидоий жамоа тузуми даврида инсон чуқурликлардан ўтиш учун ёғоч тўсинлардан фойдаланган, яъни ўша даврда кўприк конструкциясини яратган.

XIX асрнинг 70-чи йилларида янги Гвинея мамлакатига бориб қолган рус олими Миклухо - Маклай Н. Н. папуас қабилаларининг уйларида оддий ёғоч конструкцияларини ва тош болталарни қўрган. Папуаслар - ёғоч айрига устун қўйиб рамалар ҳосил қилиб уй ясаганлар. Бу усул уларга қадим замонлардан кириб келган.

Қадимда Россияда ва шимолий Америкада ёғочнинг эластик ва пластик хусусиятларидан жуда тўғри фойдаланганлар, улар ёғоч конструкциялари ёрдамида ертўлалар қурганлар. Эрамиздан уч минг йиллар олдин-Неолит ва бронза давларида қозиқ конструкциялари ишлатилган. Ёғоч уйлар қуриш учун керакли бўлган болта, теша ва бошқа темир қуроллар асосан қулдорлик тузуми даврида дунёга келган. Бу даврда ёғоч конструкциялари асосан ўша даврда жуда ривожланган. Италия мамлакатининг Рим шаҳрида ўз тараққиётини топган. Эрамиздан олдинги II асрда ёғоч Рим шаҳридаги қурилишларда ёғоч ферма конструкциялари қўлланилган. Феодал тузуми даврида эса ёғоч ҳунармандчилик санъати жуда ривожланган. XVI асрга келиб итальян архитектори Палладио (1518 -1580) стерженлар системасидан иборат ёғоч конструкцияларининг бир қатор схемаларини яратган. Ўрта асрларда тураг - жой бинолари, саройлар, кўпгина эхромлар, ҳамда қалъалар деворлари доирасимон кўндаланг кесимли

ёғочлардан қурилган. XVIII аср охиirlарида рус мұхандиси И.П.Кулибин Петербургда Нева дарёси орқали 300 метрли йирик ёғоч күприкнинг ихчам лойиҳасини яратган (1-расм,а).




1.1-расм. Россияда яратилған қадимги машхур ёғоч конструкцияларининг схемалари:

а - С.Петербургдаги Нева дарёси орқали күприк лойиҳаси (муаллиф И. П. Кулибин); б - Москва манежининг ёпма фермаси (муаллиф А.А Бетанкур); в - Москва-С.Петербург темир йўлидаги Мсту дарёси орқали күприк фермаси (муаллиф Д.И.Журавский); г - Орск шахридаги тўрсимон минора (муаллиф В.Т.Шухов)




1.2-расм. Петербургда 300 метрли йирик ёғоч күприк

Күприк аралаш конструкцияли системага эга бўлган ва у эгилувчан арка, ҳамда бикр аркасимон фермалардан ташкил топган. Ушбу күприкнинг кичрайтирилган 1:10 масштабдаги модели қурилиб синаб қўрилган. Синов натижалари күприк конструкциясининг мустаҳкамлиги юқори эканлигини ва кўндаланг кесимлар тўғри танланганлигини исботлаб берган. Мазкур күприк лойиҳаси ўша даврларда йирик күприк қурилишларини амалга ошириш учун зарур бўлган жиҳозларни етарли бўлмаганлиги сабабли амалда табий ўлчамда қурилмай қолган.



1.3-расм.Москва монежининг ёғоч қопламаси

XIX аср бошларида Россияда Москва манежини қуришда, биринчи марта учбурчаксимон түртқирра ёғочдан тайёрланган 50 метр оралиқли фермалар қўлланилган. XIX аср ўрталарида рус олими Д.И. Журавский Мцу дарёси орқали оралиғи 61 метр бўлган янги ёғоч ферма кўприк лойиҳасини яратган. Рус муҳандиси В. И. Шухов эса XIX аср бошларида биринчи марта ёғоч фазовий конструкцияларининг лойиҳаларини ишлаб чиқган. Орск шаҳрида у ишлаб чиқсан лойиҳа асосида 36 м баландликдаги стерженлардан ташкил топган тўрсимон конструкцияли минора қурилган. XX асрнинг 30-чи йилларида пўлат ва цементнинг танқислиги туфайли ёғоч конструкцияларига бўлган эътибор айниқса саноат қурилишида кучайган. Бу даврда тахта - михли тўсин ва рамалар, тўртқирра ва тахта - михли сегментли фермалар, рус олими В. С. Деревягин таклиф этган ёғоч пластинкали таркибли тўртқирра тўсинлар қўлланилган.




1.4-расм. В.С.Деревягиннинг ёғоч пластинкали таркибли тўртқирра тўсинлари.

XX асрнинг 50-чи йилларида биринчи марта елимланган ёғоч конструкциялари ишлаб чиқарила бошланган. Бу турдаги конструкцияларни ривожи рус олими Г. Г. Карлсен ҳаёти билан узвий боғлиқдир. Синтетик полимер смолалар асосида юқори мустаҳкамликка эга бўлган сувга

чиdamли елимларни ишлаб чиқарилиши бу турдаги конструкцияларни янада ривожланишига олиб келган. Ёғочни елимлашда олдинроқ фенолформальдегидли, кейинроқ эса ишончли резорцинали елимлар, ёғочни металга елимлашда эпокцидли елимлар құлланилган.

1940-йилларда биринчи марта йирик елимланган ёғоч конструкцияларидан калий тузи омбори лойиҳаси яратилған ва қурилған. Бу омборнинг асосий юк күттарувчи конструкциялари тортқиңсиз кўрсаткичсимон елимланган ёғочли аркалардир. Аркалар 45 м оралиғи ва кўндаланг кесим ўлчамлари 30 ...105 см га tengdir. 1980 йилларда Архангельскда асосий юк күттарувчи конструкциялари оралиғи 63 м ли ва кўндаланг кесими 32...160 см бўлган елимланган ёғочли сегментли тортқиңсиз аркалар ёрдамида спорт саройи қурилған. Елимланган ёғоч элементлар кам қаватли турар - жой уйлари конструкцияларида, кичик саноат ва жамоат биноларида, автойўл кўприкларида қўлланила бошланған. Шунинг билан бирга янги турдаги елимланган ёғоч конструкциялари бирикмалари яратилған ва тадқик қилинган, жумладан ичиде елимлаб маҳкамланған пўлат стерженли тўсинлар, тахталарни бириктириш учун пўлат тишли пластинкалар ва ҳоказо. Франция ва Америкада яхлит ёғоч элементли катта бўлмаган ҳамда йирик оралиқли елимланган ёғоч аркасимон фазовий конструкциялар кенг қўлланила бошланған. Франциянинг Пуатье шаҳрида қурилған трибунали спортзал бунга мисол бўла олади. Бу иншоот режада овал кўринишида, том ёпмасининг асосий юк күттарувчи конструкцияси-оралиғи 75 метр бўлган елимланган ёғоч аркадир.



1.5-расм.-расм. XX асрда Россия худудида қурилған биринчи йирик елимланган ёғоч конструкцияларининг схемалари.

XX асрда Россия худудида қурилған биринчи йирик елимланган ёғоч конструкцияларининг схемалари. Американинг Бозман шаҳридаги спортзал том ёпмаси сферасимон гумбаздир. Гумбаз, оралиғи 91,5 метр ва баландлиги 15 метр бўлган кўп бурчакли таянч ҳалкасига таянувчи марказлашган елимланган ёғоч қобирғали аркалардан ташкил топган. Солт-Лейк-Сити шаҳридаги(АҚШ) спорт зал том ёпмаси тўрсимон учбурчак ячайқали елимланган ёғоч конструкцияли, диаметри 150 м ва баландлиги 38 м бўлган пўлат таянч ҳалқага таянадиган гумбаздир.

2.Ёғоч конструкцияларини ривожланишига хисса қўшган олимлар.

Рус олимларидан Г.Н.Зубарев, Ю.В. Слицкоухов, .М.Хрулев, И.М. Гринь, Р.И. Берген, В.Д. Буданов, М.М. Гаппоев, И.М.Гуськов, З.Б. Махмутова,

Б.А. Освенский, В.С. Саручев, Э.В. Филимонов, ўзбек олимларидан Қ.И. Рўзиев, С. Турсунов, И. Ходжиев, С. Исабоев, С.Ж. Раззоков, М. Ҳамирова ва бошқалар. «Ёғоч ва пластмасса конструкциялари» фанини ривожланишига катта қўшиб келмоқдалар. Ўрта Осиёда ҳам XIX-XX асрларда ёғоч конструкциялари кенг қўлланилган. Айниқса ферма конструкцияли иншоотлар, ёғоч синчли уйлар кўплаб қурилган. Меъморий фазовий ёғоч конструкциялари нисбатан камроқ қўлланилган.

Ўзбекистонда қурилган кўплаб ёғоч ферма конструкцияли омборлар, гаражлар, дала шийлонларидан ҳозирги кунларда ҳам муваффақиятли фойдаланилмоқда. Жумладан, 1980 йилларда ўзбек олими Қодиржон Исмоилович Рўзиев томонидан фазовий ёғоч стерженли-структурна конструкцияларининг бир неча янги лойиҳалари яратилган ва Ўзбекистоннинг Ангрен ҳамда Намангандаридаги қурилишларда қўлланилган. Бу иншоотлардан ҳозирги кунларда ҳам муваффақиятли фойдаланилмоқда.

Бугунги кунларда ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва бошқа хорижий давлатларда деворлари маҳаллий материаллардан, ёғоч синчли кўплаб якка тартибдаги уйлар қурилмоқда. Қураётган усталар узоқ йиллардан бери халқимиз эришган маҳаллий қурилиш санъати ютуқларини эгаллаган ва миллий қурилиш анъаналарини давом эттириб келаётган усталардир. Ёғоч-синчли бинолар илмий жиҳатдан нисбатан кам ўрганилган, айрим хусусий тадқиқотлар ўтказилган холос. Қурилиш меъёрлари ва қоидаларида ҳам бу турдаги бинолар тўғрисида жуда кам маълумотлар берилган. Ёғоч сейсмик мустаҳкам бинолар қуришда энг сара материал бўлишига қарамай, ундан қурилган синч уйларни зилзилабардошлиқ талабларига амал қилинган ҳолда лойиҳа асосида қурилсагина ўзининг ижобий хоссаларини намоён эта олади.

1980 йилда Тошкент шаҳри яқинидаги Назарбек посёлкасида ҳамда 1976 ва 1984 йилда Газлида содир бўлган зилзилалар натижасида ёғоч-синч деворли уйлар жиддий шикастланган, вайронага айланган, бир қанча инсонлар-тўдаклар нобуд бўлганлар. Шунга қарамасдан республикамида ва хориж мамлакатларида ҳозирда ҳам ёғоч-синчли уйларни кўплаб қурмоқдалар. Бу албатта биз олимларни ташвишга солмоқда. Чунки, бу турдаги биноларни ҳалигача тўлиқ комплекс илмий-тадқиқ қилинмаган. Ёғоч-синч деворли биноларда синчларнинг ораси одатда гувала билан тўлдирилади ва сомонли лой билан сувоқ қилинади. Бундай уйларнинг ички иқлими ёзда салқин ва қишида иссиқдир. Узоқ кузатишлар шуни кўрсатадики, бундай уйларда яшаган инсонларни саломатлигига ҳам зарар етмайди, сабаби уларни қурилишида қўлланилган қурилиш материалларининг барчаси табиий материаллардир. Шунинг учун ҳам мазкур ёғоч конструкцияли уйлар экологик жиҳатдан софdir.

Ёғоч синчли биноларни қўш ва якка синчли қилиб қурилади. Кўшсинч орасини баъзи усталар гувала-лой ва парча ғишт-лой аралашган нам тупроқ билан тўлдиришади, деворни иссиқ-совуқ ўтказмаслик хусусиятини шу йўсинда ошироқчи бўлишади. Бироқ, бунда бинонинг умумий оғирлиги

ортиб кетади. Бу эса зилзилабардошлик нуқтаи назаридан нотўғридир. Шунинг учун деворнинг иссиқ-совуқ ўтказмаслигини бошқа йўллар билан ошириш зарур масалан, қўшсинч орасини қипиқ ёки шунга ўхшаш енгил материаллар билан тўлдириш мумкин. Кўшсинч деворни қуришда қўйидаги тартибга риоя қилиниши бино мустаҳкамлигини янада оширади:

1. Ташқи синч тўлдирилади.

2. Ташқи синчни ички томонини сомонли лой билан сувалади.

3. Ички синчни тўлдириш билан бир вақтда ички томонини сомонли лой билан сувалади.

4. Ички синчни ички томони, ташқи синчни ташқи томони сувалади.

5. Уй бурчакларини эса тўла лой ва ғишт билан зич тўлдириб чиқилади.

Республикамизда бир қаватли ёғоч конструкцияли бинолар қурилиши ривожланган.

Ёғоч синч конструкцияли бир қаватли якка тартибдаги туарар-жой бино деворининг кўриниши.

Бунинг асосий сабаби маҳаллий ёғоч материалининг сероблигидир. Айниқса маҳаллий терак ёғоч материали жуда катта майдонни эгаллайди. Унинг мустаҳкамлиги нисбатан таққослагандан оқ қарагай билан деярли тенгдир.

Республикамизда бир қаватли ёғоч конструкцияли бинолар қурилиши ривожланган.



1.6-расм. Ёғоч синч конструкцияли бир қаватли якка тартибдаги туарар-жой бино деворининг кўриниши.

Ёғоч конструкцияли бинолар барчанинг кўз ўнгига зилзила синовларидан ўтган. «Синч уйим- тинч уйим» мақоли бежиз пайдо бўлмаган. Республикализ худудида кейинги йилларда икки қаватли ёғоч синчли бинолар қурила бошланди.

Бу албатта мустақиллигимиз шарофати ва ёғоч материаллари асосидаги қурилишларнинг янги XXI асрдаги ривожланиш босқичидир.

Назорат саволлари

1. Ёғоч қаерларда ишлатилади?

2. Ёғоч конструкциялари қачон ва қаерларда қўлланилган?

3. Чет эл олимларидан кимлар ёғоч конструкциялари билан шуғулланган?

4. Фазовий ёғоч структура конструкцияларининг янги турларини қайси ўзбек олими яратган?

5. Ёғочининг зичлиги

6. Ёғоч конструкциялар

7. Синтетик енимлар
8. Ёғоч конструкцияларининг оловбардошлилик чегараси
9. Россияда яратилган қадимги машхур ёғоч конструкцияларининг схемалари
10. Москва монежининг ёғоч қопламаси
11. В.С. Деревягиннинг ёғоч пластинкали таркибли түртқирра түсінлари.
12. Ёғоч синчли бинолар

Кейслар банки

Кейснинг мавзуси: Ёғоч конструкцияларининг оловбардошлилик чегарасини ошириш.

Кейснинг вазифаси – Ёғоч конструкцияларининг оловбардошлилик чегарасини ошириш йўлларини ўрганиш. Ўнгинар одамлар ўлимига ва ногирон бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда. Муаммони ҳал қилиш йўлларини излаш керак.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқараган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ишлаш)
- Ёғоч конструкцияларининг оловбардошлилик чегарасини ошириш йўлларини белгиланг (индивидуал ишлаш)
- кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.

1. Адабиётлар -|1;2;3;4;5;6;7;8;9;10;11;|

2. Интернет сайтлар -|12;13;14;15;16|

2 - МАВЗУ: ЁҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИШ СОҲАЛАРИ.

Режа

1. Ёғочнинг афзаллиги ва камчиликлари, ёғоч материаллари, уларнинг турлари

2. Ёғочни чириш ва ёнишдан асрарининг йўллари.

Таянч сўзлар: игна баргли, япроқли, қарағай, қора қарағай, тилоғоч, оқ қарағай, кедр, оқ қайин, эман, қайрағоч, тоғтерак, фанера, бруска, брус, юқ кўтарувчи, тўшама, қопламалар, нисбий намлик, мустаҳкамлик чегараси, сиқилиш, қаттиқлиги, деформация

1. Ёғочнинг афзаллиги ва камчиликлари, ёғоч материаллари, уларнинг турлари


Ёғоч- бебаҳо қурилиш материалидир. Ёғоч материалининг заҳираси МДҲ давлатлари ичидаги Россия худудида энг кўп эди ва шунинг учун илгари ҳам, ҳозирда ҳам жуда кўп мамлакатларга ёғоч материалини асосан Россия экспорт қиласи, шу жумладан Ўзбекистон республикаси қурилишларида ишлатиладиган сара ёғоч материаллари ҳам асосан Россиядан олинади.

Ёғоч материаллари асосан икки турдаги дарахтлардан олинади: игна баргли ва япроқли. Қурилишдаги ёғоч конструкциялари асосан игна баргли

ёғоч дарахтларидан тайёрланади. Булар қарағай, қора қарағай, тилоғоч, оқ қарағай ва кедрлардир.

Үрмөнчилик хўжалигида энг кўп тарқалган япроқли ёғоч дарахти - бу оқ қайниндир. Эман, қайрағоч, тоғтерак захиралари энди кўпайтирилмоқда. Оқ қайнин ва тилоғочлар фанера тайёрлаш саноатида асосий хом-ашё материаллари ҳисобланади.

Қурилишда ишлатиладиган ёғоч материалларини кўриниши бўйича асосий икки турга бўлинади: доирасимон ва қиррали.



2.1-расм. Ёғоч материаллари: а)-арпаланганинг; б)- доирасимон; 1-тахтанинг кенг юза томони; 2-учидаги ён томони; 3-қалинлиги ён томони; 4-қиррали ёғоч; 5-қалин тахта; 6-юпқа тахта; 7-рейка; 8-ёғоч хода; 9- бир томони текис хода ; 10-кантланган хода.

Доирасимон қурилиш материали - иккала чеккаси текис арпаланганинг бутоғларидан тозаланган ёғочдир. Улар стандарт 4,0; 4,5; 5,0; 5,5; 6,0 ва 6,5 м узунликларга эга ва бу турдаги ёғоч материаллари кесик конус шаклида бўлади.

Улар диаметрининг узунлиги бўйича камайиши кичрайиш деб аталади. Кичрайиш ўртача 1 м да 0,8 см ни ташкил қиласи. Доирасимон кўндаланг кесимли ёғочнинг диаметри кичик диаметри бўйича аниқланади. Унинг ўртача диаметри 14 см дан 26 см гача оралиқларда бўлади ва айrim ҳолларда ундан катта ҳам . Диаметрларни ўзгариш градацияси 2 см ни ташкил қиласи. Унинг ўртача диаметрини қуийдаги ифода орқали аниқлаш мумкин:

$$d_{\text{ўп}} = d + 0,5 \cdot l$$

Диаметри 13 см дан кичик бўлган ёғочлар вақтинчалик иншоотлар қурилишида ишлатилади.

Қиррали ёғоч материаллари - арпаланганинг ёғоч материаллари ёғочни тилиш рамаларида ёки айланма тилиш станокларида ёғочни бўйламаси бўйлаб арпалаш натижасида ҳосил қилинади. Улар стандарт 0,25 м градация билан 1 м дан 6,5 м гача бўлган ўлчамларда бўлади. Юк кўтарувчи конструкциялар учун ёғочгача бўлган ўлчамларда бўлади. Юк кўтарувчи конструкциялар учун ёғоч тахтанинг кенглиги 60 мм дан 250 мм гача, қалинлиги 11 мм дан 100 мм гача бўлади.


Бруска -қалинлиги 50мм дан 100 мм гача, кенглиги 100 мм дан 175 мм гача бўлади.

Бруск - қалинлиги ва кенглиги 125 мм дан 250 мм гача бўлади.

Ёғочнинг тузилиши, бутоқлари ва сифати унинг келиб чиқиши билан аниқланади. Даражат сифатида келиб чиқиши ва ўсиши натижасида ёғоч трубасимон қатлам -толали тузилишга эга бўлади.

Ёғоч қурилиш материалининг сифати, асосан ёғочнинг бир жинслилик даражаси билан аниқланади. Бир жинсли бўлмаган тузилиши ёғочни ўсиши жараёнида, ёғоч материалларини омборда сақлаш жараёнида, куритиш, қайта ишлатиш жараёнида вужудга келади.

Ёғочнинг сифатини бузадиган, бир жинслилигини ўзгартирадиган омил - бу бутоғлардир. Бутоғлар ён шохлари натижасида вужудга келади. Конструкциявий ёғоч материалларининг сифати, тоифалари билан белгиланади. Ёғоч материали учта тоифаларга бўлинади.



2.2-расм. Ёғоч материалларини сифати бўйича тоифалари:

а, б, в -1, 2 ва 3 - тоифалар: 1 - тола қиялиги; 2 - бутоғлар.

Биринчи тоифа ёғоч материалда 20 см узунликда бутоғлар диаметрлари йифиндиси $d \leq (1/4)b$ дан кичик бўлиши ва 1 метр масофадаги толалар йўналиши қиялиги 7% га teng, ёки кичик бўлиши керак $7 \geq i$.

Ўртacha мустаҳкамликка эга бўлган иккинчи тоифа ёғоч материалларида узунлиги бўйича 20 см даги бутоғлар диаметрлари йифиндиси $d \leq (1/3)b$ дан кичик бўлиши ва 1 метр масофадаги толалар йўналиши қиялиги 10% га teng ёки кичик бўлиши керак ($10 \geq i$ бу ерда: i -нишаблик).

Учинчи тоифа ёғоч материалларида эса, $d \leq (1/2)b$ дан кичик бўлиши ва толалар қиялиги 12% дан катта бўлмаслиги керак.

Биринчи тоифа ёғоч материаллари энг асосий юк кўтарувчи конструкцияларни тайёрлашда, кўпроқ чўзилишга ишловчи элементларда, иккинчи тоифа ёғоч материаллари - бошқа ўртacha кучланган юк кўтарувчи конструкция элементларида, учинчи тоифа ёғоч материаллари эса кам кучланган тўшама ва қопламаларда ишлатилади. Ёғочнинг хоссалари асосан унинг тузилиши бўйича аниқланади. Ёғоч, хусусий оғирлиги бўйича енгил конструкциявий материаллар синфида киради. Ёғочнинг зичлигини 12% нисбий намликда аниқланади.

Ёғочнинг мустаҳкамлиги зўриқиши йўналишини тола йўналишига нисбатан таъсир қилишига боғлиқдир. Қарағай ёғочини ўртача мустаҳкамлик чегараси чўзилишда 100 МПа, эгилишда 75 МПа ва сиқилишда 40 МПа га тенгдир.

Зўриқиши толаларига кўндаланг таъсир қилса, ёғочни чўзилишдаги, сиқилишдаги ва силжиш-ёрилишдаги мустаҳкамлиги 6,5 МПа дан ошмайди. Ёғочни ички тузилишининг бир жинсли эмаслиги, ёғочни сиқилиши ва эгилишидаги мустаҳкамлигини ўртача 30 % га ва айниқса чўзилишдагини 70 % га камайтиради. Ташқи юкнинг узок вақт таъсир қилиши ҳам мустаҳкамлик ва деформацияга салбий таъсир кўрсатади. Чегараланган узок вақт юклама таъсиридаги мустаҳкамлиги, узок қаршилик кўрсатиш чегараси билан характерланади ва у стандарт қисқа муддат юклanganлиқдаги мустаҳкамлик чегарасининг ярмини ташкил қиласи (0,5σ).

Титратиш юкламалари ёғочда ўзгарувчан белгили кучланишлар ҳосил қиласи ва улар ҳам ёғоч мустаҳкамлигини пасайтиради. Ёғоч бу циклик **юкламаларга 0,2 мч** чегарадаги қийматгача бўлган юкламаларда чегараланмаган микдордаги циклга бардош беради.

Ёғочнинг қаттиқлиги ва бикрлиги трубасимон толали тузилишига эга бўлганлиги учун нисбатан унча катта эмас.

Бикрлик-юклама таъсир қилганда ёғочни деформацияланувчанлик даражасидир. Бикрлик юкламани толалар йўналишига нисбатан таъсир қилишига, юклама таъсирининг муддатига ва ёғоч намлигига боғлиқдир.

Ёғочдаги деформациялар - оний эластик (қисқа муддатли юкламалардан), эластик ва қолдиқ (узок муддатли юкламалардан) бўлади. Оний эластик деформациялар юклама таъсири йўқолганда тезда қайтади, эластик деформациялар эса вақт ўтгандан кейин қайтади, қолдиқ деформациялар (пластик) қайтмайди.

Бикрлик, эластиклик модули(E) билан аниқланади. Лаборатория шароитида игна баргли ёғочларнинг бикрлиги аниқланганда 1500 МПа гача бўлган қийматларда эластиклик модули чиқиши мумкин. Лекин реал шароитда ёғочнинг эластиклик модули бундан 1,5 марта кичик ва у нормал ҳарорат ва намлик шароитида 1000 МПа қийматга тенг деб олинади. Юқори намлик ва очиқ ҳаво шароитида бу қиймат 0,9 дан 0,75 гача бўлган оралиқдаги коэффициент қийматларига кўпайтирилади. Ёғочнинг бикрлиги - юкламани толаларига кўндаланг ёки бурчак остида таъсир қилган ҳолатларда 50 марта камаяди, чунки ёғочнинг қаттиқлиги камдир. Қаттиқлик, радиуси 5,64 мм бўлган пўлатдан тайёрланган яrim сферани босим билан босиш орқали аниқланади. Масалан, қарағайнинг қаттиқлиги(унинг йиллик халкаларига кўндаланг таъсир қилган ҳолатда) 1000 Н га тенгдир. Қаттиқликнинг кичиқлиги ёғочга ишлов беришни осонлаштиради, лекин унинг сиртини осонгина бузилишига сабаб бўлади. Ёғоч қаттиқлигини кичиқлиги ва толали тузилиши, уни михлаш имконини беради.

Ёғочнинг намлиги унинг физик-механик хоссаларига ҳам таъсир кўрсатади. Намлик ($W, \%$)- бу ёғоч ғоваклигидаги гигроскопик сув ва эркин сувларни фоиз даражасидир. Сувда оқизилган ёғочнинг намлиги энг катта


хисобланади ва у 200 % гача бўлиши мумкин. Янги кесилган ёғочнинг намлиги 100 % гача бўлиши мумкин.

Омборларда сақлаш, табиий ва сунъий қуритиш жараёнларида намлик даражасини 40, 25, 20 ва 10 % ларга туширилади. Намлик даражаси ёғоч конструкциялари сифатига ҳам таъсир кўрсатади.

Катта намлиқдаги ёғочларни доимо сувга тегиб турадиган конструкцияларни тайёрлашда ишлатиш мумкин. 40 % гача намлиқдаги ёғочлардан очик ҳавода турадиган конструкциялар тайёрланади. 25% гача намлиги бор ёғочлардан намлиги юқори бўлган ёпиқ конструкцияларни тайёрланади. Намлиги 20% гача бўлган ёғочлардан елимланган ёғоч конструкцияларидан бошқа барча Намлиги 8-12% гача бўлган ёғоч конструкциялари, шу жумладан тайёрланади. Ёғочнинг намлиги 30% гача оширилганда ёки камайтирилганда унинг қобиқларида гигроскопик намлик хисобига ёғоч элементлар ўлчами ортади ёки камаяди. Бунда қуриш ва шишиш жараёнлари юз беради. Энг катта қуриш ва шишиш жараёни толаларга кўндаланг ҳолатда юз беради ва 4% гача етади, тангенциал йўналишда - ийллик халкаларига параллел ҳолатда 10% гача етади.

Толалари бўйлаб қуриш ва шишиш даражасининг энг кичик қиймати 0,3% дан ошмайди. Намлик 30% дан ортиб кетганда эркин сув ҳисобига қуриш ва шишиш жараёни юз бермайди.

Ёғоч элементни қуритилиши жараёнида деформацияни ривожланиши нотекис, сиртдан марказга томон юз беради (2.3-расм).



2.3-расм. Ёғоч материалларини қуритишдаги деформациялар: 1-кесим ўлчамларини камайиши; 2 - ёрилиши; 3 ва 4 – кўндалангги ва бўйламаси бўйича тоб ташлаши.

Намлиknинг 0 дан 30% гача бўлган чегарада ўзгариши ёғоч мустаҳкамлиги ва бикрлигига таъсир кўрсатади. Намлик бу чегарадан ошганда, ёғоч мустаҳкамлиги максимал қийматидан 30% гача камаяди. Намлиkn 30% дан ошиши эса мустаҳкамликни камайишига олиб келмайди.

Ёғочнинг намлиги ҳар қандай бўлишидан катъий назар мустаҳкамлик ва бикрлик қўрсаткичларини таққослаш учун стандарт намлик сифатида 12% қабул қилинган. Ёғоч намуналарни табиий намлиқдаги ($W = 8 - 23$ гача) мустаҳкамлик чегарасини, стандарт 12% намлиқдаги мустаҳкамлик

чегарасига коэффициентни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Сиқилиш ва эгилишда α -нинг қиймати 0,04 га тенг. Стандарт намлиқдаги мустаҳкамлик чегараси -B12 ни қуидаги формула ёрдамида аниқланади ва мазкур формула намлик - $W=8\ldots23\%$ гача бўлган оралиқларда ўринлидир:

$$B_{12} = B_W \{1 - \alpha (W - 12)\} \quad (1.2)$$

Бу ерда: B_{12} - стандарт 12% намлиқдаги мустаҳкамлик чегараси; B_W - табиий намлиқдаги мустаҳкамлик чегараси; α - ўтказиши коэффициенти (1-жадвал); W - табиий намлик.

Кучланиш	Барча турдаги ёғочларни 12% намликка келтиришдаги α нинг қиймати
Толалари бўйлаб сиқилиш	0,05
Статик эгилиш	0,04
Толалари бўйлаб силжиш ва ёрилиши	0,03

Ҳароратнинг ёғочга ва унинг иссиқлик ўтказувчанлигига таъсири.

Ҳарорат кўтарилиганда мустаҳкамлик чегараси ва эластиклик модули камаяди ва ёғочнинг мўртлиги ошади. Масалан, қарағай ёғочини сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси, уни 20 град С дан 50 град С гача қиздирилганда ўртacha 70% гача камаяди, 100 град С гача қиздирилганда эса, бошланғич қийматидан 30% гача камаяди.

t - ҳароратдаги ёғочнинг мустаҳкамлик чегарасини, унинг бошланғич 20 град С даги мустаҳкамлик чегараси ҳамда тўғриловчи β коэффициентни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш мумкин:

$$\sigma_t = \sigma_{20} - \beta(t - 20)$$

бу ерда: σ_t - мавжуд t ҳароратдаги мустаҳкамлик чегараси; $=20-20^{\circ}\text{C}$ ҳароратдаги мустаҳкамлик чегараси;

β - ўтказиши коэффициенти (2-жадвал); t – синалаётган вақтдаги мавжуд ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$

Манғий ҳароратларда ёғочдаги намлик музга айланади ва намлик 25% гача бўлганда сиқилишдаги мустаҳкамлиги ортади, лекин мўрт бўлиб қолади.

Ёғочнинг ҳарорат таъсиридаги деформацияси α -чизиқли кенгайиш коэффициенти билан аниқланади. Ёғоч толалари бўйлаб аниқланган бу коэффициент жуда кичик ва у $5\cdot10^{-6}$ дан ошмайди, ўз навбатида бу ёғоч уйларни ҳарорат чокларисиз куриш имкониятини беради. Толаларига кўндалангги бўйича эса бу коэффициент $7\div10$ марта каттадир.

β -тўғриловчи коэффициентнинг қийматлари 2-жадвал.

Ёғоч тури	β мПа			
	толалар бўйлаб сиқилишда	статик эгилишда	Толалар бўйлаб силжиш, ёрилишда	
Қарағай	3,5	4,5	0,4	4
Қора қарағай	2,5	3,0	-	-

Тилооч	4,5	-	-	-
Оқ қарагай	2,5	-	-	-
Оқ қайин	4,5	-	-	-

Ёғочнинг иссиқлик ўтказувчанлиги, унинг трубасимон-ғовак тузилишига эга бўлганлиги ҳисобига айниқса толаларига кўндалангти бўйича кичикдир. Куруқ ёғочни толаларига кўндалангти бўйича ўртача иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ламбда= 0,14 Вт / (м·°C) га тенгдир. Иссиқлик ўтказувчанлиги кам бўлганлиги учун ёғоч енгил тўсиқ конструкциялари учун самарали материал ҳисобланади. Ёғочни иссиқлик сигими каттадир, қуруқ ёғочники ўртача $C = 1,6 \text{ кЖ} / (\text{кг} \cdot \text{°C})$ га тенгдир.

Курилиш фанераси - варакли ёғоч конструкциявий материал ҳисобланади. У тоқ сондаги юпқа қатламлардан ташкил топади. Ҳар бир қатлам -шпон қалинлиги ўртача 1 мм бўлиши мумкин. Асосан шпонлар оқ қайин ва тилоочдан олинади. Ҳар бир шпон толалари бир-бирига нисбатан ўзаро перпендикуляр жойлашган бўлади.

Курилиш конструкцияларида елимланган ва шимдирилган фанералар қўлланилади.


Елимланган фанера ёғоч-шпон қатламлардан ташкил топади улар ўзаро сувга чидамли елимлар билан елимланади, алан, фенол формальдегидли-ФСФ. Шпонларни карбамидли елим билан елимлаш орқали ўртача сувга чидамли-ФК турдаги фанералар олинади. Бу турдаги фанераларни Ёғочнинг иссиқлик ўтказувчанлиги, унинг трубасимон-ғовак тузилишига эга бўлганлиги ҳисобига айниқса толаларига кўндалангти бўйича кичикдир. Куруқ ёғочни толаларига кўндалангти бўйича ўртача иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти $\lambda = 0,14 \text{ Вт} / (\text{м} \cdot \text{°C})$ га тенгдир. Иссиқлик ўтказувчанлиги кам бўлганлиги учун ёғоч енгил тўсиқ конструкциялари учун самарали материал ҳисобланади. Ёғочни иссиқлик сигими каттадир, қуруқ ёғочники ўртача $C = 1,6 \text{ кЖ} / (\text{кг} \cdot \text{°C})$ га тенгдир.

Курилиш фанераси - варакли ёғоч конструкциявий материал ҳисобланади. У тоқ сондаги юпқа қатламлардан ташкил топади. Ҳар бир қатлам - шпон қалинлиги ўртача 1 мм бўлиши мумкин. Асосан шпонлар оқ қайин ва тилоочдан олинади. Ҳар бир шпон толалари бир-бирига нисбатан ўзаро перпендикуляр жойлашган бўлади.

Курилиш конструкцияларида елимланган ва шимдирилган фанералар қўлланилади. Елимланган фанера ёғоч-шпон қатламлардан ташкил топади (2.4-расм), улар ўзаро сувга чидамли елимлар билан елимланади, масалан, фенолформальдегидли-ФСФ. Шпонларни карбамидли елим билан елимлаш орқали ўртача сувга чидамли-ФК турдаги фанералар олинади. Бу турдаги фанераларни юқори намликка эга бўлмаган хоналарда ишлатишга тавсия этилади.

Сувга чидамли фанераларни ҳар қандай намлиқдаги бинолар конструкцияларида ишлатишга рухсат берилади. Елимланган фанераларни қалинлиги 6...12 мм бўлади. Энг кўп конструкцияларда қўлланилаётган фанера бу етти қатламли фанерадир. Унинг қалинлиги 8, 9, 10 ва 12 мм,

узунлиги 2440, 2135, 1525, 1220 мм, кенглиги эса 1525, 1220 ва 725 мм ни ташкил қиласи.



2.4-расм. Курилиш фанераси (қирқими): 1-бўйлама қатламлар, 2-кўндаланг қатламлар.

Фанера варак шаклида бўлганлиги учун, ундан енгил самарали том ва девор ёпма панеллари ва яна сифимлар ҳамда қолиплар муваффақиятли тайёрланмоқда. Ташки қатламлари толалари бўйлаб елимланган фанеранинг мустаҳкамлиги кўндалангига нисбатан юқори, чунки бўйламаси бўйлаб қатламлар сони кўндалангига нисбатан биттага ортиқ. Елимланган фанеранинг кесим текислиги бўйича қирқилишдаги мустаҳкамлиги, ёғочни толалари бўйлаб ёрилишдаги мустаҳкамлигидан 2,5 марта ортиқдир.

Фанералар мустаҳкамлигига нуқсонлар таъсири ёғочдагига нисбатан камдир. Юқори сувга чидамли фанералар намлиги -12 %, ўртачасиники эса -15 % ни ташкил қиласи. Фанерани бикрлиги эластиклик модули билан характерланади ва 8 мм, ҳамда ундан катта қалинликдаги фанералар учун толалари бўйлаб ёғочникининг 90% ни, толаларига кўндалангти бўйича эса 70% ни ташкил қиласи.

Шимдирилган фанера ҳам худди шундай тузилишга эга (елимланган фанера каби), лекин унинг ташки қатламлари нафақат елимланган бўлади, балки уларга сувга чидамли синтетик спиртда эритиладиган смола шимдирилган бўлади. Бу турдаги фанеранинг қалинлиги 5...18мм, узунлиги 1500...2700 мм, кенглиги 1200...1500 мм бўлади. Бу турдаги фанералар елимланган фанералардан ўта юқори сувга чидамлилиги билан, устаҳкамлиги билан ва маҳсус ноқулай намлик шароитларда қўлланилиши билан фарқ қиласи.

2.Ёғочни чириш ва ёнишдан асрашнинг йўллари.

Чириш - ёғочни оддий ўсувчи организмлар таъсирида бузилишидир. Ёғоч бу организмлар учун озиқ-овқат муҳити вазифасини бажаради. Ёғочни ва ёғоч материалларини биологик зааркунандалари жуда катта иқтисодий зарар келтиради. Биологик зааркунандаларга бактерияларнинг баъзи турлари, ёғочни бузувчи замбуруғлар, ёғоч тешувчи қуртлар, чумолилар ва денгиз-ёғоч тешувчилари-молюскаларни баъзи турлари киради. Ҳозиргача бактерияларнинг ёғочга таъсири кам ўрганилган.

Маълум бир бактериялар ёғоч таркибидаги айрим моддаларни ачишига сабаб бўлиб, унинг бузилишига олиб келади. Буларнинг таъсирида ёғоч мустаҳкамлигини аста-секин йўқотиб боради.

Энг кўп тарқалган ёғоч зааркунандалари бу замбуруғлардир. Улар ўрмон, омбор ва уй замбуруғлари турига бўлинади. Ўрмон замбуруғи асосан ўсаётган ёғоч дараҳтини заарлайди. Омбор замбуруғлари асосан ёғоч материалини сақлаш жараёнида ерга тегиб турган қисмини заарлайди. Уй замбуруғлари эса ёғоч материалини конструкция сифатида ишлатиш жараёнида заарлайди ва унинг чиришига сабаб бўлади. Замбуруғлар К3 □ Сдан 45 □ С гача бўлган ҳароратларда ва 18...20 % намлиқдан кам бўлмаган ҳолатларда ривожланади ва ёғочни чиритади.

Кумурсқалар - ёғочни бузувчилари ҳисобланади. Улар ҳам қурук, ҳам ҳўл ёғочни бузилишига, чиришига олиб келиши мумкин.

Чиришдан ёғоч конструкцияларини ҳимоя қилишнинг икки хил усули мавжуд: конструктив ҳимоя усули; кимёвий ҳимоя усули. Чиришдан ҳимоя қилишнинг конструктив усулида конструкциянинг эксплуатация қилиниши учун муҳит яратилади ва у ҳолатда конструкциянинг намлиги чириш шароитига намлиқдан ошиб кетмайди. Ёпиқ биноларда, атмосферадан тушадиган ёғингарчиликларни том ёпмадан ўтиб кетмаслиги, томда нишаблик бўлиши, ички сув чиқиб кетиш йўллари бўлиши таъминланади. Ёғоч конструкцияларини капиляр

намлиқдан ҳимоя қилиш учун, уларни бетон ва ғишт деворлардан битум катламли гидроизоляция билан ажратилади. Хона ичидағи ёғоч конструкциялари ПФ-115, УР-175 ва бошқа ёғоч лак-буёқлари билан ҳимоя қилинади.

Ёғоч конструкцияларида ҳосил бўладиган конденсация намлигидан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳолатда конструкцияга сув буғлари кирмаслиги учун, хона томондан буғсақлагич қўйилади. Асосий юқ кўтарувчи конструкцияларни лойиҳалашда чок бўлмаслиги ва ёриқ жойлар бўлмаслигига эришиш лозим, чунки бу жойларда совук ҳавонинг туриб қолиши ва у ерда сув ҳосил бўлиши - чириш жараёнини келтириб чиқариши мумкин.

Агар конструкцияни эксплуатация қилиш жараёнида унинг намланиши аниқ бўлса, у ҳолатларда кимёвий ҳимоя усулидан фойдаланилади. Масалан кўприк, минора ва қозик конструкцияларида ёғоч конструкция намланиши мумкин.

Чиришдан ҳимоя қилишнинг кимёвий усулида конструкцияга антисептика моддаси суртилади ёки шимдирилади ёки у билан қопланади. Антисепикалар икки турга бўлинади: сувда эрийдиган ва сувда эримайдиган-мойли. Сувда эрийдиган антисептика - фторли ва кремний фторли натрийдир. Унинг ранги ва ҳиди йўқ. Уни ёпиқ турдаги биноларда ишлатилади ва у одамлар учун заҳарли эмасдир. Баъзи турдаги сувда эрийдиган заҳарли антисепикалар ҳам мавжуд. Уларнинг айримлари одамлар учун ҳам заҳарлидир. Мойли антисептика - сувда эримайди, ҳар хил замбуруғ ва бактериялар учун заҳарлидир, кучли ёқимсиз хидга эга бўлиб,

одамлар соғлиги учун ҳам зааралидир. Бу турдаги антисептика моддалари очык турдаги иншоотлар конструкцияларини ҳимоялашда, одам кам бўладиган жойларда, ер ва сув остидаги конструкцияларни чиришдан ҳимоя қилишда ишлатилади.

Ёғоч конструкцияларини ёнишдан ҳимоя қилишнинг икки усули бор: конструктив ва кимёвий. Ёғоч ёнувчан қурилиш материали ҳисобланади. Унинг оловбардошлик чегараси нисбатан кичикдир. Оловбардошлик чегараси - вақт бирликларида ўлчанади. Йирик кўндаланг кесимли ёғоч конструкциялари катта оловбардошлилик чегарасига эгадир. Масалан, 17...17 см кўндаланг кесимли қиррали ёғоч тўсин- брус 10 МПа кучланиш билан юкланган ҳолатда 40 минут оловбардошликка эгадир.

Ёғоч конструкциясини ёнишдан конструктив ҳимоя қилиш усулида - конструкция юқори ҳароратли жиҳозлардан узокроққа қўйилади. Ёғочнинг ёнишига қулай ҳарорат бўлишига йўл қўйилмайди. Ҳатто оддий сувоқ ҳам оловбардошлилик чегарасини ортишига сабаб бўлади.

Ҳимоя қилишнинг кимёвий усулида - антипирен моддаси қўлланилади. Ёғочни ёниши учун икки нарса бўлиши керак: ҳарорат ва яна қислород. Антипирен ҳарорат кўтарилигдан шимдирилган ёғоч таркибидан чиқиб ёғоч элемент сиртида плёнка ҳосил қиласди ва бу билан конструкцияни қислороддан изоляциялайди, натижада ёниш жараёни тўхтайди.

Зарур бўлган ҳолатларда антипиренни антисептика билан биргаликда ва бир вақтда ёғоч конструкция элементларига шимдирилади.

Ёғоч конструкцияларнинг емирилиши ва чиришини олдинини олиш чоралари

Ёғоч ва ёғоч материаллар ҳалқ хўжалигининг ҳамма тармокларида кенг қўлланилади. Ундан бино ва иншоатларни қуришда, автомобилсозлик, химия ва кўмир саноатида, қофоз-целлюлоза саноатида, мебель, спорт инвентарлари, буёқлар ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам кенг фойдаланилади.

Ёғоч материалларнинг бундай кенг қўламда ишлатилишига сабаб техник ҳоссаларининг юқорилиги ва қулайлигидир. Вазни енгил, пухталиги юқори, электр токини ёмон ўтказади, кислота ва ишқорлар таъсирида тез емирилмайди. Кўпчилик ёғочларнинг ташқи кўриниши чиройли бўлиб, пухта елиманувчи бўлади ва яхши пардозланади. Шунга қарамасдан, ёғочлар турли камчиликлардан ҳам холи эмас, ҳарорат, намлик ўзгариши натижасида ёғоч қуриб, тез деформацияланади ва нам тортиб шишади, ёрилади, емирилади. Ёғоч конструкцияли бинолар бутун дунёда қадимдан қурилишда ишлатиладиган асосий материаллардан бири бўлиб ҳисобланади. Республикамизда ёғоч конструкциясидан фойдаланишнинг ўзига хос усуллари яратилган. Бунга мисол қилиб, тураг-жой қурилишида ёғоч синч конструкцияларни келтириш мумкин. Ёғочга ишлов бериш осон, яхши эксплуатация муҳитида умрбоқий ва мустаҳкам бўлиб, иссиқлик ўтказувчанилиги бўйича ҳам яхши сифатга эга. Энг яхши кўрсаткичларидан яна бири, ёғоч синчли тураг-жой биноларининг зилзилабардошлигидир. Бироқ,

уни ишлатишдан олдин яхши қуритмаслик, нотўғри эксплуатация муҳити, яъни намлиқдан сақламаслик ёғоч конструкциясининг хизмат даврини кескин камайтиради.

Ёғоч конструкцияли биноларда ички муҳитдаги намлиқ даражаси маълум бир миқдордан ошганда эгилиш, шу билан бирга турли замбуруғлар таъсирида унинг сиртида моғорлар пайдо бўлади. Бундан ташқари, ёғоч қурти, Ўрта Осиё (Қорақалпоғистон республикаси шароитида) минтақасида учрайдиган турли хилдаги термитлар ёғоч конструкциясининг муддатидан олдин авария ҳолатига олиб келиши мумкин.

Ёғоч замбуруғи қуруқ ёғочда ривожланмайди.



2.6-расм. Ёғоч замбуруғи

Ёғочда замбуруғларнинг пайдо бўлиши учун ҳавонинг намлиги қуидагича бўлиши лозим:

- Ҳавонинг намлиги

12-18% гача (қуруқ)- ёғочда замбуруғ ривожланмайди;

- Ҳавонинг намлиги

23-25% гача (ярим қуруқ)- ёғочда замбуруғнинг баъзи турлари ривожланиб бошлайди;

- Ҳавонинг намлиги

25-30% (нам ҳаво) ундан юқори намлиқда (30-60%)- ёғоч барча турдаги замбуруғлар таъсирида бузила бошлайди.

Ўз навбатида, сувда турган ва доимий елвизак шароитда турган ёғоч замбуруғлар таъсирига чалинмайди.

Намлиқ 25% дан ошганда, ёғоч конструкцияда чириш бошланади.

Юқорида келтирилганлардан кўринадики, ёғоч конструкциясини ҳимоялаш учун қулай намлиқ муҳитини сақлаш, агарда бунинг иложи бўлмаса ёғоч конструкция маҳсус кимёвий усусларда қайта ишланади.

Бинонинг қуидаги жойларида ёғоч конструкциясининг емирилиши кўпроқ кўзатилади.

- ишлатилмайдиган ва нам тупроқли ертўлаларда;
- тўсин ва устунларнинг маҳсус кимёвий ишлов берилмай қолган жойлари ёки ташқи муҳит таъсирида қолган жойлари;
- том қопламаси бузилган ёпилма конструкциялари;
- юқори намлиқ муҳитидаги ва шамоллатиш режими бузилган жойлардаги пол, тўсин ва бошқа ёғоч конструкциялар.

Ёғоч конструкциясини турли омиллар таъсирида емирилишдан сақлаш мақсадида турли хилдаги антисептиклар қўлланилади. Уларни ҳам қурилиш

ҳам таъмирлаш жараёнида қулланилиши мумкин. Чиришни олдини олишда қўйидаги чора-тадбирларни кўриб чиқамиз:

Намликтан сақлашнинг конструктив усуллари, бу томни ишончли қилиб ёпиш, доимий профилактик ишларни амалга ошириш, бинони эксплуатацияга топширишда уни тўлиқ намликтан бартараф этиш, ер ости сувларидан ҳимоя сифатида гидроизоляция ишларини сифатли бажариш, иситиладиган хоналарни ва ертўлаларни шамоллатишни ташкил этиш ишлар киради. Ёғочни чиришдан сақлаш учун антисептиклар билан қайта ишланади. Антисептикларга қўйидаги талаблар қўйилади: замбуруғларга нисбатан юқори токсинлик, ёғочга яхши шимилиш, нохуш хид тарқатмаслик, инсон ва уй ҳайвонларига безиёнлик, ёғочнинг сифатини пасайтирмаслик ва ш.к..

Антисептиклар сувда эрийдиган, органик эритувчиларда эрийдиган, мойли ва пастасимон хилларга бўлинади.

Сувда эрувчан антисептикларга натрийли фторид, натрийли кремнефторид, аммонийли кремнефторид, ББК-3, ХХЦ, МХХЦ ва ГР-48 препаратлари киради. Бундай антисептикларни қуруқ жойда ишлатиладиган ёғочларни қайта ишлашда қўлланилади.

Эксплуатация жараёнида ёғочнинг намлигини 20% камайтиришнинг иложи бўлмаса, унда кимёвий ишлов- антисептлаш ишлари амалга оиширилади. Шу мақсадда турли кимёвий таркибга эга бўлган моддалар билан ёғочни сиртини бўяш ёки уни шимдириш йўли билан ёғочни заарлантирувчи замбуруғларни ривожланишига йўл қуйилмайди. Антисептик моддаларнинг қўйидагиларидан фойдаланишга рухсат берилади: замбуруғларни ривожланишини олдини оладиган ноорганик, сувда ва органик эритувчиларда эрийдиган моддалар. Бу моддалар инсон ва ҳайвонларга заарсиз бўлиши, конструкциянинг механик мустаҳкамлигига зарар етказмайдиган, унинг зичлигига, электр ўтказувчанлигига салбий таъсир қилмайдиган бўлиши лозим.

Ёғоч 250-300°C да ўзидан тез ёнувчан газ чиқара бошлаб, учқун тегиши билан ёнишга тайёр ҳолда бўлади. Ёғоч конструкциясига ўзоқ муддатли иссиқлик манбай таъсир қилиб турса, ёғоч ҳатто 150-160°C да ҳам ёниб кетиши мумкин. Ёниш жараёнида ёғочнинг сирти тез ёнади ва маълум бир кўмир қавати ҳосил бўлгач, ёниш жараёни секинлашади.

Ёғоч конструкцияларини ёнғиндан сақлаш учун конструктив чора-тадбирлар қуллаш лозим. Том ёпмаларини ёнмайдиган қурилиш ашёларидан бажариш, ораликсиз, бир-бирига елимлаш орқали ёпиштирилган массив конструкцияларни қўллаш, ёнғин чиқишини олдини олевчи чоралардир. Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги мақсадида биноларни бир-биридан ажратиш, маълум бир ёнғин хавфсизлиги зonasини қолдириш, ёнғинни автоматик ўчириш воситаларини қўллаш, печ ва тутун чиқарувчи мўриларни ишончли қилиб ҳимоялаш ва бошқа тадбирлар кўрилиши керак. Кўлланиладиган чора-тадбирлар етарли бўлмаса, кимёвий ҳимоя воситалар қўлланилади.

Назорат саволлари

1.Ёғоч қурилиш материали.

- 2.Игна баргли ёғоч дараҳтлари.
 3. Қурилишда ишлатиладиган ёғоч материалларини кўриниши бўйича неча турга бўлинади .
 - 4.Доирасимон қурилиш материали .
 - 5.Қиррали ёғоч материаллари.
 6. Брус.
 7. Ёғоч материали нечта тоифага бўлинади.
 - 8.Ёғочнинг зичлиги.
 - 9.Қарағай ёғочини ўртacha мустаҳкамлик чегараси.
 10. Титратиш юкламалари .
 - 11.Ёғочнинг қаттиқлиги ва бикрлиги .
 - 12.Ёғочдаги деформациялар.
 - 13.Ёғочнинг намлиги.
- 1.Адабиётлар -|1;2;3;4; 8;9;10;11;|**
2.Интернет сайтлар -|12;13;14;15;16|

3 - МАВЗУ: ЁҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАР. ЁҒОЧНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИ.

Режа

- 1.Ёғоч хусусиятлари.
- 2.Ёғочнинг анизотроплигини унининг мустаҳкамликка таъсири.
- 3.Нам ёғоч оғирлиги, мустаҳкамлиги ва қаттиқлигига таъсири.

Таянч сўзлар: игна, баргли, хари, тахта, брус, шпал, пуштахта, рейка, пайраха, қипиқ, текстура, ёриқ, чириш, ёниш, ҳажмий оғирлиги, механик хоссалари, мустаҳкамлик, чўзилишдаги мустаҳкамлиги, ёрилишга қаршилиги, эзилиш, нуқсон


1.Ёғоч хусусиятлари.

Ўрмонлар қайта тиклангани учун ёғоч битмас-туганмас қурилиш материаллари ва буюмлари захирасидир. Бино ва иншоотлар қурилишида ёғоч хари, тахта, брус, шпал холатларида ишлатилиши мумкин.

Ёғоч қайта ишланганда пуштахта, рейка, пайраха, қипиқ ва шу каби (50-60%) чиқинди бўлади.

Ёғоч юқори мустаҳкамлик ва қайишқоқлик, зичлик ва кам иссиқ ўтказувчанлик, совуққа чидамлилик, сув ва органик эритувчиларда эrimasлик хусусиятларига эга. Ёғоч осон қайта ишланади, элимлаш, мих қоқиши мумкин. Шу билан бирга ёғоч хоссаларининг анизотроплиги (толасимон тузилиши туфайли), намлиқдан деформацияланиши (гигроскопик), чириши ва ёниши каби камчиликларга эга. Аммо бу камчиликларни тузатиш мумкин.

Ёғоч игна баргли ва баргли турларга бўлинади. Игна баргли ёғочларга қарағай, қора қарағай (ел) ва шу кабилар киради. Баргли ёғочларга эман (дуб), оқ қайнин, кора қайнин (бук), ясен, шумтол, аргувон (липа), заранг, ёнгоқ ва шу кабилар киради. қарақай ёғочи юмшоқ, энгил ва пишиқ бўлади. Ундан учун, тўсин, дераза, эшик ясалади, пол ва шипга ишлатилади. Бошқа игна баргли дараҳтлар ёғочлари ҳам шу соҳаларда ишлатилади.



2.1-расм. Ёгоч қатламлари

Марказий Осиё тоғларида ўсадиган арча, қўл ости материали сифатида узоқ ўтмишдан бино ва иншоотларда ишлатиб келинган. Тоғ тераги ва кўк терак ҳам архитектура ёдгорликларида тўсин, учун, муқарнас, шип, пол ва шу кабилар қурилишида ишлатилган. Иchan-қал’а (Хоразм вилояти) Жўме масчити устунлари чинордан ишланган бўлиб, деярли 1000 йиллик тарихга эга. Чинор ва ёғочдан хонақолар учун жавонлар, муқарнаслар ясалган.

Еман ёғочи зич, пишиқ, эгилувчан, текстураси жуда чиройли; сув ва ҳавода чиримайди. Ундан дурадгорлик буюмлари, жавонлар, паркетлар, мих чўплар, шпонлар ва ш.к. тайёрланади. Эман ёғочи совуқ иқлимли мамлакатлар архитектура ёдгорликлари (ички интерерида) кўп ишлатилган; масалан: Москва Кремли, Берлин Рейхтаги, Лондон Букингем саройи ва ш.к. Бошқа баргли дараҳтлар ёғочи ҳам эман каби биноларни безашда ишлатилади.

Ёғоч асосан целлюлозадан иборат бўлиб, зичлиги 1,54 гр/см³ тенг.

2. Ёгочнинг анизотроплигини унининг мустахкамликка таъсири.

Ёгочнинг толалари бўйлаб сиқилишидаги мустахкамлиги толаларига кўндалангига нисбатан 4-6 марта кўп бўлади. Масалан, қарағай 100 Мпа ва 20-25 Мпа сиқилишдаги мустахкамликка толалари ва толаларига перпендикуляр мутаносибликка эгадир. Ёғоч толалари бўйлаб чўзилишдаги мустахкамлиги сиқилишдагига нисбатан 2,5 марта кўпdir

Ёғочларнинг асосий механик хоссалари. 3.1- жадвал

Ёғоч турлари	Намлиг и %	Мустахкамлик чегарали, МПа			Катталиклари МПа		
		толалар йуналиши буйича сиқилиш даги	Толалар йуналиши буйича чузилиш даги	Статик эгили шда ги	Кунда ланг кирқимдаги	радиал кирқимдаги	Тангентал кирқимда ги
Қарағай	12, 30 ва орт.	48,5 21,2	103,5 79,2	86,0 49,5	28,5 13,5	24,0 11,2	25,0 11,5
Арча		44,5 19,6	103,0 78,8	79,5 43,9	26,0 12,2	18,0 8,5	18,0 8,6
Тилогоч	— « —	64,5 25,3	125,0 96,4	111,5 61,7	43,5 20,4	29,0 13,7	29,0 13,8

<i>Оқ қарағай</i>	— « —	39, 0 17,5	67,0 51,5	68,5 40,4	28,5 13,5	17,0 8,0	-
<i>Кедр</i>	— « —	42,0 18,5	90,5 69,4	73,5 42,3	22,0 10,4	-	-
<i>Зирк</i>	— « —	44,0 23,6	101,0 75,8	80,5 49,4	40,0 24,0	27,5 16,2	28,0 17,2
<i>Арғувон</i>	— « —	45,5 24,2	121,0 91,2	88,0 54,2	26,0 15,3	17,0 10,2	18,0 10,6
<i>Оқ қайин</i>	— « —	55,0 22,4	168,0 126,7	109,5 59,7	46,5 27,6	37,0 21,9	33,0 19,6
<i>Қора қайин</i>	— « —	55,5 25,9	123,0 92,6	108,5 64,6	61,0 36,3	43,5 25,7	44,5 26,3

Қорақай ёғочининг эластиклиқ модули 10000-15000 МПа тенг. Ёғочнинг зичлиги ошгани сари эластиклиқ модули ҳам ошиб боради, намликнинг ортиши эса уни камайтиради.

Биноларни безашда ёғоч текстураси катта рол ўйнайди. Текстура-ёғочнинг йиллик халқалари, нурлари, ёғочлигидан иборат иборат табиий чизгилардир. Дуб, чинор, бук, нок, ёнғоқ текстураси жуда чиройли ҳисобланади. Тропик ёғочлар-ебен қора, бакут құнғир ранг текстурага эга. қызил ва темир дарахтлари тестуралари ҳам жуда чиройли бўлади.

3. Нам ёғоч оғирлиги, мустаҳкамлиги ва қаттиқлигига тъсири.

Ёғоч хоссаларига намлик катта та'сир кўрсатади. Янги кесилган дарахт намлиги 40-120% атрофида, сувда эса 200% бўлади. Унинг гигроскопик чегаравий намлиги 30% атрофида, мувозанат намлиги эса 8-12% тенг. Ёғочнинг асосий хоссалари 12% мувозанат намлика келтириб аниқланади.

Ёғоч намлигининг ўзгариши унинг ўлчамлари ва шаклининг ўзгаришига олиб келади. Ёғоч толалари бўйлаб 0,1%, радиал йўналишда 3-6% ва тангенсиал йўналишда 3-12% киришиши мумкин. Ёғочни тез ва нотўғри шароитда қуритиш уни тоб ташлашига (буралишига) олиб келади. Ёғоч дурадгорлик буюмлари, пол, шип қурилишида 8-10% намлика, ташқи конструксияларда 15-18% намлика эга бўлиши керак. Ёғоч намлигини сақлаш учун юзаси бўёқ ва локлар билан қопланади.

Ёғочда ички ва ташқи омиллар та'сирида нуқсонлар пайдо бўлади, чунончи: ёриқлар, қўзлар, чириш, қурт тушиш, нормал шаклининг ва ёғоч тузилишининг бузилиши ва ш.к.

Ёғочни чиришдан сақлаш учун аввало намлиги турғун намлика келтирилади, қолаверса антисептиклар-натрий фторид, натрий кремнийфторид, пентахлорfenол препарати, антратсен ва сланетс мойлари ва ш.к. билан шимдирилади. Ба'зи ёғочларнинг асосий физик-механикавий хоссалари 4-жадвалда келтирилган

Ёғочни ёнишдан сақлаш учун уларни олов марказидан узоқлаштириш, ёғоч юзасини суваш, асбецкартон ва асбецсемент билан қоплаш, антипиренлар билан шимдириш зарур. Антипиренлар сифатида бура, аммоний хлорид, натрийли ёки аммонийли фосфор тузлари эритмалари ишлатилади. Ёнишдан

сақловчи бўёқлар ва пацалар боғловчилар, кукун тўлдирувчилар, антипиренлардан иборат бўлиб, ёғоч юзасига махсус мосламалар воситасида сепилади ёки суртилади. Ушбу антипиренлар олов та'сирида ба'зилари иссиқликдан изолятсияловчи пардалар, ба'зилари эса ёнмайдиган газлар ҳосил қилиб, ёғочнинг ёнишига қаршилик кўрсатади.

Кўп ёғоч турларининг ҳавои қуруқ ҳолатдаги ҳажмий оғирлиги бирдан кичик бўлади. Ҳажмий оғирлигига кўра барча ёғочларни қуйидаги гурухларга бўлиш мумкин: ҳажмий оғирлиги енгил 450–650 кг/м³ (кедр, пихта, арча, аргувон, қарағай, тоғ терак); ўртача – 650–750 кг/м³ (акас, оққайин, қорақайин, эман, нок, каштан, тилоғоч, заранг, шумтол); оғир - 760–1280 кг/м³ (хурмо, граб, шамшод, писта дарахти, қора дарахт).

Ҳажмий оғирлик кўрсаткичи орқали ёғочнинг физик-механик хоссалари тўғрисида тушунча олиш мумкин. Ёғочнинг ҳажмий оғирлиги қанча кичик бўлса, у серфовак бўлиб, унча пишиқ бўлмайди. Ҳажмий оғирлик катта бўлганда бунинг акси бўлади. Ёғочнинг ҳажмий оғирлик кўрсаткичи ёрдамида ундан ишланган конструкциянинг оғирлигини, ташиб учун сарфланадиган транспорт харажатларини аниқлаш мумкин.

Ёғоч қуриганда кичрайиш (киришиш) ва тоб ташлаш хоссаларига эга. Ёғоч толалари тўйинган (намлиги 20–28 % га камайган) нуқта даражасига етгандан кейин ёғочда бундай ҳолатлар бошланади. Ёғоч толаларининг тўйинган нуқта даражаси ёғочдан ишланган буюмлар ёки тахталарни қуритишда катта аҳамиятга эга. Чунки қуриш жараёнида ёғочдан аввал эркин ҳолатдаги сув, кейин гигроскопик ва ниҳоят, моддаларнинг парчаланиши ҳисобига кимёвий бириккан сув буғланиб кетади. Эркин ҳолатдаги сув йўқолгунга қадар ёғоч хоссалари ўзгармайди. Гигроскопик ва кимёвий бириккан сувларнинг йўқолиши натижасида, ёғочда ҳажмий ва чизиқли кичрайиш бошланади, зичлиги ва пишиқлиги ортади. Ёғоч хужайраларидаги ва улар орасидаги намнинг йўқолиши хужайра найчалари, толалари ва пардаларини ўзаро яқинлаштиради, натижада, ёғочнинг умумий ҳажми кичраяди. Ёғочнинг киришиш кўрсаткичини аниқлаш учун ҳажми ва томонлари ўлчангандан нам намунани тургун вазнгача қуритиб, яна ҳажми ва томонлари қайта ўлчанганди. Кiriшиш кўрсаткичи қуйидаги формуладан топилади: $U_0 = (V_1 - V) / V \cdot 100 \%$, бунда, U_0 – ҳажмий киришиш кўрсаткичи, %; V_1 – нам намунанинг ҳажми; V – қуригандан кейинги ҳажми.

Янги кесилган дарахт турғун вазнгача қуритилса, унинг ҳажми ёки тўла киришиши ҳар хил турлар учун 8,5 дан 19 %гача ўзгариши мумкин. Оғир ва қаттиқ ёғочларнинг киришиш кўрсаткичлари енгил ва юмшоқ ёғочларга нисбатан катта бўлади. Ҳажмий ва чизиқли киришиш кўрсаткичидан ташқари ҳажмий киришиш коэффициентини қўйидаш формуладан топиш мумкин:

Ғўла ёғочлар қуриганда уларнинг диаметри, тахта ва тўсинлар қуриганда эса эни ва қалинлиги кичраяди, аммо бўйи деярли қисқармайди. Дарахт танасининг ўзагидан узокроқ қисмидан тилинган тахталар ўрта қисмидан тилинган тахталарга қараганда кўпроқ тоб ташлайди. Бу ёғоч йиллик қатламларининг кўпроқ қуриши натижасида ҳосил бўлади. Тасвир (текстура) - ёғочнинг ҳар хил йўналишда кесилган юзасининг чиройи. Ёғочни қайта

ишлагандан кейин, унинг юзасидаги тасвири янада очилади ва қандай кесилиши ҳамда зичлигига қўра ўзгаради. Ҳар бир турдаги ёғочнинг ўзига хос тасвири бор. Пардозбоп ашёлар ва мебеллар ишлаб чиқаришда эман, чинор, қорақайин, нок каби дараҳт турлари алоҳдда ўрин тутади. Ёғоч юзасини силлиқлагандан кейин лок суртилса, унинг тасвири янада очилади. Чириш жараёни бошланган ёғочда унинг ялтироқлиги ва тасвири йўқола боради.


Ёғоч иссиқ-совуқни ўзидан кам ўтказади. Бу унинг ғоваклигига, толалари йўналишига, намлигига, шунингдек, ҳажмий оғирлигига боғлиқ. Ёғочнинг ҳажмий оғирлиги катта, намлиги юқори бўлса, бўшликларида ҳаво кам бўлади, бинобарин, иссиқ-совуқни кўпроқ ўтказади. Ёғоч иссиқ-совуқни толалари бўйлаб, кўндаланг йўналишдагига нисбатан 2 баравар кўп ўтказади.

Сув ўтказувчанлик. Ёғочнинг сув ўтказувчанлиги деганда, унинг босим остида ўзидан сув ўтказиш даражаси тушунилади. Ёғочнинг бу хоссаси гидротехник иншоотларда ишлатилганда муҳим ўрин тутади. Ёғочнинг сув ўтказувчанлиги унинг қандай ёғоч туридан эканлигига, қайси йўналишда кесилганлигига, йиллик қатламларининг қалинлигига ва ёшига боғлиқ. Ёғочнинг кўндаланг кесими, радиал ва тангенциал кесимида нисбатан кўпроқ сув ўтказади.

Ёғоч конструкциялар ва буюмлар узоқ вақт давомида кислота ёки ишқор эритмалари таъсирида бўлса бузила бошлайди. Эритмаларнинг ўткирлиги ортиши билан, яъни ёғочга таъсир этувчи заарли мухдит микдори қўп бўлса, ёғоч тез бузилади. Кучсиз ишқор эритмаси таъсирида ёғоч деярли бузилмайди. Нордон ёки кислотали эритмалар таъсирига эса у бетон ва пўлатга нисбатан чидамлидир. Масалан, бетон ёки пўлат намунаси pH=2 бўлган эритмада бузилса, ёғоч бундай эритмага анча чидамлидир.

Ёғоч турларининг (қарағай, арча, оқ ва қорақайин) кислоталар ва ўювчи ишқор эритмаларига чидамлилигини текшириб, профессор С.И.Ванин қўйидагича хulosага келди. Игнабаргли ёғоч турларидан ишланган буюм ёки конструкциялар япроқли ёғоч турларига нисбатан чидамлидир. Игнабаргли ёғоч турлари ичида тилоғоч бошқа турдаги ёғочларга нисбатан энг чидамлисидир. Ёғочнинг муттасил сув таъсирига чидамлилиги кам текширилган. Узоқ вақт сувда сакланган ёғочнинг пишиқлиги камаяди.

Механик хоссалари. Ёғочнинг механик хоссалари унинг анатомик тузилишига, толаларининг жойлашишига ва зичлигига, ҳужайралар орасидаги моддалар микдорига боғлиқ. Механик хоссаларга қўра бошқа ашёларга нисбатан ёғочнинг кўпгина афзалларли бор. Унинг чўзишишга, сиқилишга, эгилишга мустаҳкамлиги, ёрилишга қаршилик кўрсатиш каби хоссалари қурилишда жуда қўл келади.



2.2-расм. Ёғочнинг мустаҳкамлик чегарасини аниқлаш учун синаладиган стандарт намуналар: а - толалар бўйлаб чўзишишга; б – кўндаланг эгилишга; в – толалар бўйлаб сиқилишга; г – толалар бўйлаб ёрилишга; д –толаларга кўндаланг йўналишда эзилишга

Сиқилишдаги мустаҳкамлик. Кўпчилик ёғоч конструкциялар сиқилишга ишлайди. Масалан, қозик, устун, синч ва ҳ.к. Ёғоч конструктив элемент сифатида ишлатилганда толаларининг йўналиши ва тури эътиборга олинади. Масалан, ёғоч толалари бўйлаб таъсир этадиган сиқувчи кучларга кўндаланг тушадиган кучларга нисбатан яхши қаршилик кўрсатади. Шу сабабли, ёғоч ашёларнинг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси икки кўрсаткич: толалари бўйлаб ва толаларига кўндаланг сиқилиш билан ифодаланади

Тузатиш коэффициенти ёғочнинг намлиги 1 % ўзгарганда унинг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси ўзгаришини ифодалайди: оққайин, тилоғоч, қарағай учун $\alpha = 0,05$ га, эман, арча, пихта учун $\alpha = 0,04$ га тенг. Ёғочнинг намлиги унинг эгилишига ва мустаҳкамлигига катта таъсир кўрсатади. Нам ёғочнинг эгилишдаги ва сиқилишдаги мустаҳкамлиги қуруқ ёғочникига нисбатан кам бўлади. Айниқса, нам ёғоч конструкциясига куч аста-секин таъсир этганда буни яққол кўриш мумкин.

Ёғоч нам бўлганда увдаги ҳужайралар елимсимон коллоид моддалар билан тўла туради, толалар эса шишган ҳолатда бўлади. Ёғочнинг қуриши натижасида ундаги эркин ва кимёвий бириккан сувлар буғланиб, елимсимон моддалар толаларга шимилади, натижада, ёғоч қаттиқ ҳолатга ўтади. Ҳужайра пардалари ва толалар ташки куч таъсирига яхшироқ қаршилик кўрсата олиш хоссасига эришади. Ёғочнинг намлиги билан унинг мустаҳкамлиги орасидаги боғланиш расмда келтирилган.

Ёғочнинг толаларга кўндаланг тушадиган куч таъсирида сиқилишга мустаҳкамлиги бирмунча кичик бўлади, чунки ёғоч толалари узунаси бўйлаб

бўшликлар ва ҳужайралар билан ўзаро ажралиб туради, бинобарин, куч таъсирида у осонгина эзилади. Куч толаларга кўндаланг тушгандаги сиқилишга мустаҳкамлик чегараси толалари бўйлаб сиқилишга мустаҳкамлигидан 5–10 марта кичик бўлади.

Синаш учун рандаланган тахтадан $20 \times 20 \times 60$ мм ўлчамли намуналар тайёрланади. Намуналардаги йиллик ҳалқалар нинг йўналиши бўйига параллел бўлиши керак.

Толаларга кўндаланг сиқилишга мустаҳкамлик чегараси қўйидаги формуладан топилади:

$$\sigma_{WMK} = P / ab, \text{ МПа},$$

бунда, σ_{WMK} – табиий намликтаги ($W \%$) ёғочнинг толаларига кўндаланг сиқилишга мустаҳкамлик чегараси, МПа; P – намунани сиқувчи куч, кг; a ва b – зичлагич таянчи тушган юзанинг эни ва узунлиги, см. Ёғочнинг стандарт намлигига (12 %га) тўғри келадиган сиқилишга мустаҳкамлик чегараси қўйидаги формуладан топилади: $\sigma_{12MK} = \sigma_{WMK} (1+a)(W-15)$, МПа.

Чўзилишдаги мустаҳкамлиги. Ёғочнинг толалари бўйлаб чўзилгандаги мустаҳкамлик чегараси жуда катта. Толаларига кўндаланг бўлганда эса жуда кичик бўлади. Чўзилишга ишлайдиган ёғоч конструкциялар жуда кам тайёрланади, чунки унинг юк қўйилган қисми ёрилиши мумкин. Игнабаргли дараҳтларнинг хоссалари нам шароитда жуда кам ўзгарганлиги учун уларнинг 12 % намликтаги мустаҳкамлик чегарасини қайта ҳисоблашнинг ҳожати йўқ.

Ёрилишга қаршилиги. Ёғочга мих, пона ва бошқалар қоқилганда у толалари бўйлаб ёрилиши мумкин. Ёрилувчанлиги, аввало, толаларининг зичлигига боғлиқ. Ёрилувчанликка синаш учун қалинлиги ва эни 20 мм. ли приzmани рандалаб, Кўрсатилган ўлчамларда намуналар тайёрланади ва Михаэлис асбобида икки учидаги ўйиққа куч бериб тошилади. Ёғочлар жуда қийин ёрилувчан (шамшод, граб, олча, тисс), қийин ёрилувчан (заранг, шумтол, каштан) ва осон ёрилувчан (қарағай, терақ, эман, арча) бўлади. Эгилишга мустаҳкамлиги. Ёғоч эгувчан статик кучга катта қаршилик кўрсата ола-ди. Ёғочнинг толалари бўйлаб эгилишга мустаҳкамлик чегараси чўзилишга нисбатан салкам икки баробар кўп. Шунинг учун ҳам қурилишда ёғоч эгилишга ишлайдиган конструкциялар (кўприклар қуришда) сифатида кенг ишлатилади. Ёғочнинг статик эгилишга мустаҳкамлик чегарасини аниқлаш учун тажрибахона шароитида рандалаб силлиқланган тахтадан $20 \times 20 \times 300$ мм ўлчамли намуналар тайёрланади ва кўрсатилган синаш схемасига амал қилиб, гидравлик зичлагичда синалади.

Намунага қўйилган икки куч намунанинг қалинлиги (тангенциал йўналиш) бўйича таъсир этиб, уни эгади. Намунага таъсир этаётган кучнинг тушиш тезлиги минутига 700 кг дан ошмаслиги лозим. Намуна синалгандан кейин унинг намлиги аниқланади ва олинган натижаларни қўйидаги формулага қўйиб, ёғочнинг статик эгилишга мустаҳкамлик чегараси ($\sigma_{W\&G}$) топилади:

$$\sigma_{W\&G} = P_{max} \cdot L / b \cdot h^2, \text{ МПа},$$

бунда, P_{max} – синдирувчи куч, кг; L – таянчлар оралиғи, см; b – намунанинг эни, см; h – баландлиги, см.

Ёғочнинг табиий намлиқдаги эгилишга мустаҳкамлигини стандарт намлиқ 12 %даги мустаҳкамликка айлантириш учун қуидаги формула дан фойдаланилади:

$$\sigma_{12\text{ЭГ}} = \sigma W (1 + \alpha) (W-12)$$

бунда, α – тузатиш коэффициенти.

Ёғочнинг турига кўра статик эгилишга мустаҳкамлик чегараси 3-жадвалда келтирилган. Ёғочнинг турига кўра статик эгилишга мустаҳкамлиги

Дарахтаи нг тури	Хажмий оғирлик, кг/м ³	Статик мустаҳкамлик чегараси, МПа.	Эгилишдаги
Қарағай	500-570	79	
Эман	700-770	84	
Оққайин	600-650	86	
Арча	450-475	70	
Терак	400-430	74	
Тилоғоч	560-570	92	

Сурилишга қаршилиги. Ёғоч буюмнинг (тахта, устун, тўсин ва ҳ.к.) бир бўлагига ташқи куч қўйилганда ёндош бўлагига нисбатан сурилиши ёки эзилиши мумкин. Куч ёғочга қандай йўналишда тушишига қараб, унинг сурилишга қаршилиги турлича бўлади. Толалар бўйлаб сурилишда куч толаларга параллел тушади, толалар узунаси бўйлаб ўзаро сурилади Толаларга тик сурилишда толаларга ташқи куч тик тушади, ҳужайралар орасидаги бўшлиқ ҳисобига ёғоч эзилади. Шунингдек, кесилишда ҳам ташқи куч толаларга тик таянч устига тушади. Ёғоч толалари бўйлаб ва унга тик равишда сурилганда толалар узилмайди, лекин улар ўзаро сурилиши ёки уларнинг ёпишқоқлиги бузилиши мумкин. Шу сабабли, ёғочнинг эзилишга қаршилиги кесилишга қаршилигидан анча кичик бўлади. Ёғочнинг толалари бўйлаб сурилишга бўлган қаршилиги сиқилишдаги мустаҳкамлигининг 15–25 %ини ташкил этади.

Ёғочнинг энг муҳим техник хоссаларидан бири мих, бурама мих ва шунга ўхшашларни ўзида маҳкам ушлай олишидир. Ёғочларнинг бу хоссаси мукаммал текширилган. Ёғочга мих қоқилганда у пона сингари толаларни ўзаро ажратади, айрим ҳолларда, толаларни кесади. Толалар пишиқ ва эластиклиги туфайли қоқилган михни маҳкам ушлаб туради. Айрим ёғочларда (эман, тилоғоч, қорақайин) мих қоқиши пайтида дарзлар ҳосил бўлади. Қарағай, арча, зирк дарахти ёғочларига михни осон қоқиши мумкин. Эман мих ёки бурама михни иғнабарглиларга нисбатан 1,5–2 марта маҳкам ушлайди. Ёғочларнинг мих ушлашлик даражаси жадвалда келтирилган. Таққослаш учун энг мустаҳкам граб ёғочнинг мих ушлашлик даражаси 100 деб олинган.

Ёғочларнинг мих ушлашлик даражаси

Михни тортгандаги қаршилиги 3.2-жадвал.

Дарахтнинг тури	Хажмий оғирлик, кг/м ³	Радиал	Тангенциал
Граб	700-720	100	89
Оққайин	600-660	92	65
Эман	660-700	75	64

Қарағай	550-600	63	42
Арча	400-410	44	29
Терак	340-400	37	28

Ёғочдаги нуқсонлар ва касалликлар. Дараҳт ёмон шароитда ўсиб механик күч таъсирида шикастланса, уларда ҳар хил нуқсонлар ва касалликлар пайдо бўлади. Булар ёғочнинг қурилиш учун талаб қилинадиган техник сифатини пасайтиради.

Ёғочдаги нуқсонлар қурилиш конструкциялари ҳамда буюмлари тайёрлашда ва улардан фойдаланишда жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Ёғочдаги кўпгина нуқсонлар аввало дараҳтнинг ўсиш жараёнида пайдо бўлади. Лекин ўсиб турган дараҳтдаги нуқсонлар миқдорини уни кесишдан олдин билиш қийин. Ёғочдаги айрим нуқсонлар уни тайёрлаш, ташиш ва сақлаш жараёнида пайдо бўлади.

Назорат саволлари

- 1.Ёғоч хусусиятлари.
 - 2.Ёғочнинг анизотроплигини унининг мустаҳкамликка таъсири.
 - 3.Нам ёғоч оғирлиги, мустаҳкамлиги ва қаттиқлигига таъсири.
 4. Ёғочнинг ҳажмий оғирлиги
 5. Ёғочнинг тоб ташлаш
 - 6.Гигроскопик
 7. Нам ёғоч намунанинг ҳажми чизиқли киришиш
 - 8.Текстура нима?
 - 9.Сув ўтказувчанлик
 - 10.Механик хоссалари
 - 11.Сиқилишдаги мустаҳкамлик
 - 12.Чўзилишдаги мустаҳкамлиги
 - 13.Ёрилишга қаршилиги
 - 14.Ёғочдаги нуқсонлар ва касалликлар
- 1.Адабиётлар -|1;2;3;4;8;9;10;11;|
 - 2.Интернет сайтлар -|12;13;14;15;16|

4 - МАВЗУ: ЁГОЧ ЭЛЕМЕНТЛАРНИ ЧЕГАРАВИЙ ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ХИСОБЛАШ.

Режа

- 1.Юкларнинг турлари.
- 2.Меъёрий ва хисобий юклар ва уларни аниқлаш.
- 3.Ёғочнинг меъёрий ва хисобий қаршиликлари ва уларни аниқлаш.
- 4.Ишлаш шароити коэффициенти тушунчаси, унинг қийматлари.

Таянч сўзлар: чегаравий ҳолат, кучланиш, хисобий қаршилик,

1.Юкларнинг турлари.

Конструкцияга таъсир қиласидиган юкламалар қуйидагилардир:

1. Доимий юкламалар - конструкция барча элементларининг хусусий оғирликларидан хосил бўладиган юкламалар.

2. Вақтингчалик юкламалар - қор ва шамол таъсиридан ҳосил бўладиган юкламалар.

3. Махсус юкламалар - зилзила, портлаш, инерция кучи ва турли динамик таъсиридан натижасида ҳосил бўладиган юкламалардир.

Доимий ва вақтинча узоқ муддатли юкламалардан элементларидаги кучланиш ҳамма юкламаларнинг кучланишлари йиғиндиси 80% дан ошган конструкциялар учун- коэффициент $m_d = 0,8$ га; m_h – юкланиш таъсири қисқа мудатлилигини ҳисобга олувчи коэффициент

3.3-жадвал

Юклама	Коэффициент	
	Ҳамма турдаги қаршиликлар учун, толанинг кўндаланг эзилишидан бошқа	толанинг кўндаланг эзилишидан
1. Шамол, монтаж, З п.дагилардан бошқалар	1,2	1,4
2. Сейсмик	1,4	1,6
Электр узатмаси симларининг ёғоч устунлари учун	1,45	1,6
3. Муз,музлагандан шамол, ҳарорат ўртача йилликдан паст бўлганда симларнинг оғирлашиши		
4. Симлар ва трослар узилганда	1,9	2,2

Чегаравий ҳолат - бу шундай ҳолатки, бу ҳолатда ташқи ва ички кучланишлар таъсири натижасида бўлган конструкциялардан фойдаланиш умуман мумкин эмас.

Ёғоч ва пластмасса конструкциялари иккита гурӯҳ чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисобланади: юк кўтариш қобилияти ва деформацияланиши бўйича. Биринчи чегаравий ҳолат - энг хавфли ҳисобланади. Биринчи чегаравий ҳолатда конструкция бузилиши ёки устиворлигини йўқотиши натижасида юк кўтариш қобилитини йўқотади. Нормал ва уринма кучланишларнинг максимал қийматлари, материалларнинг минимал ҳисобий қаршилик қўрсатиш қийматидан ортиб кетмаса бу ҳолат рўй бермайди. Бу шарт қуйидаги формула кўринишларда ифодаланади:

$$\sigma \leq R$$

бу ерда: σ - нормал кучланиш; R - уринма кучланиш; R - ҳисобий қаршилик

Иккинчи чегаравий ҳолат нисбатан хавфсизроқдир. Бу ҳолатда конструкция нормал ҳолатда фойдаланишга яроқсиз ҳисобланади. Агар максимал нисбий эгилиш рухсат этилган чегаравий қийматидан ортиб кетмаса, бу ҳолат рўй бермайди. Бу шарт формула ёрдамида қуйидагича ифодаланади:

$$\frac{f}{l} \leq \left[\frac{f}{l} \right]$$

бу ерда: f ва $[f]$ - ҳақиқий ва рухсат этилган эгилишлар .

Ҳисоблаш ишларини бажаришдан асосий мақсад биринчи ва иккинчи чегаравий ҳолатларга йўл қўймасликдир.

Ёғоч конструкцияларини биринчи чегаравий ҳолат бўйича ҳисоблашда ҳисобий юкламадан, иккинчи чегаравий ҳолат бўйича ҳисоблашда эса меъёрий юкламадан фойдаланилади. Профессор А. С. Стрелецкий ихтиёрий мұхандислик ҳисобининг асосий тизимини ишлаб чиқган. Бунда синмаслик ва бузилмаслик шарти бажарилиши керак. Шу тизимга асосан чегаравий юклама, конструкцияниэң кичик юк кўтариш қобилиятидан кичик бўлиши керак. Иккинчи чегаравий ҳолат бўйича ҳисоблашда, ёғочнинг эластиклик модули, толалари бўйлаб $E = 10000$

МПа, толаларига кўндаланг йўналиши бўйича эса $E = 90 \dots 400$ МПа га тенгдир. Силжиш модули, ёғоч толалари бўйлаб ва толаларига кўндаланг йўналишлар бўйича 500 МПа га тенгдир.

Биринчи ва иккинчи чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблашларда меъёрий ва ҳисобий юкламаларни аниқлаш керак бўлади.

Улар ҳисоблашлар учун зарур бўлган доимий, вақтинчалик ва маҳсус юкламалар асосида аниқланади. Доимий меъёрий юкламалар элементларнинг ҳажмий оғирлиги ва ўлчамлари ёрдамида аниқланади.

2.Меъёрий ва ҳисобий юклар ва уларни аниқлаш. Ёғочнинг меъёрий ва ҳисобий қаршиликлари ва уларни аниқлаш.

Меъёрий юкламалар СНиП 2.01.07-85* «Нагрузки и воздействия» асосан щрнатилган. Ҳисобий қаршиликини аниқлашда шароитни ҳисобга олувчи бошқа коэффициентларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Вақтинчалик меъёрий қор ва шамол юкламалари қурилиш жойи иқлимий муҳити ҳолатига қараб қурилиш меъёрлари ва қоидалари (KMK) хариталари ёрдамида аниқланади.

Мисол. Тошкент шаҳри учун қор ва шамол юкламаларини аниқланг ?

KMK дан Тошкент шаҳри, қор бўйича I-район ва юкламаси $0,5 \text{ kN/m}^2$ га тенг. Шамол таъсири бўйича III- район ва босими $0,38 \text{ kN/m}^2$ га тенг.

Ҳисоблашларда юқоридаги юкламалар таркибига кирувчи одамлардан ва жиҳозлардан тушадиган юкламалар таъсири ҳам эътиборга олинади. Масалан, тўшамаларни ўрнатиш пайтида ишчи одамлар тўшамалар устига чиқиб уни монтаж қиласидар ва монтаж жараёнида одамни оғирлигидан конструкция элементларига қўшимча вақтинчалик юклама таъсир қиласиди. Айрим иншоотларда осма кранлар мавжуд ва улар юк кўтаришга мослаштирилган бўлади. Ана шу жиҳозларни оғирлиги ҳам ҳисоблашларда назарда тутилади.

Ҳисоблашларда конструкциянинг хусусий оғирлигини қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$q^M = \frac{g^M + s^M}{1000} - 1$$
$$\frac{K_{x.o} \times l}{}$$

бу ерда: q^M - конструкциянинг меъёрий хусусий оғирлиги;

g^M - конструкцияга тушаётган ташқи доимий юкламаларни мөйөрий қиймати; s^M – вақтингчалик мөйөрий қор юкламаси; $K_{x,o}$ - конструкцияни хусусий оғирлик коэффициенти(*конструкцияни турига бөглиқ бўлган коэффициент*); l -оралиги.

Доимий мөйөрий юкламаларни ҳисоблашга доир мисоллар:

1.Бир қатlam rubberoidдан $0,0 \div 0,05 \text{ kH/m}^2$ доимий мөйөрий юклама тушади.

2.Қалинлиги 20мм бўлган цемент қоришидан тушадиган юклама,

$$0,02m \cdot 2000 \text{ кг/m}^3 = 40 \text{ кг/m}^2 = 0,4 \text{ kH/m}^2.$$

бу ерда: 2000 кг/m^3 - цемент қоришининг ҳажмий оғирлигидир.

3.Ўлчамлиги $10 \times 15 \times 300 \text{ см}$ бўлган ёғочнинг мөйөрий оғирлигини аниқлаш: кўндаланг кесими - $b \times h = 0,1 \times 0,15 \text{ м}$; узунлиги - $l = 3 \text{ м}$; ёғочнинг ҳажмий оғирлиги қарағай учун- 500 кг/m^3 га тенг.

У ҳолда $g_{x,o} = 0,1 \cdot 0,15 \cdot 3 \cdot 5 = 0,225 \text{ kH}$ га тенг.

Юк майдонига қараб ундан 1 м^2 юзага тушадиган юкламани аниқланади.

$$\frac{0,225 \text{ kH}}{1 \text{ m}^2} = 0,225 \text{ kH/m}^2 \text{ га тенг бўлади.}$$

Ҳисобий юкламалар мөйөрий юкламаларни γ - ишончилилик коэффицентига кўпайтириш орқали аниқланади:

$$q^{xuc} = q^M \gamma$$

бу ерда: q^{xuc} - ҳисобий юклама; q^M - мөйөрий юклама; γ - ишончилилик коэффициенти.

Ҳисоблашларда доимий юкламалар учун ишончилилик коэффициенти- γ нинг қиймати 1,1 дан 1,3 гача олинади. Агар доимий юкламани ўзгариш чегараси жуда кичик бўлса, $\gamma=1,1$ олинади ва аксинча, ўзгариш чегараси катта бўлса $\gamma=1,3$ олинади. Масалан, бутун элементлар учун $\gamma=1,1$ олиш энг мақбул вариант ҳисобланади; сочилувчан тупроқ ёки цемент каби материаллардан тушадиган доимий юкламаларни ўзгариш диапазони катта булгани учун 1,2 ёки 1,3 олиш мақсадга мувофиқдир.

Вақтингчалик қор юкламаларининг ўзгариш чегараси катта бўлгани учун γ нинг қийматини 1,4 дан 1,6 гача олинади:

$$q^M | s^M \leq 0,8 \text{ бўлса, } \gamma = 1,6;$$

ва агар

$$q^M | s^M > 0,8 \text{ бўлса, } \gamma = 1,4$$

олинади.

3. Ёғочнинг мөйөрий ва ҳисобий қаршиликлари ва уларни аниқлаш.

Мөйөрий қаршиликлар- кичик ўлчамли намуналарни қисқа вақтли юкланишда синаш натижаларига ишлов бериб олинган, тоза ёғоч мустаҳкамлиги минимал эҳтимоли чегараси.

Ҳисобий қаршиликлар- конструкция бузилмасдан кўтара оладиган максимал кучланиш, ёғочнинг мустаҳкамлигини эксплуатация шароитида қамайтирувчи барча нокўлай омилларни ҳисобга олинган ҳолда топилган. Ёғочнинг ҳисобий қаршилигини аниқлаш тартиби.

Ҳисоблашда қўлланиладиган ҳисобий қаршилик п. 3.1 СНиП II-25-80 асосан аниқланади. Ҳар хил кучланиш ҳолатга, ҳар хил ҳисобий қаршилик тўғри келади. Улар катта фарқ қилиши мумкин. Масалан, 2-навли қарағайнинг эгилишга ҳисобий қаршилиги 13 мРа, 2- навли қарағайларнинг елимланмаган элементларини эгилишда толалар бўйлаб таралишга ҳисобий қаршилиги 1.6 МПа қийматига эга. Қарағай, арча ва баргли (Европа ва япон) учун барча кучланиш ҳолатлар учун ҳисобий қаршилиги СНиПа-3-жадвалда келтирилган. Одатда ёғоч конструкцияларда 1, 2, 3 ёғоч навлари ишлатилади.

Бошқа турларнинг ҳисобий қаршилиги ёғоч турларини ҳисобга оладиган 3-жадвалга келтирилган микдорни 4-жадвалга келтирилган коэффициентга кўпайтириб топилади.

Ҳисобий қаршиликини аниқлашда шароитни ҳисобга оловчи бошқа коэффициентларни ҳам ҳисобга олиш зарур

Доимий юклама текис teng тарқалган ёки йигилган ҳолда таъсир қиласи. Вақтинчалик қор юкламаси том сирти бўйича тўғри тўртбурчакли ёки учбурчакли схемалар шаклида таъсир қилиши мумкин. Бундан ташқари қор юкламаси том юзасининг шаклига қараб ҳам ўзгариши мумкин. «Юкламалар ва таъсирлар» ҚМҚ иловаларида турли том схемалари учун қор юкламасининг ҳисобий схемалари берилган ва бино томининг кўринишига қараб тегишли вариантлардан бирини танланади. Шамол таъсири бино ёки иншоот баландлигига, қуриладиган худудга боғлиқдир. Ердан Z баландликдаги шамолнинг ўртача меъёрий қиймати қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$W^M = W_0 \cdot k \cdot c$$

бу ерда : W_0 - шамол босимининг ҚМҚдаги меъёрий қиймати; k - шамол баландлиги бўйича ўзгаришни ҳисобга оладиган коэффициент; c - аэродинамик коэффициент (бино ёки иншоотнинг шаклига қараб ўзгарадиган коэффициент, ҚМҚ дан олинади).

Ҳисобий шамол юкламаси қуидагига teng бўлади:

$$W^{xuc} = W^M \cdot \gamma * 1,4 \cdot W^M$$

Бу ерда: W^{xuc} – ҳисобий шамол босими; $\gamma=1,4$ – вақтинчалик шамол юкламаси учун ишончлилик коэффициенти.

Биринчи чегаравий ҳолатда ҳисобий юкламадан, иккинчи чегаравий ҳолатда эса меъёрий юкламадан ҳисоблашларда фойдаланилади.

4.Ишлаш шароити коэффициенти тушунчаси, унинг қийматлари.

m_b – иш шароити коэффициенти, ёғоч конструкциянинг эксплуатация шароити ҳарорати ва намлигини ҳисобга оловчи коэффициент (3.4-жадвал,6) , 1-жадвалда гурухини аниқлагач:

3.4-жадвал

Эксплуатация шароити (1-жадвал бўйича)	Коэффициент
A1, A2, B1, B2	1
A3, B3, B1	0,9
B2, B3, Г1	0,85
Г2, Г3	0,75

m_t – конструкция эксплуатациясида юқори ҳароратни ҳисобга олувчи коэффициент; (п.3.2.б);

Ҳаво ҳарорати $+35^{\circ}\text{C}$ гача ўрнатилган жойда эксплуатация қилинадиган конструкциялар учун -коэффициент $m_t = 1$; га, $+50^{\circ}\text{C}$ гача ҳарорат учун-коэффициент $m_t = 0,8$. Оралиқ ҳароратнинг оралиқ қийматлари учун коэффициент интерполяция бўйича қабул қилинади.

m_d – юкланиш таъсири давомийлигини ҳисобга олувчи коэффициент (п.3.2.в);

Доимий ва вактинча узоқ муддатли юкламалардан элементларидаги кучланиш ҳамма юкламаларнинг кучланишлари йиғиндиси 80% дан ошган конструкциялар учун- коэффициент $m_d = 0,8$ га;

Иш шароити коэффициенти, ёғоч конструкциянинг эксплуатация ароити ҳарорати ва намлигини ҳисобга олувчи коэффициентлар

Назорат саволлари

- 1.Юкларнинг турлари.
- 2.Меъёрий ва хисобий юклар ва уларни аниқлаш.
- 3.Ёғочнинг меъёрий ва хисобий қаршиликлари ва уларни аниқлаш.
- 4.Ишлаш шароити коэффициенти тушнчаси, унинг қийматлари.
- 5.Шамол юклама
- 6.Монтаж юклама
- 7.Сейсмик юклама
- 8.Чегаравий ҳолат
- 9.Нормал кучланиш
- 10.Уринма кучланиш
- 11.Хисобий қаршилик
- 12.Конструкциянинг меъёрий хусусий оғирлиги
- 13.Ишлаш шароити коэффициенти

1.Адабиётлар

|1;2;3;4;8;9;10;11|

2.Интернет сайtlар -|12;13;14;15;16|

5 - МАВЗУ: ЁГОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ЛОЙИҲАЛАШ.

Режа

1.Конструкцияларни ҳисоблаш ва лойиҳалашда уларнинг ишлаш, тайёрланиш, ташиш ва монтаж қилиш шароитлари, улар ўлчамлари типластирилган турлари, уларнинг узоққа чидамлилиги, пишиқлиги ва мукаммаллигини таъминлаш чоралари.

Таянч сўзлар: хода, фўла, тўнка, тўнгак, хари, тахта, пўстлоқ, арчиш, саралаш, маркалаш, юклаш, ўлчам, коэффициент, сорт, марка, рельс

1.Конструкцияларни ҳисоблаш ва лойиҳалашда уларнинг ишлаш, тайёрланиш, ташиш ва монтаж қилиш шароитлари, улар ўлчамлари

типлаштирилган турлари, уларнинг узоқча чидамлилиги, пишиқлиги ва мукаммаллигини таъминлаш чоралари.

Ёғоч тайёрлаш Ёғоч тайёрлаш қуийдаги ишларни ўз ичига олади: дараҳт кесиши, уларнн буташ, буталган ёғочларнн омборга ташиш; режалаб чиқиш ва кесиб, ишга ярайдиган ғўла, ёғочларга ҳамда ўтинга ажратиш; пўстлоғини арчиш, саралаш ва маркалаш, юклаш на керакли жойга сувда оқизиб ёки темир йўл вагонларида жўнатиш. Айрим операцияларни бажариш тартиби қабул қилинган технологияга мувофиқ белгиланади.

Кейинги йилларда кесилган дараҳтларни ўрмондан шох-шаббаси билан омборга ташиш расм бўлиб кетди. Бунга сабаб шуки, омборлар турли механизмлар ва электр токи билан таъминланганлигидан кесилган дараҳтларни ишлаш тўла механизациялаштирилган. Кесилган ва буталган ҳамда шох-шаббаси қирқилган дараҳт танаси ёғоч (хлист) дейилади. Ундан кейинчалик турли узунликдаги ходалар кесилади. **Х о д а**, кўпинча, 4 метрдан қисқа бўлмайди.

Япроқли турдаги анча йўғон дараҳтнинг арраланган бўлак лари ғўла дейилади. Бочкабоп, пакетбоп, фанербоп, гутуртбоп ва бошқа хил ғўлалар бўлади. Ғўла одатда 4 метрдан қисқа бўлади.

Ғўлалар нима мақсадда ишлатилишига қараб. **т ю л ь к а** (шпалбоп ғўла), **т ў н к а** (фанербоп ғўла), баланс, конбоп синч, палён номлари билан юритилади. **Кесилган дараҳт танасининг пастки йўғон қисмига тўнгак дейилади;** дараҳтдан кесиб олинган биринчи ғўла тунгакли ғўла дейилади. Ғўла ёғочларнинг пўстлоғини шилишни **а р ч и ш** (окорка) дейилади. ёғоч пўстлоғини хомаки арчиш ва тоза арчиш мум кин; хомаки арчишда луб қавати ёғочда қолади, тоза арчишда пўстлоқ луб қавати билан шилинади. Кесилган ёғочларни ўрмон ичидан йўлга, яъни транспортга ортиладиган жойга ташиб чиқиш **трелёвка** дейилади.

Ёғоч тайёрлашдаги асосний ишларнинг ҳаммаси механизмлар ёрдамида бажарилади. Дараҳт қирқиши ва буталган ёғочлардан ғўла кесишидан бензинда ишлайдиган моторлн арралардан фойдаланилади, электр энергия бўлган жойларда эса электр арралар ишлатилади; кесилган ёғочларни ўрмондан йўлга ташиб чиқнишда тракторлар, лебёдкалар, пневматик ташиш установкаларида фойдаланилади; ёғочлар, одатда, ташувчи транспортга маҳсус механизмлар, турли кранлар ва транспортёрлар ёрдамида пакетлар тарзида юкланди; ёғочларни ўрмондан складларга ташиш учун тор изли темир йўлларндан, автотрактор йўлларидан, шунингдек, бир нзли осма йўллардан, тоғли районларда эса осма сим йўлларда фойдаланилади, сим арқонли спуск ва лотокларда силжитилади.

Ёғоч тайёрловчи корхонанинг асосий (пастки) склади саноат типидаги механизациялаштирилган цехдан иборат. Бу цехда пўстлоқ шиладиган электр установкалар, балансир арралар ва занжирили электр арралар, шпал кесадиган установкалар, ёғоч ёрадиган болталар, транспортёрлар, механик юклагичлар бўлади. Буталмай складга ташилган ёғочларни электр билан ишлайдиган **бутоқкесар** машиналар бутайди, ғўлаар

кесишда занжирилди электр арралар ёки бензинде нышландыган моторлы арралардан фойдаланылади. Пастки складда ташиб келтирилген ёғочлар буталади, зарур бўлса, пўстлоғи арчилади, учи кесилади, шу тарзда ҳосил қилинган ғўлаларни нобуд қилмай ва чиқиндига чиқармай, сифатли ёғоч материалларга бўлинади ҳамда тайёр материаллар керакли жойга жўнатилади.

Ёғоч тайёрлаш корхоналарининг пастки складлари темир йўл ёқасига ёки ёғоч оқизиладиган дарё бўйига қурилади.

Ғўла (думалок) ёғочлар. Ғўла ёғочлар буталган ва, кўпинча, пўстлоғи арчилган дараҳт таналарининг саноат ва қурилишда ишлатиладиган бўлакларидир.

Ғўла ёғочларнинг ўлчамлари орасига кўпайтирув белгиси қўйилган икки сон билан ёзилади (**6,5X18**); биринчи сон ёғочнинг метрлар ҳисобидаги уэунлигини, иккинчиси эса сантиметрлар ҳисобидаги йўғонлигини кўрсатади. Ғўланинг йўғонлиги пўстлоғи арчилган юқори учининг бутун сантиметрларда ифодаланган ўрта диаметри билан белгиланади. Ярим санти метрга teng ва ярим сантиметрдан сал каттарок улушлар бир сантиметр қилиб олинади, лекин ярим сантиметрдан кичик улушлар ҳисобга олинмайди.

Йўғонлиги 14 см ва бундан йўғон бўлган ғўланинг диаметри жуфт сантиметрларда ўлчанади, битта тоқ сантиметрдан кичик улушлар ҳисобга олинмайди, тоқ сантиметрга teng ва ундан катта улушлар жуфт сантиметр деб кабул килинади. Амалда ғўланинг факат битта диаметрии ўлчаш мумкин, бу ҳолда бир партиядаги барча ходаларнинг йўғонлиги битта йўналишда ўлчаниши шарт.

Ғўлаларнинг учлари мумкин қадар ёғочнинг бўйлама ўқига нисбатан тўғи бурчак ҳосил қилиб арраланиши лозим; арра изиннинг қиялиги арраланган учнинг 1/10 диаметридан ошмаслиги керак, бу ҳолда материалнинг узунлиги энг қисқа томонидан ўлчанади.

Таг қисми йўғон дараҳтларни қирқиш пайтида ҳосил бўлган козирёклар қирқиб ташланиши лозим. Ғўлалар учини текислаб қирқиш учун узунлигига 3 см қўним қолдириш лозим, чунки ёғочлар ташилганда учларн пачоқланади, дарёда оқизилганда эса учидағи ёриқ-тирқишлиги лойтиклиб қолади. Ғўлаларнинг пўстлоғи ёғочнинг қаерда ишлатилишига ва тайёрланган вақтига қараб, материалнинг маълум турига қўйиладиган техник шартларга мувофиқ арчилиши ёки қолдирилиши мумкин. Масалан, қурилишда узунасига арраланмай, бутунлигича ишлатиладиган ёғачларнинг пўстлоғи арчилади, тахталар тилинадиган ва юпқа қатлам (шпон) ҳолида йўниладиган ёғочларнинг пўстлоғи эса арчилмайди.

Ғўлалар доналаб саналади, зич ёғоч массаси тасдиқланган жадвалларга кўра куб метрларда ҳисобга олинади. Кўп миқдорда тайёрланган нинабаргли ёғочлар, ҳамда япроқли бўш ёғочларнинг узунлигин 2 метрдан ошмаса, бундай материаллар (пўстлоғини ҳисобга олмай) ўтин сингари склад ўлчовида ҳисобга олинади. Склад ўлчовини зич масса кубатурасига айлантириш учун коэффициентлар белгиланган; бу

коэффициентларнинг қиймати ёғочнинг турига, узунлигига ва пўстлоғи арчилган-арчилмаганлигига қараб, 0,65 дан 0,79 гача бўлади (коэффициентлар ГОСТ да мукаммал кўрсатилган).

Япроқли дараҳтлардан тайёрланган ғўлалар учун ГОСТ 9462-60, нинабаргли дараҳтлар учун эса ГОСТ 9463-60 тасдиқланган. Қурилиш ва саноатда ишлатиладиган ғўлаларнинг ҳаммаси учун стандартда ўлчамлар ва техник шартлар қўзда тутилган.

Ғўлаларнинг қаерда ишлатилишига қараб, стандартда уларнинг узунлиги белгиланган.

Ғўлалар йўғонлигига қараб уч группага бўлинади:

ингичка (майда) ёғочлар— диаметри 1 см оралатиб, 8 дан 13 см гача;

ўртача ёғочлар— диаметри 2 см оралатиб, 14 дан 24 см гача;

йўғон (йирик) ёғочлар — диаметри 2 см оралатиб, 26 см ва бундан зиёд.

Ёғочлигининг сифати жиҳатидан ғўлалар тўрт сортга бўлинади, сортсиз ёғочлар алоҳида ажратилади.

Ёғочнинг сорти йўғонлигига ва нуқсонлар бор-йўқлигига қараб белгиланади. Майда, ингичка матсриаллар сортларга ажратилмайди; улар ёғочининг сифати жиҳатидан 2 ва 3- сортли материалларга мос келиши лозим.

Ғўлаларнинг қандай сортида қандай нуқсонлар бўлиши мумкинлиги, ёғочларнинг ишлатилиш жойи ва тури стандартда нормаланган бўлади.

Қурилишда ишлатиладиган ҳамма сортдаги ғўлаларнинг узунлиги 0,5 метр оралатиб, 4 дан 6,5 метргача, йўғонлиги 8 дан 24 см гача бўлиши лозим; улар сортсиз ва 3 сортли бўлиши ҳам мумкин. Япроқли дараҳтлардан тайёрланган, қурилиш учун мўлжалланган ғўлалар турли мақсадларда фойдаланиладиган вақтинча қурилган ва ёрдамчи иморатларгагина ишлатилади.

Тахталар тилинадиган ғўлаларнинг, шунингдек, мебель ясаладиган ёғочларнинг узунлиги: нинабаргли ёғоч бўлса — 0,5 метр оралатиб, 4 дан 6,5 метргача, япроқли ёғоч бўлса — 0,5 метр оралатиб, камида 3 метр бўлиши, йўғонлиги 14 сантиметр дан кам бўлмаслиги керак. Улар 1, 2, 3 ва 4- сортда бўлиши мумкин. 2 метрдан узун ғўлалар маркаланади. Маркада ёғочнинг сорти ва йўғонлиги кўрсатилади.

Марка (белги) сортиментнинг юқори қирқилган учига бисилади, бунинг учун металл болға, махсус долото ёки ўчмайдиган бўёқдан фойдаланилади. Истеъмолчиларга қуруқ йўл транспортида ёки кемаларда (сувда оқизмай) жўнатиладиган ёғочларга рангли бўр билан белги қўйишга рухсат этилади.расмда харини маркалашга мисоллар кўрсатилган.

Харининг икки рақам билан ифодаланадиган йўғонлиги маркада фақат битта охиргн рақам билан кўрсатилади. Хужжатларда хариларнинг йўғонлиги тўлиқ ёзилади. Ғўлаларни сақлаш қоидалари. Складларда ғўлалар пўстлоғи арчилган соғлом ёғочлар устига тахланган ҳолда сақланади.

Ёғочлар тахланадиган жойлар ўтдан, хас-чўпдан, пайраҳатарашалардан, қордан, кунда ва бута пояларидан тозаланган бўлиши лозим.

Ёзда ёғочлар кун иссиғидан ёрилмаслиги, замбуруғ касалликларидан шикастланмаслиги (чиrimаслиги) ва қорт емаслиги учун улар стандартда кўрсатилган қоидаларга мувофиқ сақланиши лозим, бундай сақлашнинг бир неча усули бор.

Ёғоч-тахталар тайёрлаш. Хариларни ёғоч арраловчи рама (лесорама) ларда, думалоқ аррали ва лента аррали станокларда бўйига арралаб ҳосил қилинган материаллар ёғоч-тахталар деб аталади. Ёғоч тилиш заводларининг асосий ускунаси тахта тилиш рамаларидан иборат. Буларнинг энг унумлиси ва энг кўп тарқалгани икки қаватли вертикал рамалардир.

Тахта тилиш рамасининг асосий иш қисми арралар параллел тортилган рамка (моки) дан иборат. Маълум йўғонликдаги харидан мумкин қадар кўпроқ тахта чиқариш ниятида рамкага бир комплект арра ўрнатилади. Бир комплектда 14 тагача арра бўлиши мумкин.

Тегишли миқдорда арралар тортилган рамка станинанинг йўналтиргичи бўйлаб илгарилама-қайтма ҳаракат қилади, бу ҳаракати унга электр двигателдап кривошип-шатун механизми узатади.

Тарам-тарам новли икки жуфт вазмин вал (рябух)дан иборат узатувчи механизм ходани арраларга суриб беради, валларнинг ўзини эса арраловчи раманинг ўзак вали айлантиради. Рамага янги хода узатиш вақтида пневматик, гидравлик ёки электромеханик мосламалар ёрдамида устки валлар кўтарилади.

Валларнинг иккала жуфти ҳам ҳаракатлантирувчи валлардир.

Рамага хода узатиш учун ром яқинига учта аравача ўрнатилган: рама олдидағи қисувчи аравача, рама олдидағи ушлаб турувчи (ёрдамчи) аравача ва рама орқасидаги қисувчи аравача. Рама олдидағи кесувчи аравача ходани қисиб олнб тўғри йўналтиради. Рама олдидағи ушлаб турувчи (ёрдамчи) аравача ходани ушлаб турари ҳамда валларга узатиш олдидан марказлайди. Рама орқасидаги қисувчи аравача ходанинг тилинган қисмини ушлаб турари ҳамда рамадан чиқиши пайтида зарур томонга йўналтиради. Бу аравачаларнинг учаласн ҳам рельсда ҳаракатланади. Рельс йўллар мутлақ ётиқ бўлиши лозим. Аппалар комплектининг ўқи, рельс йўллар ўқи ҳамда аравачаларнинг ўқлари битта тўғри чизикда ётиши лозим.

Рамани бошқарувчи механизм раманинг юқори қисмida ромчининг иш ўрни яқинида бошқариш ричаглари турган жойда туради.

Янги типдаги рамалар бошқариш пультидан кнопкa ёрдамида бошқарилади. Тахта тилиш заводининг иккинчи қавятида ходадан тахталар тилиш расмда схема тарзида кўрсатилган. Ёғоч тилиш рамасидан ходалар бир марта ўтиши ва икки марта ўтиши мумкин. Хода рамадан бир марта ўтиб тилинганида ён четлари олинмаган тахталар ҳосил бўлади

Хода икки марта ўтиб тилинганида рамада дастлабки ўтншида икки кантли брус ҳоснл бўлади, иккинчи ўтишида эса шу брусадан ёнлари олинган (арраланган) тахталар тилинади. Тахта тилиш рамалари шахмат тартибида ўрнатилади. Хода рамадан икки йўла ўтнб тилинганида аввало кўшни раманинг биридан, кейин иккинчисидан кетма-кет ўтади.

Одатда, тахта тилиш заводлари ёғоч оқизиладиган дарёлар ёқасида темир йўлнинг дарёга тутатган жойига қурилади. Хом-ашё (ғўла)лар заводга дарёда оқиб келади, тилинган тахталар эса истсъмол килинадиган жойларига темир йўлларда ташилади. Тахта тилиш эаводлари, қўпинча, ўрмонлардан ўтган магистрал темир йўл станцияларида ҳам қурилади. Ўрмоннинг жуда ичкари участкаларида кесилган дараҳтлардаи тайёрланган хом ашё (гўлалар) бундай заводларга ёғоч ташнладиган маҳсус йўллардан келтирилади, завод складида эса штабелларга тахланади.

Тилинадиган ходалар лойини тозалаш, қишида эса яхини эритиш учун складдан дастлаб завод олдидағи бассейнларга жўнатилади, бассейн атрофи совуқ ўтмайдиган қилиб қуршаб олинган бўлади; хода судровчи маҳсус мосламалар уларни бассейндан чиқариб арраловчи рамага узатади на механик итаргичлар ёрдамида рама аравачаларига битта-биттадан ташланди, аравачалар ходани қисиб олиб аррага узатади. Ходалар икки йўла арраланадиган бўлса, дастлаб, олдинги қатордаги рамадан ўтади, ҳосил бўлган нкки кантли бруслар иккинчи қатордаги қўшни рамага ўтиб, ён четлари олинган тахталарга тилинади. Хода рамадан бир йўла ўтиб арраланганида ён четлари олинмаган (арраланмаган) тахталар ҳосил бўлади; бу тахталар ҳамда икки йўла ўтиб арраланадиган ходаларнинг рамадан биринчи ўтишида ҳосил бўлган ён (четки) тахталар икки томонлама кесувчи станокдан ўтказилади, бу станок рама орқасида, ундан 13 метр нарига ўрнатилган бўлади. Кесувчи станок станица, иш столи ҳамда иккита диск арпа ўрнатилган валдан иборатdir. Арраларнинг бири қимирламайдиган қилиб маҳкам ўтказилган, иккинчиси станок ишлаб турганда валда сурила олади, бу эса тахтани ҳар хил кенгликда кесишга имкон беради. Арраловчи рамадан ва кесувчи станокдан чиқсан тахталар ролъганлар бўйлаб саралаш майдончасига тушади; бу ерда сорти ва ўлчамига қараб сараланади ва автолесовозларда ёки вагончаларда тахта складига жўнатилади, складда эса штабелларга тахланади.

Пуштахталар ва қийқимлар (рейкалар) заводнинг пастки қаватидан чикиндиларни қайта ишлаш цехига транспортёрларда етказиб берилади. Ёғоч тилиш рамаларининг иш унумдорлигини тилинган ходанинг куб метри билан аниқлаш қабул қиласанган. Замонавий рамаларда етти соатли иш куни мобайнида ўртacha диаметри 22 см бўлган 200 m^3 харидан ён четлари олинмаган тахталар тилиш мумкин. ёғоч тилиш рамаларининг куввати 100—300 от кучига teng.

Ёғоч тилиш цехи ёғоч-тахта заводининг асосий цехи ҳисобланади. Ёғоч-тахта заводининг ҳар бирида ёғоч тилиш цехи, хом ашё ва тахта складидан ташқари, чиқиндиларни қайта ишлаш цехи (кенг истеъмол моллари тайёрлаш цехи, утиль цехи), рандалаш цехи, қуритиш хўжалиги, ҳамда ускуналар ремонт қилинадиган устахона, арпа ва пичоқларнинг дами тўғрилана диган ва чархланадиган устахона ҳам бўлади.

Чиқиндиларни қайта ишлаш цехи бошқа корхоналар учун деталларнинг хомаки заготовкаларини, яшиклар учун комплект тахталар, темир йўллар учун қор тўскичлар, бочка тахталари, том тахталари фрис

босқич ва паркетлар. йўлбоп ва полбоп ғўлалар, рўзгор учун керакли буюмлар ва хоказолар тайёрлаб беради

Рандалаш цехида тахталарни йўниш учун юқори унум билан ишлайдиган тўрт томонли рандалаш станоклари ўрнатилади.

Складда бир оз қуриган тахталар юқори унумли сушилкаларда зарур даражагача қуритилади.

Ходалардан тахталар тиладиган диск аррали станокларнинг араси катта диаметрли (1 метр ва бундан ҳам қалин) бўлади. Қалин арра билан арралаганда ёғочнинг кўп қисми кипиқка чиқади. Шу сабабли, диск аррали станоклардан, асосан, шпал тайёрлашда фойдаланилади.

Йўғон ғўлаларни арралаб бўлишда лента аррали станоклар кўлланилади. Бу станокларнинг араси бошқа хил арралардан юпқароқ бўлганлигидан қипиқ кам чиқади. Шунинг учун дараҳтпарнинг кимматли туридан тайёрланган ғўлаларни шундай станокларда арралаган маъкул. Ёғочлар бу хил станоклардан бирин-кетин ўтказиб тилинади. Бу эса арраланган ёғочнинг сифатини кузатиб боришга, ҳар бир тахтанинг қалинлигини ҳамда қаерда ишлатишга яроқлилигини аниклашга имкон беради.

Ёғоч-тахталарнинг хиллари. Ёғоч-тахталар кўндаланг кесимининг шаклига қараб қуйидаги хилларга бўлинади: пластиналар, чорак ғўлалар (четвертини), тахталар, брусклар, икки кантли тўсинлар, тўрт кантли тўсинлар, пуштахталар. Ғўлани узунасига арралаб иккига бўлганда пластина ҳосил бўлади; узунасига арралаб тўртта teng бўлакка бўлинган ғўланинг ҳар бўлаги чорак ғўла (четвертина) дейилади.

Ходани ўзаро параллел бир неча текисликда узунасига тилганда тахталар ҳосил бўлади.

Тахталарни энли томонларига тик йўналишда узунасига арралаганда брусклар (тахтачалар) ҳосил бўлади. Тахталар брусклардан кўндаланг кесимининг шакли билан фарҳ қиласи: тахталарнинг эни ҳалинлигидан иккни мартадан ҳам катта, брускларнинг қалинлиги 100 мм дан ошмайди.

Брусларнинг қалинлиги ва эни 100 мм дан эйёд. Қарама-қарши икки томони арраланган брус икки кантли брус, тўрт томони арраланган брус эса тўрт кантли брус деб аталади.

Ходадан тахталар тилганда ён кисмидан чиқсан тахталар пуштахта (горбил) деб аталади. Пуштахтанинг бир юзи арраланган (текис), иккинчи юзи эса дўмбоц, яъни харининг сн юзидан иборат бўлади.

Ёғоч-тахталарнинг асосий сортименти тахталар билан брусклардир.

Тахта ёки брускнииг ўзакка қараган томони ички, пўстлоқ остига қараган томони эса сиртқи юза (текислик) деб аталади. Тахтанинг сифати ва ишланиш жиҳатидан энг яхши юзаси ўнг юза, унга қарама-қарши-томонн эса орқа юзаси (орқа томони) дейилади.

Тахталар ва брускларнинг қалин ва юпқаси бўлади; юпқа тахта ва бруеокларнинг қалинлиги 3 ва 5 мм оралатиб, 13 дан 35 мм гача, қалинлариникн эса 10 на бүмдан кўпроқ миллиметр оралатиб, 40 дан 100 мм гача.

Тахталар ходанинг қайси жойида бўлганлпгнга қараб, ўзак тахта, марказий тахта ва ён тахталарга бўлинади. Ўзак тахтанинг ўзаги бўлади. Марказий тахталар ходанинг марказий кисмидан чиқади, бу ҳолда ёғоч ўзаги қоқ ўртасидан арраланади.

Бундай тахталар одатда ин гичка ходалардан тайёрланади. Ён тахталар ходанинг ўзак тахта билан пуштахта ён марказий тахталар билан пуштахта орасидаги ён қисмидан чиқади.

Иккала ён чети бошидан охиригача ёки ҳар чети камида ярмигача арраланган тахта қирралари олинган тахта дейилади. Ён четлари мутлақо арраланмаган ёки узунлигининг ярмидан камроғигина арраланган тахта қирраси олинмаган тахта дейилади. Бу хил тахталарнинг иккаласида ҳам сиртқи ва ички юзалар (тахтанинг ўнг ва орқа юзалари) бошидан охиригача арраланган бўлиши шарт. Ён четлари арраланган ёғоч-тахталарда обзолга (олинмаган қирраларга) қолдириладиган қўпимлар стандартда ҳамма сорт учун кўрсатилган.

Ён четлари арраланган тахтанинг қалинлигини билиш учун тўла олинган қирраснни учидан тахта энича қочириб ўлчаш керак. Четлари арраланмаган тахтанинг қалинлиги қирқилган учидан (шикастланмаган, яъни синмаган, пачоқланмаган, эзилмаган, ўйилмаган жойидан) ўлчаб аннкланди.


Ён четлари арраланган тахтанинг энини билиш учун энли (ички) юзаси бир қиррасидан нккинчи қирраснгача ўлчанади. Тахтанинг қирраси йўл қўйилган даражадагина олинмаган бўлса, бундай тахталар ўлчаганда ҳам, ҳисобга олганда ҳам ён четларн тоза арраланган тахталар қаторига ўтади. Тахта четларини арралашда йўл қўйилган нуксонлар тахталарнинг сортини (ҳажмида эмас) белгилашда ҳисобга олиниади.

Ён четлари арраланмагач тахтанинг иккала энли юзасини қоқ ўртасидан ўлчаб топилган умумий соннинг ярмиси ўша тахтанинг эни бўлади. Ён четлари арраланмаган тахтанинг эни, қўпинча, битга обзолсиз тахтанинг ўртасидан ўлчаб аниқланади.

Ёғоч-тахталарнинг ўлчамлари учта сон билан ёзилади: биринчи сон метрлар ҳисобидаги узунликни, иккинчи сон сантиметрлар ҳисобидаги кенгликни, учинчи сон миллиметрлар ҳисобндаги қалннликни билдиради.

Масалан, $4,5 \times 18 \times 40$ — тахтанинг узунлиги 4,5 м. эни 18 см ва қалинлиги 40 мм. Тахтанинг қайси дараҳт туридан эканлиги сорти ва қиррасининг олиниш даражаси сўз билан ёзилади.

Нинабаргли дараҳтлардан тайёрланган ёғоч-тахталар. Бу ёғоч-тахталар қарағай, арча, тилоғоч, кедра ва оқ қарағай дараҳтларидан тайёрланади



5.1-расм. Нам ёғочдан тилингандарниң куриб ҳажми кичрайиши ва тоб ташлаши.

а-ўзак брусоқ, б-ўзак таҳтанинг четига яқинроқ жойидан кесилган брусоқ. в-ён таҳталарниң четига яқинроқ жойидан кесилган брусоқ.

Ёғочни эзилишга ҳисоблаш. Ёғочни эзилиши ёғоч элемент сиртига перпендикуляр сиқувчи куч таъсир қилган ҳолатда юз беради. Кўп ҳолларда эзилишда ҳосил бўладиган кучланиш текис тарқалган бўлади. Эзилиш - бу юзанинг сиқилиши бўлиб, у умумий ёки маҳаллий бўлиши мумкин. Умумий эзилиши ёғоч элемент юзасининг ҳаммаси бўйича сиқувчи куч таъсир қилган ҳолда, маҳаллий эзилиш эса юзанинг қисмига таъсир қилган ҳолда ҳосил бўлади. Эзилишдаги мустаҳкамлик ва деформацияланувчанлик эзилиш бурчагига боғлиқдир.

Эзилиш бурчаги - α , ёғоч толаси ва эзувчи куч йўналиши орасидаги бурчакдир. Агар $\alpha = 0^\circ$ бўлса, тўғридан-тўғри толалари бўйлаб сиқилишга ишлайди. Бу ҳолдаги ёғочнинг эзилишдаги ҳисобий қаршилиги $R_{\text{эг}} = 13 \text{ МПа}$ ёки 15 МПага тенг бўлади. Толаларига кўндаланг $\alpha = 90^\circ$ даги эзилишдаги ёғоч толалари энг ноқулай шароитда ишлайди ва катта деформацияланниш юз беради. Ёғочни толаларига кўндаланг умумий эзилишдаги қиймати энг катта, кўндаланг эзилишдаги ҳисобий қаршилиги эса энг кичик бўлади ва у $R_{\text{эз}90^\circ} = 1,8 \text{ МПа}$ га тенгдир. Таянч юзаларидаги эзилиш умуман олганда конструкциянинг ишлашига таъсир қилмайди ва кўндаланг эзилишдаги

ҳисобий қаршилик $m=1,67$ ишлаш шароити коэффициентига кўпайтирилади ($R_{\text{эз}90^\circ} = 3 \text{ МПа}$).

Толаларига кўндаланг маҳаллий эзилишда қўшни юкланмаган юзадаги толалар ҳам эзилиш деформациясига қаршилик кўрсатади, яъни деформацияни кичик бўлишига ёрдам беради. Юкланган юзага таъсир узунликка ҳам боғлиқдир. Узунлик - 1 қанча кичик бўлса, таъсири шунча катта бўлади. Бунда эзилишдаги ҳисобий қаршилик қуидаги эмпирик формула ёрдамида аниқланади:

$$R_{\text{эз}90^\circ} = R_{c90^\circ} \frac{R_{c90^\theta}}{1 + 8/(l_{c9} + 1,2)}$$

Күшни юкланмаган юзани узунлиги эзилган юза узунлиги ва элемент қалинлигидан кичик бўлмаслиги керак.

Чўзилишда, болт шайбаси тагидаги ёғочнинг эзилишига атрофдаги юзалар ҳам ёрдам беради ва эзилиш бурчаги 60° дан катта бўлган ҳолларда эзилишдаги ҳисобий қаршилик $m = 2,2$ ишлаш шароити коэффициентига қўпайтирилади/ ($R_{\alpha} = 4 \text{ МПа}$). Қия α - бурчак остида эзилишдаги ҳисобий қаршилик қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$R_{\alpha} = \frac{R_c}{1 + (R_c / R_{90} - 1) \sin^3 \alpha}$$

Бирикмалар эзилишидаги ҳисобий қаршилик юқоридаги формулалар ёрдамида ишлаш шароитини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Эзилувчи элементларни ҳисоблаш қўйидаги формула ёрдамида бажарилади:

$$\sigma = \frac{N}{A} \leq R_{\alpha}$$

бу ерда: σ - нормал кучланиш; N - бўйлама куч; A - эзилиш юзаси; R_{α} - α бурчак остида эзилишдаги ҳисобий қаршилик.

Юқоридаги формула ёрдамида эзилишга ишлайдиган юзани талаб қилинган қийматини ҳам аниқлаш мумкин.

Ёғочни ёрилишга ҳисоблаш. Ёғочдаги ёрилиш, толалари бўйлаб бўйлама текисликларда юз бериши мумкин. Ёрилишдаги зўриқиши – Т таъсирида ёғочда ёрилиш ва уринма кучланиши- τ ҳосил бўлади. Ёрилишдаги ёғочнинг мустаҳкамлиги, ёғоч толали бўлганлиги учун ҳам жуда кичикдир. Ёғочдаги толалар боғланиши заифдир, шунинг учун осонгина ёғоч мўрт $\tau = 6,8 \text{ МПа}$ ўртacha кучланишларда ёрилади.

Эгилишда, эгилувчи элементларни ёрилишга максимал қирқувчи куч - $Q(MH)$ таъсирига қўйидаги формула ёрдамида хисобланади:

$$\tau = \frac{Q \cdot S}{I \cdot b} \leq R_{ep}$$


бу ерда: S - нейтрал ўққа нисбатан ёрилевчи юзани статик моменти
 $S = \frac{b \cdot h^2}{8}$

Q - максимал қирқувчи куч; J - умумий юзанинг инерция моменти

$$J = \frac{b \cdot h^3}{12}$$

R_{ep} - ёрилишдаги ҳисобий қаршилик ($R_{ep} = 1,6 \text{ МПа}$); b - кесимнинг эни.

5.2-расмда элементларда уринма кучланишларни ҳосил бўлиши, қирқувчи куч ва уринма кучланиш эпюралари келтирилган.



5.2-расм. Ёрилувчи элементлар: а-эгилишдаги ёрилиш; б-худди шундай, бир томонлама ёрувчи кучлардан; в-худди шундай, икки томонлама ёрувчи кучлардан.

Бирикмаларни ёрилишга ҳисоблашда қуидаги формуладан фойдаланилади:

$$\tau = \frac{T}{A} \leq R_{\ddot{e}p}^{ypr}$$

бу ерда: τ - уринма кучланиш; T - ёрилишдаги зўриқиш; A - ёрилиш юзаси; $R_{\ddot{e}p}^{ypr}$ - ёрилишдаги ўртача ҳисобий қаршилик.

$$R_{\ddot{e}p}^{ypr} = \frac{R_{\ddot{e}p}}{1 + \frac{\beta \cdot l_{\ddot{e}p}}{e}},$$

бу ерда: $R_{\ddot{e}p}=2,1\text{МПа}$ - ҳисобий максимал ёғочни ёрилишдаги қаршилиги; $l_{\ddot{e}p}$ - ёрилиш майдони узунлиги; e - ёрилиш зўриқиш эксцентриситети; $\beta = 0,25$ - ёрилишда зўриқиш бир томонлама ва $\beta = 0,125$ - икки томонлама бўлгандаги коэффициентлар.

Назорат саволлари

1. Конструкцияларни ҳисоблаш.
2. Ёғоч тайёрлаш
3. Хода, хари, фўла, тўнка ва тўнгаклар
4. Фўла ёғочларнинг ўлчамлари

- 5.Ғўалар йўғонлигига қараб гуруҳлари
- 6.Ғўаларнинг қандай сортида қандай нуқсонлар бўлиши мумкинлиги
- 7.Ёғоч-тахталар тайёрлаш.
- 8.Тахта, пластина, брус, горбил, рейкалар
- 9.Чиқиндиларни қайта ишлаш цехи
- 10.Рандалаш цехи
- 11.Ёғоч-тахталарнинг хиллари.
- 12.Ўлчамлари типлаштирилган турлари.
- 13.Ёғочларнинг узоқقا чидамлилиги, пишиқлиги ва мукаммалигини таъминлаш чоралари.
- 14.Ёғочларни транспортировка қилиш.

- 1.Адабиётлар -|1;2;3;4; 8;9;10;11;|**
2.Интернет сайtlар -|12;13;14;15;16|

6 –МАВЗУ. ЁГОЧ КОНСТРУКЦИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ СИҚИЛИШГА ВА ЧЎЗИЛИШГА ҲИСОБЛАШ.

Режа

1. Сиқилишга ва чўзилишга ишлайдиган ёғоч элементларининг хисоби ва кесимни юзаларини аниқлаш.

Таянч сўзлар: марказий чўзилиш, заиф кесим, кучланиш, конструкция, мустаҳкамлик, ҳисобий чўзувчи куч, хавфли кесим, деформацияланиш, кесим юзаси, чўзилиш, эгилиш, бузилиш, ҳисобий сиқувчи куч, соф кўндаланг кесим юза


1.Сиқилишга ва чўзилишга ишлайдиган ёғоч элементларининг хисоби ва кесимни юзаларини аниқлаш.

Марказий сиқилиш. Сиқилишга устунлар, ҳавонлар, ферманинг юқори белбоғи ва алоҳида стерженлари, ҳамда бошқа конструкциялар ишлайди. Сиқилган стержень кўндаланг кесимларида бир хилда нормал кучланишлар ҳосил бўлади. Ёғоч сиқилишга, чўзилишга нисбатан ишончли ишлайди. 6.1-расмда сиқилишга текшириш учун стандарт намуна ва сиқилишдаги деформация диаграммаси, синиш ҳолати ва ҳисоблаш схемалари кўрсатилган.

Ёғоч мустаҳкамлик чегарасининг ярмигача эластик ишлайди ва деформациянинг ўсиши конуниятга бўйсинган ҳолда ортиб боради (чизиқли ўсиб боришга яқин кўринишда). Ундан кейин кучланишни ортиши билан деформация кучланишга нисбатан тез ортади. Намуналарни синиши 40 МПа кучланишларда юз беради. Бу ҳолат пластик, деворлардаги маҳаллий устиворликни йўқотилиши натижасида юз беради. Сиқилишдаги ҳисобий қаршилик $R_c * 13$ МПа га teng. Ёғоч турлари ва тоифаларига қараб бу кийматни ҚМҚ дан олинади.

Ўлчамлари 13 см дан катта бўлган бруслар ишончли ишлайди, чунки уларда қирқилган толалар микдори камроқ. Шунинг учун бундай брусларни ҳисоблашда сиқилишдаги ҳисобий қаршилик $R_c=15$ МПа олинади. Кўндаланг кесими доирасимон ёғочларни ҳисоблашларда сиқилишдаги

ҳисобий қаршилиги $R_c = 16$ МПа олинади.



6.1 - расм. Сиқилувчи элемент:

а- намуна ва деформацияланишнинг графиги; б- бузилиш ва кучланиш эпюраси, ишлаш схемалари; в- учларини маҳкамлаш турлари ва ҳисобий узунликлар; г- эгилишга мойиллик-λ га нисбатан устиворлик коэффициенти - φ графиги.

Ёғочнинг пластиклик хусусияти марказий сиқилишга ишлаганда кўпроқ кўринади. Мустаҳкамлик бўйича қуидаги формула ёрдамида текширилади:

$$\sigma = \frac{N}{A_{cof}} \leq R_c$$

бу ерда: N - ҳисобий сиқувчи куч;

R_c - ҳисобий сиқилишдаги қаршилик;

A_{cof} - соф кўндаланг кесим юза.

Мустаҳкамликка $1 \leq 7\delta$ қисқа элементлар текширилади. Агар $1 > 7\delta$ бўлса, конструкция устиворликка ҳам текширилади. Конструкциянинг устиворлиги критик юк билан аниқланади ва унинг назарий қиймати 1757 йилда Эйлер томонидан аниқланган:

$$N_{kp} = \frac{\pi^2 \cdot E \cdot J}{l_0^2}$$

Стерженини сиқилишдаги ва устиворликни йўқотгандаги мустаҳкамлиги, кўндаланг кесимни шакли ва юзасига, узунлигига ва учларини маҳкамланишига боғлиқ бўлиб, у устиворлик коэффициенти - φ билан ҳисобга олинади. Баъзан устиворлик коэффициентини бўйлама эгилиш коэффициенти деб ҳам аталади. Бўйлама куч таъсиридаги ёғоч элемент мустаҳкамлик ва устиворлик бўйича қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\sigma = \frac{N}{\varphi \cdot A_{\text{соп}}} \leq R_c$$

Агар заиф кесим юзаси $-0,25 \cdot A_{\text{ум}}$ дан катта бўлмаса, у ҳолда $A_{\text{хис}} = A_{\text{ум}}$ га тенг олинади.

Агар $0,25 \cdot A_{\text{ум}}$ дан катта бўлса, $A_{\text{хис}} = 43 A_{\text{соп}}$ га тенг бўлади.

Марказий чўзилиш. Марказий чўзилишга ишлайдиган ёғоч

конструкцияларининг элементларини энг заиф кесими бўйича ҳисобланади. 6.1-расмда чўзилишдаги намунанинг ўлчамлари, чўзилиш диаграммаси ва нормал кучланиш эпюраси кўрсатилган.

Марказий чўзилишга ишловчи конструкциялар мустаҳкамликка қўйидаги формула ёрдамида текширилади


$$\sigma = \frac{N}{A_{\text{соп}}} \leq R_c \cdot m_0$$

бу ерда: σ - нормал кучланиш;

N - ҳисобий чўзувчи куч; $A_{\text{соп}}$ - заифлашган кўндаланг кесим юзаси;

R_c - чўзилишдаги ҳисобий қаршилилк;

$m_0=0,8$ - хавфли кесимда кучланишини тўпланишини ҳисобга оладиган коэффициент.



6.2-расм. Чўзилувчи элемент: а-деформацияланиш графиги ва намуна; б-ишлаш схемалари ва в-кучланиш эпюралари.


Агар ёғоч толалари бикрлиги ва майдонини бир хил десак, у ҳолда 1-1 кесимдаги(расм) барча толалар бир хил юклangan бўлади. 2-2 қирқимдаги биринчи тешикда толалар қирқилган, шунинг учун зўрикишлар қўшни толаларга узатилади ва улар кучлироқ юкланди. Шундай қилиб 3-3 кесимда чўзувчи кучланишларни тарқалиши нотекис бўлади. Тешиклар орасидаги S масофа ҳисобига бу нотекислик аста-секин тўғриланади. Агар S

масофа кичик бўлса, у ҳолда тўғриланиш юз бермайди, чунки 4-4 кесимда иккита тешик жойлашган ва бу жойда бир қисм толалар яна қирқилади, қўшни кучли юкланган толалар янада кучлироқ қўшимча юкланди. Бунинг натижасида алоҳида толалардаги зўриқишини чўзишишдаги мустаҳкамлик чегарасига етиши ўз навбатида толаларни узилишига олиб келиши мумкин. Узилиш энг заиф жойларда юз бергани учун, бузилиши эгри бугри бўлади. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, заиф кесим юзасини аниқлашда қўшни заиф кесимлар орасидаги S масофани ҳисобга олиш керак бўлади:

агар S масофа 20 см дан кичик бўлса, $S < 20 \text{ см} \rightarrow A_{\text{соф}} = b(h-3d)$;

агар S масофа 20 см дан катта ёки, teng бўлса $S \geq 20 \text{ см} \rightarrow A_{\text{соф}} = b(h-2d)$.

Агар заиф кесим бўйича мустаҳкамликка текшириладиган бўлса (тешик ёки уйик жойлари), ҳисобий қаршилиқ $m_0=0,8$ га қисқартирилади. Бунда ёғочнинг чўзишишга ҳисобий қаршилиги $R_c=8 \text{ МПа}$ га teng бўлади ($R_c=8...10 \text{ МПа}$).



6.3-расм. Элементнинг марказий чўзишиши: 1-1 кесимда толалар бир хил кучланган; 2-2 кесимда тешикдаги толалар қирқилган, бу қисмдаги кучланиш бошқа кесилмаган толаларга узатилган; 3-3 кесимда чўзувчи кучланишлар бир хил бўлмайди; 4-4 кесимда, толалар яна қўшимча зўриқишлиар олади.

Агар заиф кесим бўлмаса, у ҳолда $m_0=1$ га teng бўлади:

$$\sigma = \frac{N}{A} \leq R_c$$

Чўзилувчи элементлар кўндаланг кесимини аниқлашда юқоридаги формулалардан фойдаланилади. Бунда бўйлама куч - N ва R_c - чўзишишдаги ҳисобий қаршиликлар маълум деб олинади:

$$A_m = \frac{N}{R_c}$$

Агар кўндаланг кесим юзаси маълум бўлса, чўзилувчи элементни кўтара оладиган максимал чўзувчи кучнинг назарий қийматини қуидаги формуладан аниқлаш мумкин:

$$N = A_m \cdot R_c$$

Марказий чўзилувчи элементлар деформация-эгилиши бўйича текширилмайди.

Мисол. Агар чўзувчи кучнинг микдори $N=160\text{kN}$ га тенг бўлса, чўзилувчи стержен кўндаланг кесимини (1-тоифа ёғочдан) аниқланг. Стерженда икки қатор диаметри -1,8 см бўлган тешиклар бўлиб, заиф кесимда иккита тешик мавжуд.

Ечилиши. Кесимнинг заифланишганини ҳисобга оладиган коэффицентни эътиборга олган ҳолда ҳисобий қаршилик қийматини ҳисоблаймиз:

$$m_0=0,8 ; R_c=0,8 \cdot 10 = 8 \text{ MPa}$$

Талаб қилинадиган кўндаланг кесим юзаси

$$A_m = \frac{N}{R_c} = \frac{0,16}{8} = 0,02 = 200 \text{ cm}^2$$

$$N=160 \text{ kN}=0,16 \text{ MN}$$

Кўндаланг кесим юзасини қабул қиласиз: $15 \times 17,5 \text{ см}$. Заиф кесимни эътиборга оладиган бўлсак, $A=(h-d \cdot n) \cdot b=(17,5-1,8 \cdot 2) \cdot 15=208 \text{ cm}^2=0,0208 \text{ m}^2$
Таъсир қиладиган кучланиш:

$$\sigma = \frac{N}{A} = \frac{0,16}{0,0208} = 7,7 \text{ MPa} < 8 \text{ MPa}$$

Назорат саволлари.

- 1.Марказий сиқилиш .
 - 2.Сиқилишдаги деформация диаграммаси.
 3. Ёғоч мустаҳкамлик чегараси.
 4. Сиқилишдаги ҳисобий қаршилик.
 - 5.Ҳисобий сиқувчи куч.
 - 6.Соф кўндаланг кесим юза.
 - 7.Эйлер томонидан аниқланган устиворлик коэффициенти .
 8. Бўйлама эгилиш коэффициенти .
 - 9.Марказий чўзилиш.
 - 10.Энг заиф кесими бўйича ҳисоблаш.
 - 11.Чўзилишдаги ҳисобий қаршилик.
 - 12.максимал чўзувчи кучнинг назарий қиймати .
- 1.Адабиётлар -|1;2;3;4; 8;9;10;11;|**
2.Интернет сайтлар -|12;13;14;15;16|

7 - МАВЗУ: ЁҒОЧ КОНСТРУКЦИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЭГИЛИШГА ҲИСОБЛАШ.

Режа

1.Эгилишга ишлайдиган ёғоч элементларининг хисоби ва кесимни юзаларини аниқлаш.


Таянч сўзлар: момент, куч, ораёпма, тўсин, юклама, элемент, кучланиш, эпюр, қийшиқ, мустаҳкамлик, чегара, брус, хода.

1.Эгилишга ишлайдиган ёғоч элементларининг хисоби ва кесимни юзаларини аниқлаш.

1.Эгилиувчи элементлар. Бўйланма ўққа кўндаланг таъсир қиладиган юкланишдан эгиладиган элементларда қурилиш механикаси

методлари билан аниқланадиган эгувчи моментлар M ва кўндаланг кучлар Q ҳосил бўлади.

Масалан, l узунликдаги бир ораёпмали тўсинда тенг тақсимланган юклама q дан эгувчи моментлар $M_{\max} = \frac{ql^2}{8}$ ва кўндаланг кучлар $Q_{\max} = \frac{ql}{2}$ ҳосил бўлади.



7.1-расм. Эгилувчи элемент

а-деформацияланиш графиги ва стандарт намуна; б-ҳисоблаш схемаси; в-бузилиш характеристи ва кучланиш эпюрлари; г-қийшиқ эгилишда кесим иши схемаси.

Элемент кесимларида эгувчи моментдан σ эгувчи кучланиш ва деформация ҳосил бўлади, бундан кесимнинг бир қисмида чўзилиш, бошқа қисмида сикилиш ҳосил бўлади, натижада элемент эгилади.

Диаграмма сиқилиш учун, тахминан яримигача чизиқли күринишга эга, кейин эгилади ва тез қийшяди.

$R_u^{\text{бр}} = 80 \text{ МПа}$ – қисқа синашларда ёғочнинг эгилишга мустаҳкамлик чегараси.

Наъмунанинг бузилиши чекка сиқилган толаларда вертикал эгилиш пайдо бўлганда бошланади ва чекка толалар узулганда тугайди.

Эгилишга ҳисобий қаршилик СНиП II-25-80 бўйича сиқилишдагидек қабул қилиш тавсия этилади, яъни 1 сорт учун $R_u = 14 \text{ МПа}$ -баландлиги 50 см.гача тўғрибурчакли кесим элементлари учун.

Кесим ўлчами 11 – 13 см.ли брус, кесим баландлиги 11 – 50 см.да арраланганда қайта қирқилган толалари доскага нисбатан кам, шунинг учун уларнинг мустаҳкамлиги $R_u = 15 \text{ МПа}$ гача ошади. Кенглиги 13 см.ли, кесим баландлиги 13-50 см.да ходанинг қайта қирқилган толалари бўлмайди, шунинг учун $R_u = 16 \text{ МПа}$.

2. Эгилувчи элементларни мустаҳкамлика текшириш.

Эгилувчи элементларни мустаҳкамлика текшириш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$\sigma = \frac{M}{W_{\text{расч}}} \leq R_u, \text{ бу ерда:}$$

M – максимал эгувчи момент,

$W_{\text{расч}}$ – кўндаланг кесим қаршилигининг ҳисобий моменти.

Кенг тарқалган тўртбурчак кесим учун

$$W = \frac{I}{h/2} = \frac{bh^2}{6}; \quad I = \frac{bh^3}{12}.$$

Эгилувчи элементлар кесимни танлаш шу формулада амалга оширилади, $W_{\text{тр}} = \frac{M}{R_u}$ ни аниқлаб, кейин кесимнинг ўлчамларидан бирига (b ёки h) қийматлар бериб, бошқа ўлчами топилади.

3. Тўртбурчакли ўзгармас кесимли ясси шакли деформацияланувчи элементларни турғунликка ҳисоблаш.

Куйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$\sigma = \frac{M}{\phi_m W_{\text{бр}}} \leq R_u$$

M – қаралаётган l_p участкадаги максимал эгувчи момент;

$W_{\text{бр}}$ – қаралаётган l_p участкадаги брутто қаршилиги максимал моменти;

ϕ_m – турғунлик коэффициенти.

ϕ_m коэффициент эгилиш текислигидан силжишга шарнирли бириктирилган тўртбурчакли ўзгармас кўндаланг кесимли эгилувчи элементлар учун қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$\phi_m = 140 \frac{b^2}{l_p h} k_\phi, \text{ где}$$

l_p – элемент таянч кесимлари оралиғидаги масофа.

b – кўндаланг кесим кенглиги;

$h - l_p$ участкадаги кўндаланг кесимнинг максимал баландлиги;

$k_\phi - l_p$ участкадаги эпюрнинг шаклига боғлиқ коэффициент, (СНиП II-25-80 жадвали бўйича аниқланади).

Кесимнинг ўзгарувчи баландлиги элементларини ҳисоблашда φ_m коэффициент қийматини $k_{жсм}$ коэффициентга кўпайтириш, эгилиш текислигидан оралиқ нуқталарга чўзилган қиррани маҳкамлашда- k_{nM} .коэффициентга.

Бу иккала коэффициент ҳам СНиП бўйича аниқланади.

Чўзилган зоналарда маҳкамлаш нуқталари $n \geq 4$ да, $k_{жсм} = 1$.

Двутавр ёки қути кесимли яси шакли эгилиш элементларини турғунликка текшириш $l_p \geq 7b$ бўлса бажарилади. Бу ерда b –кўндаланг кесимнинг сиқилган камари кенглиги. Ҳисоблашни қуидаги формулада бажариш керак:

$$\frac{M}{\phi W_{\delta p}} \leq R_c, \text{ бу ерда:}$$

ϕ –сиқилган камарнинг кўндаланг эгилиш коэффициенти;

R_c – сиқилишга ҳисобий қаршилик;

$W_{\delta p}$ – брутто қаршилик моменти, фанера девор ҳол учун-элементнинг эгилиш текислигига келтирилган қаршилик моменти.

4. Эгилишда силжишга текшириш.

Журавский формуласи бўйича бажарилади:

$$\tau = \frac{QS_{\delta p}}{I_{\delta p} b_{\text{расч}}} \leq R_{ck}, \text{ бу ерда:}$$

Q – ҳисобий кўндаланг куч;

$I_{\delta p}$ – қаралаётган кўндаланг кесим брутто момент инерцияси;

$S_{\delta p}$ – статический момент брутто сдвигаемой части сечения относительно нейтральной оси;

b – кесим кенглиги;

R_{ck} – эгилишда силжишнинг ҳисобий қаршилик (I сорт ёғоч учун $R_{ck}=1,8$ МПа елимланмаган элементлар учун, $R_{ck}=1,6$ МПа – бўйланма тола елимланган элементлар учун,).

Тўғрибурчак кесимли тўсинлар учун $l/h \geq 5$ да силжиш-эзилиш рўй бермайди, бошқа шакл кесимларда бўлиши мумкин.

5. Эгиладиган элементларни вертикал эгилишга текшириш.

Нисбий вертикал эгилиш аниқланади, унинг қиймати СНиП регламентлаган чегаравий қийматдан ошмаслиги керак. $\frac{f}{l} \leq \left[\frac{f}{l} \right]$

Энг катта вертикал эгилишга f қуидаги формула бўйича аниқлаш керак:

$$f = \frac{f_0}{k} \left[1 + c \left(\frac{h}{l} \right)^2 \right], \text{ бу ерда:}$$

f_0 – ўзгармас кесимли тўсиннинг вертикал эгилиши, деформацияни ҳисобга олмаганда. Бир ораёпма тўсин учун;

$$f_0 = \frac{5}{384} \frac{q^4 l^4}{EI};$$

h – кесимнинг энг катта баландлиги;

k – кесимнинг баландлик бўйича ўзгаришини хисобга олувчи коэффициент, ўзгармас кесимли тўсин учун $k=1$;

c – кўндаланг кучдан силжиш деформациясини хисобга олувчи коэффициент.


Коэффициентлар k ва c қийматлари СНиП да келтирилган.

6. Қийшиқ эгилиш.

Агар таъсир қилувчи юк йўналиши, тўсин кўндаланг кесим ўқлари йўналиши билан мос тушмаса, конструкция қийшиқ эгилиш ҳолатида ишлайди ва уни биринчи гурӯҳ чегаравий ҳолатида нормал кучланишлар бўйича қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$\sigma = \frac{M_x}{W_x} + \frac{M_y}{W_y} \leq R_u.$$

бу ерда: M_x , M_y - эгувчи моментнинг ташкил этувчилари; W_x , W_y - қаршилик моментининг x ва y ўқлари бўйича ташкил этувчилари.



7.2-расм. Қийшиқ эгилиш.

$$q_x = q \sin \alpha; q_y = q \cos \alpha; M_x = M \sin \alpha; M_y = M \cos \alpha.$$

Иккинчи гурӯҳ чегаравий ҳолатда деформацияланиши бўйича эса қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$f = \sqrt{f_x^2 + f_y^2} \leq f_{pyx\text{sam}}$$

Бу ерда: f_x , f_y - солқиликнинг x ва y ўқлари бўйича ташкил этувчилари.

Қийшиқ эгилиш: а- тўғри тўртбурчак кўндаланг кесимли элементни қийшиқ эгилиш ҳолатида юкламанинг тарқалиши; б- квадрат кўндаланг кесимли элементларда ўқдан энг чет нуқтасигача бўлган масофани аниқлаш;

а- қиялик бурчаги; q_x , q_y - юкламанинг x ва y ўқлари бўйича ташкил этувчилари.

Қийшиқ эгилишда кўндаланг кесимнинг энг кичик қийматлари:

Мустаҳкамлик бўйича

$$\frac{h}{b} = \operatorname{ctg} \alpha$$

Деформация бўйича

$$\frac{h}{b} = \sqrt{\operatorname{ctg} \alpha}$$

Кўндаланг кесими квадрат шаклдаги элементлар қийшиқ эгилишга ишламайди. Чунки, улар зўриқишининг таъсир текислигига деформацияланади, лекин шунга қарамасдан кучланиш қийшиқ эгилиш формуласи ёрдамида аниқланади

$$\sigma_{\text{зз}} = \frac{M_x + M_y}{W} \leq R_{\text{зз}}$$

7. Чўзилиб-эгилувчи элементлар

Чўзилиб эгиладиган элементларга эгувчи моментдан ташқари марказий чўзувчи куч ҳам таъсир этади. расмда марказий бўлмаган чўзилиш ҳолатида ишлаётган тўсин, кўндаланг ва бўйлама чўзувчи кучлардан ҳосил бўладиган эгувчи моментлар эпюралари ҳамда кесимда ҳосил бўладиган кучланиш эпюралари келтирилган:

Ушбу элементлар нормал кучланишлар бўйича қуидагича ҳисобланади:

агар заиф кесимлар 20 см дан кичик масофаларда жойлашган бўлса, ҳаммаси битта кесимга йиғиб олинади. Нормал кучланишларни, бўйлама куч таъсиридан эгувчи моментнинг камайишини эътиборга олинмаган ҳолатларда эса қуидаги формула ёрдамида аниқланади:


$$\sigma = \frac{N}{A} + \frac{M_q \cdot R_{\text{зз}}}{W \cdot R_q} \leq R_q$$

Чўзилувчи-эгилувчи ёғоч элементларни ҳисоблашларда бўйлама кучдан ҳосил бўладиган эгувчи моментни ҳисобга олиш. Чўзилувчи-эгилувчи элементларда кўндаланг кучдан ҳосил бўладиган эгувчи моментдан ташқари, марказий қўйилган бўйлама чўзувчи куч таъсирида зўриқиши - қўшимча эгувчи момент ҳосил бўлади.

Чўзилиб-эгилувчи элементда ҳосил бўладиган эгилишлар: $f_x=0$ дан 1 гача оралиқда ҳосил бўладиган тўлиқ эгилишлар; f_q - кўндаланг куч $-q$ дан ҳосил бўлган максимал эгилиш; $f_{q,-}$ бўйлама кучдан ҳосил бўлган қўшимча моментни ҳисобга олган ҳолдаги тўлиқ эгилиш (7.3-расм).

Эгилиш натижасида кўндаланг куч $-q$ дан эгувчи момент ҳосил бўлади, чўзилиш натижасида эса тескари ишора билан қўшимча эгувчи момент ҳосил бўлади. Стерженнинг умумий эгилиши ва эгилиш чизигининг тенгламаси номаълум, шунинг учун чегаравий кучланишлар

формуласи орқали кучланишларни аниқлаб бўлмайди:



7.3-расм. Чўзилиб-эгилувчи элемент: : а- ишлаш схемалари ва эгувчи момент эпюралари; б- нормал кучланишлар эпюралари.

Бўйланма куч N таъсирида чўзилади ва эгувчи момент M таъсирида эгилиш кучланишлари ҳосил бўлади.

В сечениях растянуто-изгибаляемого элемента от продольной растягивающей силы N возникают равномерные растягивающие напряжения, а от изгибающего момента M – напряжения изгиба. Эти напряжения суммируются, благодаря чему растягивающие напряжения увеличиваются, а сжимающие уменьшаются. Расчет растянуто-изгибаляемых элементов производится по прочности с учетом всех ослаблений:

Чўзилиб-эгилувчи элементларни ҳисоблаш барча заифлашишларни ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамлик бўйича бажарилади.

$$\sigma = \frac{N}{F_{\text{расч}}} + \frac{MR_p}{W_{\text{расч}}R_u} \leq R_p, \quad F_{\text{расч}} = F_{\text{нн}}.$$

R_p/R_u нисбат чўзилиш ва эгилиш кучланишларини бирта қийматга келтириш имконини беради.


8. Сиқилиб-эгилувчи элементлар

Эгувчи момент ва марказий қўйилган бўйлама сикувчи куч таъсир қилган ҳолатларда элементлар сиқилиш - эгилишга ишлайди, яъни номарказий сиқилиш юзага келади. Эгувчи момент номарказий қўйилган сикувчи кучдан ва кўндаланг юкламадан ҳосил бўлади.

Сиқилиб-эгилувчи ёғоч конструкцияларини ҳисоблашда чегаравий кучланишлар назарияси қўлланилади. Бу назария профессор К.С.Завриев томонидан таклиф этилган. Бунга асосан чегаравий кучланиш ҳисобий қаршиликка teng бўлган ҳолатда, стерженning юк кўтариш қобилияти йўқолади. Мазкур назариянинг устиворлик

назариясига нисбатан аниқлик даражаси кичик, лекин у содда ечим беради.

Стерженning бикрлиги чекли бўлганлиги учун, у эгувчи момент таъсирида эгилади.



7.4-расм. Сиқилиб эгилувчи элементнинг эгилиши: а- ишлаш схемалари ва эгувчи момент эпюралари; б- нормал кучланишлар эпюралари.

Бу ҳолда, марказий қўйилган сиқувчи куч эксцентриситетга эга бўлади ва у стерженning деформацияси қийматига тенгдир. Бунинг натижасида қўшимча момент ҳосил бўлади. Бўйлама кучдан ҳосил бўладиган қўшимча эгувчи момент таъсирида деформация янада ортади. Эгувчи момент ва эгилиш бир неча вақт бирлиги давомида ортиб боради ва кейин йўқолади.

Стерженning умумий эгилиши ва эгри чизик тенгламаси номаълум, шунинг учун чегаравий кучланишлар формуласи ёрдамида σ_c ни бирданига аниқлаб бўлмайди.

$$\sigma_c = \frac{N}{F} + \frac{M_q}{W} + \frac{N \cdot y_{max}}{W}$$

Бўйланма куч N таъсирида сиқилади ва эгувчи момент M таъсирида сиқилиш ва эгилиш кучланишлари ҳосил бўлади.

Сиқилиб эгилувчи элементларни мустаҳкамликка ҳисоблаш қуидаги формула ёрдамида аникланади

$$\frac{N}{F_{\text{расч}}} + \frac{M_{\partial}}{W_{\text{расч}}} \leq R_c, \text{ бу ерда:}$$

M_{∂} – бўйланма ва кўндаланг юкланишлар таъсирида деформацияланган схема бўйича эгувчи момент.

φ – сиқилиш учун устворлик коэффициенти

$$\phi = \frac{A}{\lambda^2}, \text{ бу ерда:}$$

$A=3000$ – ёғоч учун,

$A=2500$ – фанера учун;

Назорат саволлари

1. Эгилувчи элементлар;

2. Қийшиқ эгилиш;

3. Эгувчи кучланиш;

4. Эгилишга ҳисобий қаршилик;

5. Қирқилган толаларнинг мустаҳкамликка таъсири;

6. Кўндаланг кесим қаршилигининг ҳисобий моменти;

7. Сиқилган камарнинг кўндаланг эгилиш коэффициенти;

8. Брутто қаршилик моменти;

9. Кўндаланг кесим брутто момент инерцияси;

10. Чўзилиб-эгилувчи элементларни ҳисоблаш;

11. Сиқилиб эгилувчи элементнинг схемаси.

1. Адабиётлар -|1;2;3;4; 8;9;10;11;|

2. Интернет сайтлар -|12;13;14;15;16|

8 - МАВЗУ: ЁҒОЧ КОНСТРУКЦИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ БИРИКМАЛАРИ. РЎПАРА ВА ЎЙИБ БИРИКТИРИШ.

Режа

1. Ёғоч конструкциялар элементларининг бирикмалари ҳақида қисқача маълумотлар,

2. Ёғоч конструкциялар бирикмаларининг таснифланиши, бирикманинг мустаҳкамлигини текшириш.

Таянч сўзлар: елимланган, нагел, чангак, зўриқиши, боғловчи, термопласт, арматура, ўйик, шпонка, болт, хомут.

1. Ёғоч конструкциялар элементларининг бирикмалари ҳақида қисқаша маълумотлар,

Ёғоч конструкцияларининг бирикмалари. Ёғоч материалининг ўлчамлари чекланганлиги учун, уларни қўпинча узайтириш, кўндаланг кесимини катталаштириш зарур бўлиб қолади. Шундай ҳолларда бирикмалардан фойдаланишга тўғри келади. Ёғочни кўндаланг кесими бўйича ҳам, узунлиги бўйича ҳам бириктириш мумкин.

Барча бирикма турлари етти гурухга бўлинган:

1. Елимланган берикмалар – таъсир этувчи кучлар унсурдан унсурга бевосита узатилади, қурилма яхлит унсурдек ишлайди;

2. Нагелли берикмалар – таъсир этувчи зўриқишлар унсурдан унсурга нагеллар орқали узатилади, қурилма таркибий ҳисобланади;

3. Ясси металл чангаклар ёрдамида бириктириш;

4. Уйиб бириктириш – зўриқиш бевосита узатилади, қурилма таркибий;

5. Чўзилган боғловчилар билан бириктириш;

6. Пайвандлаш – фақат термопластлар учун қўлланилади;

7. Елимланган пўлат ўзакли (арматура) берикмалар.

Ишлаш характеристига қараб уларни қуйидаги турларга бўлинади:

а) маҳсус боғловчиларсиз - тираш, ўйиқ берикмалари;

б) сиқилишга ишловчи боғловчили - шпонка, колодка;


в) эгилишга ишловчи боғловчили - болт, қозиқ, мих винт, пластинка;

г) чўзилишга ишловчи боғловчили - болт, хомут, винт;

д) силжиш-ёрилишга ишловчи боғловчили - елимланган ёғоч.

Кўриниб турибдики, бир хил боғловчилар турли бирикма турларида учрайди. Шунинг учун уларни қуйидаги гурухларга бўламиз: металл боғловчили, елим боғловчили, ёғоч боғловчили. Булардан ташқари ишлаш характеристига қараб яна берикмаларни мойил ва бикр боғловчили турларга ҳам ажратиш мумкин. Конструкция элементларини бириктириш жараёнида тешик ва ўйиқлар ҳосил қилишга тўғри келади. Булар кўндаланг кесимнинг заифлашишига ва деформацияланувчанликни ортишига сабаб бўлади. Шунинг учун берикмаларни мустаҳкамлиги ва деформацияланувчанлиги, ҳисоблаш ва тайёрлашга, елимни тўғри танлашга боғлиқдир.

Маҳсус боғловчиларсиз берикмаларда унча катта бўлмаган зўриқишлар ҳосил бўлади ёки зўриқишлар бир элементдан бошқасига бирданига узатилади. Улардаги маҳсус боғловчиларни ҳисоблаш талаб қилинмайди. Бундай берикмаларга конструктив ўйиқлар ва рўпара ўйиқлар киради. Ёғоч конструкцияларида энг кўп тарқалган конструктив берикмаларга: чорак ўйиқ, шпунт, ярим ўйиқ ва қия кертиш лар киради.



8.1-расм. Рўпара ўйиб бириктириш..


1-авария болти; 2-ўйикқа ўрнатиладиган элемент; 3-таянч элемент; 4-мих; 5-тўсин ости элемент; 6-таянч қистирма.

Ўйиқлар жуда содда ва ишончли бирикмалар ҳисобланади ва сиқилишга ишловчи элементларни улаш учун қўлланилади. Улар сиқувчи бўйлама кучдан таъсир бўладиган эзилишга ишлайди ва ҳисобланади. Улар чўзилишга ишламайди. Бундай бирикмалар юқорида келтирилган формулалар ёрдамида мустаҳкамликка текширилади:

$$R_{\text{ннн}} = R_{\text{ннн}} \frac{R_{\text{ннн}}}{I + 8 / (I_{\text{нн}} + I_{\text{нн}})};$$

$$R_{\text{ннн}} = \frac{R_c}{1 + (R_c / R_{\text{ннн}} - 1) \sin^3 \alpha} ;$$

$$\sigma = \frac{N}{A} \leq R_{\text{ннн}}$$



8.2-расм. Тиралиш: а - ёғоч толалари бўйлаб бўйлама; б - толаларига кўндаланг; в - толаларига бурчак остида қийшик; 1 - тортувчи болтлар; 2 - элементлар; 3 - таянч; 4 - штырь;

Пўлат боғловчили бирикма - бу шундай ёғоч элементлари бирикмасики, унда таъсир қилаётган зўриқишлиар пўлат болт, стержен, мих, винт, хомут,

тишли пластинка ва бошқа боғловчилар орқали узатилиши мумкин. Буларнинг ичида энг кўп тарқалгани - болт ва мих ҳисобланади. Болтли бирикмалар чўзилувчи ва эгилувчи болтли бирикмаларга бўлинади.

Тортувчи болтли бирикмаларда болтлар, конструкцияларнинг айрим тугунларини ва алоҳида элементларни кўндаланг зич бириктириш учун хизмат қиласи. Болтни диаметрини конструктив танланади. Тортувчи болтлар диаметри 12 mm дан ва бирикма умумий қалинлигининг $1/20$ кисмидан кам олинмайди. Тортувчи болтли бирикма ёғоч конструкцияларини таянчларини маҳкамлашда, ораёпма конструкцияларга жиҳозларни осишда ва яна тугун бирикмаларида кўлланилади. Улар ҳисобий юкламалар бўйича чўзувчи кучга ҳисобланади. Болт учун тешилган заиф кесим чўзилишга ҳисобланади:

$$\sigma = \frac{N}{0,8 \cdot A} \leq R,$$


бу ерда:

ҳисобий қаршилиги , $R = 235 \text{ MPa}$;

кучланишлар тўпланишни эътиборга оладиган коэффициент.

R - пўлатнинг

0,8 - заиф кесимда




8.3-расм.. Чўзилувчи болтли бирикмалар: *a*- болт; *b* - болт ва ёғочнинг ишлаш схемалари; *c* - шайбанинг ишлаш схемалари; 1- шайба; 2 - болт каллаги; 3 - ўзак; 4 - гайка; 5 - кучланиш эпюраси.

Болтни жойлаштириш тартиби ва қоидалари:

Эгилишда, толалари бўйлаб тўғри тартибда жойлаштирилганда болтлар орасидаги масофа энг камида $S_1 = 7d_{\text{болт}}$, кўндаланг йўналиш бўйича эса ён томонидан камида $S_2 = 3d_{\text{б}}\text{, болтлар орасидаги масофа } S_2 = 3,5d_{\text{б}}$; шахмат тартибида болтлар жойлаштирилганда, бўйлама йўналиш бўйича биринчи қолдириладиган масофа $S_1 = 7d_{\text{б},x}$, кейинги оралиқ масофалар минимум $S_1 = 3,5d_{\text{б}}$; кўндаланг йўналиш бўйича ён томонидан биринчи масофа $S_2 = 3d_{\text{б}}$, оралиқларидаги масофалар эса $S_2 = 3,5d_{\text{б}}$.

Агар металл қопламали бўлса, биринчи $S_1 = 2d_{\text{болт}}$ масофа қолдирилади, кейинги болтлар ҳар $S_1 = 15d_{\text{б}}$ да қўйилиши мумкин



8.4-расм. Эгилувчи болт бирикмалари: а- қўйиш схемаси; б- ҳисобий схемалари; в- ишлаш схемаси; 1-тўғри тартибда қўйиш; 2- шахмат тартибида қўйиш; 3-пўлат қопламаларда; 4- бурчак остидаги бирикмаларда; 5-симметрик икки қирқимли; 6-носимметрик бир қирқимли; 7-ёғочни эзилишдаги кучланиш эпюраси. 8-шартли эпюор.

Болт шайбаси тагидаги ёғоч эзилиши мустаҳкамлик бўйича қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\sigma = \frac{N}{A} \leq R_{3390},$$

Шайбанинг талаб қилинадиган юзаси орқали, унинг томонлари ўлчамларини ҳам танлаш мумкин:

$$A_n = \frac{N}{R_{3390} \cdot \theta, \delta},$$

$R_{3390}=4 \text{ MPa}$ - ёғочни маҳаллий эзилишдаги ҳисобий қаршилиги.

Шайбанинг ишлаш схемасига асоссан, энг катта эгувчи момент M шайба кесимининг ўртасида ҳосил бўлади. Шайбанинг ўлчамлари қўйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$M = \frac{N \cdot b}{16}; \quad W_m = \frac{M}{R}; \quad \delta_m = \sqrt{\frac{6 \cdot W_m}{R}},$$

бу ерда:

W_m , δ_m - талаб қилинадиган кесимнинг қаршилик моменти ва қалинлиги;

R -шайба материалининг ҳисобий қаршилиги;

b - квадрат пластинка шайбанинг кенглиги.

Тармоқли конструкцияларнинг чўзилишга ишловчи тортувчи пўлат стерженлари ҳам худди шундай ҳисобланади. Уларнинг эгилувчанлиги 400 дан ортиб кетмаслиги керак.

Агар ферма тугунида бир неча тортувчи стерженлар бўлса, пўлатнинг ҳисобий қаршилиги $0,85$ га камайтирилади. Бунда фақат зўриқишлиарни стерженлар бўйича нотекис тарқалишини ҳисобга олиш керак.

Эгилувчи болтли бирикмаларда болтлар асосан эгилишга, қисман қирқилишга ишлайди. Бу бирикма ёғоч конструкцияларнинг чокларида, тугунларида кенг қўлланиллади ва уларда ҳосил бўладиган зўриқиши ўзгарувчан сиқувчи ёки чўзувчи бўлиши мумкин.

Эгилувчи болтли бирикмаларни ҳисобий юкламалардан бўйлама $-N$ кучга исобланади:

$$n_m = \frac{N}{T \cdot n_{\text{чок}}},$$

бу ерда: n_m - бирикмани бир томони ярмидаги болтлар сони; N - бўйлама куч; T - битта чоқдаги болтнинг энг кам юк кўтариш қобилияти, $n_{\text{чок}}$ - қирқилишлар сони(чоклар).

T ни қўйидагича аниқланади:

ёғоч қопламаларида болтнинг эгилиши бўйича

$$T_i = (18d^2 + 0,2a^2)\sqrt{\kappa_\alpha}, \text{ кўпи билан } 25d^2\sqrt{\kappa_\alpha};$$

пўлат қопламаларда болтни эгилишдаги мустаҳкамлиги бўйича

$$T_c = 5cd\kappa_\alpha;$$

ўртадаги элементни эзилиши бўйича

$$T_a = 5ad\kappa_\alpha;$$

четки ва энг қалин бир қирқимли элементни эзилиши бўйича

$$T_{yp} = 0,8a \cdot d K_{ap}, \text{ кН}$$

четки ва энг юпқа бир қирқимли элементни эзилиши бўйича

$$T_a = 5ad\kappa_\alpha;$$

бу ерда: d - болт диаметри (cm); c - ўртадаги элементнинг қалинлиги (cm); a - четки элементнинг қалинлиги (cm); K_{ap} - симметрик ва қияликни ҳисобга оладиган коэффициент.

Бурчак a , град	κ_α коэффициентлар d диаметрда			
	12	16	20	25
30	0,95	0,90	0,90	0,90
60	0,75	0,70	0,65	0,60
90	0,70	0,60	0,55	0,50

Эгилувчи пўлат стерженли бирикмаларда $A-I$ синфдаги силлиқ арматуралар қўлланиллади ва бу бирикмалар ҳам эгилувчи болтли бирикмалар каби ишлайди ҳамда ҳисобланади.

Кимёвий агрессив ва нам мухитлардаги эгилувчи болтли ёғоч элементли бирикмаларда болт алюминийдан $D-16$ ва стеклопластикадан $АГ-4С$ лардан тайёрланиши мумкин. Уларнинг юк кўтариш қобилияти, шу жумладан:

$$D-16 \rightarrow T_{\varphi} = (1,6d^2 + 0,02a^2),$$


$$АГ-4С \rightarrow T_{\varphi} = (1,45d^2 + 0,02a^2).$$

Михлар ҳам худди нагеллар қаби ишлайди. Уларни ёғочга қоқилади. Амалиётда михларнинг диаметри 6 mm дан ошмайди. Михни ёғоч тахтага михлашда, унинг диаметри, $0,25\delta_{max}$ дан катта бўлиб кетмаслиги керак.

Михни жойлаштириш тартиби ва қоидалари:

Эгилишда, толалари бўйлаб тўғри тартибда жойлаштирилганда михлар орасидаги масофа ва биринчи ташланадиган масофа энг камида $S_1 = 15d_{mix}$, кўндалангти бўйича эса камида $S_2 = 4d$; шахмат тартибда михлар қоқилганда бўйламаси бўйлаб михлар орасидаги масофа ёнидан биринчи ташланадиган масофа $S_1 = 15d_{mix}$, кейинги оралиқ масофалар минимум $S_1 = 7,5d_{mix}$; кўндаланг бўйича ёнидан биринчи масофа $S_2 = 4d$, михлар оралиқларидағи масофа $S_2 = 3d$.

Агар металл қоплама устидан михланадиган бўлса, биринчи $S_1 = 2d_{mix}$ масофа қолдирилади, кейинги михлар ҳар $S_1 = 15d_{mix}$ да михланиши мумкин



8.5-расм. Эгилувчи михли бирикмалар: а - михлаш схемалари; б - ҳисобий схемалар; в - ёғочни эзилишдаги кучланиш эпюралари схемалари; 1,2 - тўғри ва шахмат тартибida михлаш; 3 - пўлат қопламали; 4 - бурчак остидаги бирикмаларда; 5 - симметрик икки қирқимли; 6 - носимметрик бир қирқимли. 7-икки қирқимли пўлат усқуймали; 8-эзилиш эпюри

Михли бирикмалар зич бирикма ҳосил қилади. Лекин вақт ўтиши билан силжиш вужудга келади, бу эса унинг камчилигидир.

Мих, винт (*шуруп, глухар*), чангак(скоба), хомут, тортувчи болт ва тортқиңчлар чүзилувчи боғловчиларга киради. Боғловчилар тортувчи, тортмас, вақтингчалик ва доимий турларга бўлинади. Барча турдаги боғловчилар, айниқса доимий боғловчилар занглашдан муҳофаза қилинган бўлиши керак.

Боғловчилар конструкциялари меъёрлари бўйича чўзилишга ҳисобланади. Михлар суғуришга, ёғочга сирти тегиб ишқаланиши ҳисобига қаршилик қўрсатади. Ишқаланиш кучи ёғочда ёриқ ҳосил бўлса камайиши ҳам мумкин. Суғуришдаги битта михнинг юк кўтариш қобилияти қўйидагича аниқланади:

Тсуг $\leq R_{cуг} \pi \cdot d_{mix} \cdot l_{кистириш}$


бу ерда: $R_{cуг}$ - ҳисобий қаршилик($R_{cуг}=0,3 \text{ МПа}$ -қуруқ ёғоч учун, $R_{cуг}=0,1 \text{ МПа}$ - ҳўл ёғоч учун);

$\pi = 3,14$ га тенг ; d_{mix} - мих диаметри, мм; $l_{кистириш}$ -михнинг қисилган қисми узунлиги, мм; $T_{cуг}$ - суғуришдаги битта михнинг ҳисобий юк кўтариш қобилияти.

Шурупларни толалари бўйлаб $S_1=10 d_e$, толаларига кўндалангти бўйича $S_2=S_3=5d_e$ масофаларда қўйилади.

Чангак – 10...18 мм ли кўндаланг кесими доирасимон пўлатдан, қўшимча боғловчи сифатида ишлатилади.

Хомут - худди чангакка ўхшайди, лекин у бириктирилаётган элементларни тўлиқ қамраб олади.



8.6-расм. Винтлар ва хомутлар

1-Эгилувчи винт иши схемаси; II-Суғурилувчи винт иши схемаси.

a — винтлар; 1 — схема работы изгибающегося винта;*II* — схема работы выдергиваемого винта; б — хомутлар; / — глухарь; 2 — шуруп; 3' — түғри хомут; 4 — ярим эгилган;; 5—эгилган

Назорат саволлари.

- 1.Күндаланг кесимни катталаштириш.
- 2.Елимланган берикмалар.
- 3.Нагелли бирикмалар.
- 4.Ясси металл чангаклар ёрдамида бириктириш уйиб бириктириш
- 5.Чўзилган боғловчилар билан бириктириш.
6. Пайвандлаш .
- 7.Пўлат ўзакли (арматура) бирикмалар.
- 8.Сиқилишга ишловчи боғловчили.
- 9.Эгилишга ишловчи боғловчили.
- 10.Чўзилишга ишловчи боғловчили.
- 11.Силжиш-ёрилишга ишловчи боғловчили.
- 1.Адабиётлар -|1;2;3;4; 8;9;10;11;|**
- 2.Интернет сайtlар -|12;13;14;15;16|**

9 - МАВЗУ: ЕЛИМЛИ ВА НАГЕЛЛИ БИРИКМАЛАР.

Режа

1.Елимли ва нагелли бирикмалар турлари ва бирикиши, елимлаш учун мўлжалланган тахталар, бирикмаларни афзалиги ва камчилиги.

Таянч сўзлар: яхлитлик, адгезион, чок, синтетик, полимер, каркас, елимфанера, панел, шуруп, қутисимон, қовурға, пона, нагел.

1.Елимли ва нагелли бирикмалар турлари ва бирикиши, елимлаш учун мўлжалланган тахталар, бирикмаларни афзалиги ва камчилиги.

Елимли бирикмалар Ёғоч конструкцияларни бириктиришда елимлаш истиқболли усулдир. Конструкцион синтетик елимлар асосида бажарилади. Елимлаш чекланган кесим ва узунликдаги тахталардан ҳар қандай узунлик ва шаклдаги кўтариб турувчи конструкция элементларини тайёрлаш мумкин. Улар тўғри ва эгилган, кесимлари ўзгармас ва ўзгарувчан, узунликлари ва баландликлари бир неча метр бўлиши мумкин. Елим бирикмалар мустаҳкам, монолит бўлиб, жуда оз ўзгаради, шунинг учун елим бирикмаларни ҳисоблашда яхлит деб олса бўлади. Елим бирикмалар сувга,чиришга ва кимёвий муҳит таъсирига чидамли, бу хоссаси уларнинг узоқ муддат хизмат қилишини таъминлайди. Елим бирикмалар технологик, қийинчиликсиз ва кам харажат сарфлаб механизациялаш ва автоматлаштириш мумкин. Аммо елимлаш ишларни маҳсус жиҳозланган, иситиладиган ва шамоллатгичлари бор хонада қаътий лаборатория назорати остида бажариш зарур.

Юк кўтарувчи конструкциялар учун елимларга қўйиладиган талаблар: тенг мустаҳкамлилик, яхлитлик, чидамлилик, елимли бирикмаларда фақат сувга чидамли елимларни қўллаш орқали вужудга келади. Чидамлилик ва ишончлилик елимли бирикмаларда адгезион боғловчиларнинг устиворлигига,

елим турига, унинг сифатига, елимлаш технологиясига, ишлатиш шароитига ва тахталарни юзасига ишлов беришга боғлиқдир.

Елимли чок - бирикма мустаҳкамлигини таъминлаши керак. Елимли бирикмалар қадимдан дурадгорчиликда қўлланиб келинган.

Кимёning ривожланиши ёғоч конструкциялари тарихида индустрисал ишлаб чиқаришни, синтетик полимер елимларни вужудга келиши эса елимланган конструкциялар ишлаб-чиқаришни кучайтириб юборди.

Елим бирикмаларни елимлашда игна баргли ёғоч қалинлиги кўпи билан 50 мм, намлиги 12%.дан ошмаслиги керак. Елим бирикмалар четлари бир текис бўлиши керак.

Елим бирикмалар учун термореактив смолалар асосидаги конструктив синтетик елимлардан фойдаланилмоқда. Ҳозирда ёғочларни елимлашда фенолоформальдегид елим КБ-3 ва резорцин елим РФ-12, ёғочни металл билан елимлашда эса — эпоксид елим ЭПЦ-1 кенг қўлланилмоқда..


Елим боғловчи сифатида бирикманинг яхлитлигини таъминлайди.“ЕБ” калта ва майда бўлган ёғоч унсурлардан кесими ва шакли ихтиёрий қурилмаларни барпо этиш имконини беради. Кесимни баландлик бўйича ҳар хил навдаги тахталардан шакллантириш мумкин. Масалан, меъёрий ҳужжатларга кўра, биринчи навли нуқсонсиз тахталар кесим чўзиладиган тарафида $0,17\text{h}$ дан кам эмас масофада жойлаштирилиши зарур. Иккинчи навли тахталар кесим сиқиладиган зонада $0,17\text{h}$ масофада, қолган масофада учинчи навли тахталар жойлаштирилиши лозим.

«ЕБ» асосан елим чоки бўйлаб силжишга ишлаш учун мўлжалланган. Елимлаш учун 15%ли намлиқдаги тахталардан фойдаланиш лозим, негаки намлиги 15% дан кам бўлган тахталар елимлик бирикмада қайишади ва дарз кетиши ҳосил бўлади, айниқса юксиз технологик жараёнида. Сифатли елимланиш учун камида $15\text{kg}/\text{cm}^2$ босим зарур, ўшанда елимли чок қалинлиги бир текис бўлади.

Емлик бирикмаларга қўйилган барча талаблар КМКларда бирилган. Елим тури қурилма ишлайдиган турига қараб белгиланади ва тайинланади. Елимлаш жараёнини тезлаштириш учун ёғоч ток билан қиздирилади, қиздириш вақти 1,5 дақиқадан 1 соатгача давом этиши мумкин.

Елимлаш жараёни қўйидаги босқичлардан иборат: тахталар устини тайёрлаш, елимни суриш, маълум вақт очик ушлаб туриш, бир ярим «МПа» куч билан босим бериш, иссиқ ҳолатда босим остида ушлаб туриш, маълум вақт босимсиз ушлаб туриш ва ниҳоят омборда ушлаб туриш.

Елимланадиган тахталардаги йиллик халқалари бирбирига мос келиши шарт. Аксида қуриб қайишиш натижасида елимли чокларда чўзувчи кучланишлар пайдо бўлади. Чоклар турлари (9.1-расм,а) учма-уч б) тишли




9.1-расм. Енимли бирикмалар: а - кўндаланг чоклар; б - бўйлама чоклар; в - бурчак чок; 1 - кенг толали чок; 2 - қисқа томонли чок; 3 - кенг ва қисқа томонли чок; 4 - тишли ўйик; 5 - фанералардаги тишли ўйик чок; 6 - тишли бурчак ўйик.

Учма-уч чок – кесим эни бўйича тахталарни улашда қўлланилади, тишли чок – тахталарни узунасига улашда ва қурилма унсурларини бир бири билан бириктиришда қўлланилади. Унсурларни 30-45 о бурчак остида бириктириш учун уларнинг эни 15 см гача ва болтлар, бурама – михлар билан, елим сурилгандан сўнг, маҳкамланади.

Пўлат ўзаклари яъни арматура стерженлари ёғоч унсурларини бир бирига елимланиб бириктиради. Унсурлар ичида маҳсух асбоблар билан паз уйилади ва елим сурилади (эпоксид елим). Маълум вақт ўтгач ичига стержен ҳисоби узунликда киритиб қотирилади. Худди шундай узунликда стерженнинг қолган қисми бошқа унсурга киритилади. Бу бирикма эгиливчи унсурларни улашида қўлланилади, ҳамда чизилувчи унсурларни улашда, устунларни пойdevорга маҳкамлашда қўлланилади.

Елимланувчи ўзак сифатида А-П, А-Ш арматура стерженлари ишлатилади, уларнинг диаметри 12 дан 25мм гача тавсия этилади. Елим маркалари –ФР 12, ФРФ 50, ЭПС1 яъни фенолорезорцин ва эпоксид катронлар асосидаги елимлар тавсия қилинади.

Юклар таъсирида бирикмада суғуриш ва тўртиб чиқариш жараёнлари ҳосил бўлиши мумкин. Айнан шуни эътиборга олиб бирикманинг юк кўтариш қобилиятининг ифодаси бўйича ҳисоблаш лозим:



9.2-расм Елимланган стержень билан бириктириш.

а-бўйланма; б-бурчак остида; 1-бириктириладиган элемент; 2-пўлат арматурадан стержень; 3-тешик; 4-паз; 5-рейка; 6-елим.

Казеин ва оқсилли елимлардан фарқли синтетик елимлар чок мустаҳкамлигини, сувга чидамлигини юқори даражада таъминлайди. Ҳозирги пайтда резорцинали, фенол-резорцинали, алкилрезорцинали, фенол синтетик елимлар қўлланилмоқда. Ёғоч конструкциялари қурилиш меъёрлари ва қоидаларига асосан елимни ҳарорат - намлик шароитини ҳисобга олган ҳолда танланади.

Эластиклик, қовушқоқлик елимли чокларда алоҳида ўрин тутади. Ёғочни металл, фанера, ёки пластмасса билан елимланганда, ҳосил бўлган чоклардаги қучланиш, чўкишдан ҳарорат таъсирида ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай ҳолларда каучукли эластик елимларни қўллашни тавсия этилади.


Нагелли бирикмалар

Нагель-немисча сўз, мих. Жипслантирувчи унсурларни ўзаро силжишига қаршилик кўрсатадиган цилиндрик ёки ясси поналар – нагел деб аталади. Жипсланувчи унсурлар ашёсининг қаттиқлиги нагелнингдан бир неча баробар кам. Шунинг учун нагеллар эгилишга, унсурлар эса эзилишга ишлашади. Ашёсига кўра нагеллар – қаттиқ ёғочлардан, шишапластиклардан, ёғочлик пластиклардан, пўлат, алюминийдан ясалган бўлади. Нагель-немисча сўз, мих. Жипслантирувчи унсурларни ўзаро силжишига қаршилик кўрсатадиган цилиндрик ёки ясси поналар – нагел деб аталади. Жипсланувчи унсурлар ашёсининг қаттиқлиги нагелнингдан бир неча баробар кам. Шунинг учун нагеллар эгилишга, унсурлар эса эзилишга ишлашади. Ашёсига кўра нагеллар – қаттиқ ёғочлардан,

шишапластиклардан, ёғочлик пластиклардан, пўлат, алюминийдан ясалган бўлади

9.4-расм. Нагелли бирикмалар

Цилиндрик нагеллар гурухига – мих, болт, бурама – мих, парчинмиҳлар, киради. Ясси поналар туркумига – гайка, шайба, шпонкалар киради. Цилиндрик пўлат нагеллар – болтлар 2мм карралиқда 12дан 24мм гача тайёрланади, қаттиқ ёғоч болтлар-4мм карралиқда 12дан 30мм гача



бажарилади. «АГ-4С» маркали шишапластик ва «ДСП-Б» маркали ёғочлик пластмассадан ясалган нагеллар кимёвий жихатдан салбий мухитда ўзларини ижобий кўрсатишга. Нагелли бирикмалар, нагелларнинг деформативлигига қараб, симметрик ва носимметрик бирикмаларга ажратилади

Нагелли бирикмалар зич бўлгани туфайли, нагел ва ёғоч кучланган ҳолатлари ўзаро яқиндан боғлиқ. Нагелнинг ҳисоби қайишқоқ ва эгилувчан тўсинникидай бажарилади. Аммо, бу ҳисоб анча мураккаблиги учун, амалда нагеллар юк кўтариш қобилияtlари содда ифодалар бўйича топилади –[I]. Жипсланувчи унсурлар эзилиши ёки нагел эгилишидаги бузилиш ҳосил бўлганда нагелли бирикма чегаравий ҳолатга тушиш мумкинлигини назарда тутиш керак: Нагелларнинг юк кўтариш қобилият ифодалари:

а) чеккадаги унсурлар эзилиши шартидан

$$T_a = K_1 \cdot a \cdot d \cdot K_{\alpha}$$

б) ўртадаги унсурлар эзилиши шартидан:

$$T_a = K_2 \cdot b \cdot d \cdot K_{\alpha}$$

в) нагел эгилиши шартидан:

$$T_a = (K_3 \cdot d^2 \cdot K_4 \cdot \alpha^2) \sqrt{K_{\alpha}} \leq K_5 \cdot d^2$$

бу ерда, K_1 , K_2 , K_3 , K_4 - ёғоч ва нагелнинг эгилиш ва эзилишга бўлган қаршиликларини эътиборга оловчи сонли коэффициентлар, [3] – дан олинади;

a, b – чекка ва ўртадаги жипсланувчи унсурлар қалинликлари;

d – нагелнинг диаметри, см;

α - бўйлаб таъсир этувчи N куч тоталарга нисбатан бурчак остида

узатилишини эътиборга олувчи коэффициент. “ α ”камияти аниқланишда михнинг учи /1,5d/ ҳисобга киритилмаслиги керак (а-1,5d).

Пластмасса нагеллар бирикмаларда қирқилиши ҳам мумкин. Бир қирқимли п/м нагелнинг юк кўтариш қобилияти

$$T_k = \pi \cdot d^2 \cdot \frac{R_k}{4}$$

бу ерда, R_k – нагел ашёсининг қирқилишга бўлган қаршилиги. Нагелли бирикманинг юк кўтариш қобилиятини ҳисоблашда нагеллар сонини ва улар қирқилиш сонини билиш керак бўлади:

$$T = T_{min} \cdot n_H \cdot n_K \geq N$$

бу ерда, T_{min} - /4/.../6/ ифодалардан топилган кемиятларнинг энг кичик миқдори;

n_H - нагеллар сони ва пк-нагеллар қирқилиши сони;

N - бўйлама зўриқиши.

Михлар шахмат тарзда, қияли ёки оддий тарзда қоқилиши мумкин, аммо яқин жойлашган михлар орасидаги масофа чекланган, негаки ёғоч дарз кетмаслиги учун: $Si \geq K \cdot d$

Болтлар эса фақат оддий тарзда қаторлаб қотирилади; цилиндрик нагелларнинг ўқлараро масофалари ёғоч толасига нисбатан ажралиб туради:

S_0 -чеккадаги нагел ўқидан ёғоч қиррасигача бўлган масофа, толаларга мувозий, яъни параллел ҳолда;

S_1 -толаларга мувозий ҳолдаги нагеллар ўзаро масофаси;

Назорат саволлари .

1.Елимли ва нагелли бирикмалар турлари .

2.Елимли бирикмалар.

3.Елимфанер тўшамалар.

4.Елимпанелларни ҳисоблаш.

5.Фанерага келтирилган қаршилик моменти .

6.Цилиндрик нагеллар .

7. Нагелларнинг юк кўтариш қобилият .

8. Пластмасса нагеллар.

9. Бирикмаларда бўйлама зўриқиши.

1.Адабиётлар -|1;2;3;4; 8;9;10;11;|

2.Интернет сайtlар -|12;13;14;15;16|

10 - МАВЗУ: ЁПМА ПАНЕЛЛАРИ ВА ТЎШАМАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ.

Режа


1.Ёғоч панеллар ва тўшамалар, ёғоч ёпмаларнинг юк кўтарувчи элементлари.

2. Ёғоч тўшамаларнинг турлари, юк остида ишлиши ва хисоби.

Таянч сўзлар:томёпма, асбестцемент, рулон кровель, решетка, панжарасимон,қия том ёпмалар, қор юкламаси, чегаравий ҳолат, зўриқиши, эгувчи, елимфанер, қутисимон, қовурғасимон, буғизляция.

1.Ёғоч панеллар ва тўшамалар, ёғоч ёпмаларнинг юк кўтарувчи элементлари.


Ёғоч тўшамалар - ёғоч тўсувчи том ёпмаларида юк кўтарувчи элемент ҳисобланади. Уларни тайёрлашга катта микдорда ёғоч сарфланади. Ёғоч тўшамаларни тўғри лойиҳалаш томёпманинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини белгилайди. Тўшамалар, иссиқ том ёпма қатламлари учун асос бўлиб хизмат қиласди. Улар асосий юк кўтарувчи конструкцияларнинг устиворлигини таъминлашда, тик ва шамол юкламаларига қаршилик кўрсатади. Тўшаманинг конструкцияси томнинг ва том ёпма иссиқлик сақлагичларнинг хусусиятларига ҳам боғлиқдир.



10.1-расм Ёғоч қопламалар варианtlари

а-иситилмайдиган; б-иситиладиган; в-асбестцемент; 1-рулон кровель; 2-иситгич; 3-тўшама; 4- асбестцемент кровель; 5-решетка.

Ёғоч тўшамалар асосан ёғочли ва елимфанерли турларга бўлинади. Ёғоч тўшамалар энг кўп тарқалган ва қўлланиладиган тўшамалардир. Уларни тайёрлашга иккинчи ва учинчи нав ёғоч материаллари ишлатилади. Шунинг учун тўшамалар нисбатан арzon туради. Уларнинг энг асосий камчилиги тайёрлаш учун меҳнат сарфининг юқорилиги ва юк кўтариш қобилиятининг пастлиги ҳисобланади. Ёғоч тўшамаларни 3 метргача узунликда ва яхлит ва панжарасимон кўринишларда тайёрланиши мумкин.




10.2-расм. Панжарасимон түшамалар

1-доска; 2-мих.

Панжарасимон түшамаларда ёғоч тахта оралиқлари энг камида 2 см оралиқ билан қўйилади.

Яхлит түшамаларни бир қатламли яхлит ва икки қатламли қилиб тайёрланади.



10.3-расм. Бир қатламли яхлит түшама

1-түшама тахтаси; 2-расослар; 3-кўндаланг ёғочлар

Кесишган түшамаларнинг биринчи қатлам тахталари оралиқларини камида 2 см очик қолдирилади ва тепасига $45-60$ градус бурчак остида ҳимоя ёғоч қатлами михланади. Бунда биринчи қатлам тахтаси асосий ишчи қатлам ҳисобланади. Ҳимоя қатламидаги тахтанинг қалинлиги камида 16 мм ни, эни эса 100 мм ни ташкил қиласи.

2. Ёғоч түшамаларнинг турлари, юқ остида ишлаши ва ҳисоби.

Ёғоч түшамалар эгилишга меъёрий ва ҳисобий тарқалган ва тўпланган юкламалар бўйича ҳисобланади .Тўшаманинг хусусий оғирлиги - иссиқлик

сақлагич, том элементлари қалинликлари ва зичликлари орқали аниқланади, ҳамда бу юкламалар тўшама юзаси бўйича текис тарқалган ҳисобланади.

Қиялиги α бурчак остида бўлган қия том ёпмалардаги тўшамалар $q_\alpha = q \cdot \cos \alpha$ юкламаларга ҳисобланади. Қор юкламасининг миқдори, қурилиш районини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Тўпланган алоҳида юкламалар сифатида, монтаж жараёнида тўшама устида одам бўлганлиги учун $1kN$ кабул қилинади. Ҳисобий юкламаларнинг қийматларини аниқлашда $\gamma=1,1$, иссиқлик сақлагич ва том учун $\gamma=1,3$ ва қор юкламаси учун $g/S < 0,8$ бўлган ҳолда $\gamma=1,6$ қабул қилинади. Кўндаланг кесимни қуидаги формулалардан фойдаланиб кўндаланг кесим ўлчамларини аниқлаш мумкин:

$$W_m = \frac{M}{R} \quad b_m = \frac{6 \cdot W_m}{h^2} \quad W = \frac{b \cdot h^2}{6}$$

b_m - талаб қилинган тахтанинг эни.


Тўшамалар биринчи ва иккинчи чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисобланади. Ҳисоблашларда асосий йифинди юклама сифатида доимий ва қор юкламалари ҳисобга олинади.

Биринчи чегаравий ҳолатда қуидаги формула ёрдамида:

$$\sigma = \frac{M}{W} \leq R_{\sigma}$$

иккинчи грух чегаравий ҳолат бўйича эса қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\frac{f}{l} = \frac{2,13}{384} \frac{q_x^h l^3}{EI} \leq \left[\frac{f}{l} \right], \text{ бу ерда } \left[\frac{f}{l} \right] = \frac{1}{150}$$



10.4-расм. Тўшамаларни ҳисоблаш схемалари: а- текис юклар схемаси; б- худди шундай, нуқтага таъсир қилувчи; в- зўриқишилар схемаси; 1- биринчи йифма юкламалар; 2- иккинчи йифма юкламалар; 3- очик тўшама токчалари; 4- ишчи тўшама тахталари.

Доимий ва қор юкламаларидан ташқари, монтаж жараёнидаги юкламалар йифиндиси бўйича ҳам ҳисобланади. Бунда хусусий оғирликдан тушадиган тенг текис тарқалган юкламалар - $q=g$ га тенг ва монтажчи одамлардан тушадиган тўпланган юклама $-P$ оралиқнинг $0,43xl$ масофасига қўйилган ҳолда ҳисобланади.

У ҳолда, максимал эгувчи момент

$$M_{\max} = 0,07g_x l^2 + 0,21P_x l$$

Агар юқоридаги эгувчи моментнинг қиймати олдинги момент қийматидан кичик бўлса, ҳисобни давом эттиришнинг ҳожати қолмайди, акс ҳолда биринчи гурух чегаравий ҳолат бўйича қўйидаги формула ёрдамида мустаҳкамликка қайта ҳисоблаш амалга оширилади:

$$\sigma = \frac{M}{W} \leq R_{\sigma}$$

бу ерда: $R_{\sigma} = m_{и.ш} \cdot R = 1,2 \cdot 13 = 15,6$ МПа, ва $R = 13$ МПа га тенг; $m_{и.ш}$ - вақтингчалик юкламаларда ишлаш шароитини ҳисобга олувчи коэффициент.

Панжарасимон тўшамалар қия томларда қийшиқ эгилиш ҳолатида ишлайди ва улар ҳам қўйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланади:

$$\sigma = \frac{M_x}{W_x} + \frac{M_y}{W_y} \leq R_{\sigma} \quad \text{ва} \quad f = \sqrt{f_x^2 + f_y^2}$$

Ҳисоблаш кенглиги сифатида 1 метр ёки битта тахтани кенглиги олинади. Агар тахта қадами 15 см дан катта бўлса ҳар бир тахтага $P=1,2$ кН юклама, агар қадами 15 см дан кичик бўлса $P \cos \alpha / 2$ юклама таъсир қилдирилади.

Икки қатламли тўшамаларни ҳисоблашда эгилишга фақат ишчи тўшама меъёрий юклама бўйича ҳисобланади, чунки қиялик бўйича тарқалган юклама қисмини тўшаманинг ҳимоя тахталари қабул қиласи. Ҳисоблаш кенглигини бунда $b=1$ м олинади. Йиғма тўпланган юкламани эса юклама 0,5 метрга тарқалади деб ҳисобланади ва ҳисобий кенглик 0,5 м бўлганлиги учун $P=1,2$ кН/0,5 = 2,4 кН қийматни олинади.


Елимфанер тўшамалар самарали ва истиқболли тўсувчи конструкцияларга киради. Плиталар доскали каркас ва унга елимланган фанералардан иборат. Уларнинг узунлиги $l=3 - 6$ м, кенглиги $b=1 - 1,5$ м бўлиб фанера листларга мос. Каркас панеллари бўйланма ва кўндаланг тахта-қовурғалар бутун, ёки елимланган бўлиши мумкин. Бўйланма тахта-қовурғалар ораси 50 см гача, кўндаланг қовурғалар ораси 1,5 м.гача бўлади, бўйланма билан кесишганда узилади. Унга чидамли қалинлиги камида 8 мм ли фанералар бириктирилади. Каркасга елимлашда фанераларнинг ёғоч толалар бўйланма тахта-қовурғалар йўналиши бўйича бўлиши керак, шунда фанера ўзининг юқори чидамлилик ва мустаҳкамлигига ишлайди. Елимфанералар тўшама, прогон, сув ва буғ изоляция вазифаларини бажаради. Улар енгил ва анча қўтарувчанлик хусусиятига эга, чидамли ва мустаҳкам. Панелларнинг хона

иチガ қараган юзасига кимёвий ишлов берилиб, ёнғинга чидамлилиги оширилади.

Елимфанер панеллар шаклига күра:

- 1).қутисимон
- 2).қовурғасимон

Елимфанер панеллар құтариб турувчи конструкцияга таянади, камида 5,5см да мих ва шуруплар билан маҳкамланади.



10.5-расм. Елимфанера панел түшамалар

а-конструкция; б-хисоблаш схемаси; 1-қутисимон; 2-қовурғали юқориси ёпилған; 3-қовурғали пасты ёпилған; 4-елим; 5-иситгич; 6-буғизляция; 7-шамоллатгич; 8-фанер бирикма; 9-бўйланма қовурға; 10-кўндаланг қовурға;

Панелларнинг биргаликдаги эгилишини таъминлаш учун четлари нагеллар билан бириктирилади, ҳар 50 см га планкалар қўйиб михланади.

Елимпанелларни хисоблаш

Эгилиш вақтида бирта маҳкамланган балканинг ўз массаси g_x ва қор оғирлигидан r_x мустаҳкамлиги ва эгилиш даражаси хисобланади. Бу икки юкланишнинг йиғиндиси ҳисобий эгиш моментини ташкил этади, кўндаланг кучлар ва максимал эгилиш.

Юқорги қоплама $P=1\cdot1,2=1,2$ кН таъсир кучлардан маҳаллий эгилишга ҳам текширилади, 1 м кенгликда қовурғага қанчалик маҳкамланганлиги.

Фанера қопламалар ва кўндаланг қовурғалар елим бирикмалар маҳкамлиги ҳисобига биргаликда туради.

Кутисимон панел кесими шартли равища двутавр, қовурғасимонлар-тавр токчалари юкорига, ёки пастка дейилади.

Бунда девор қалинлиги қовурғалар қалинлиги йиғиндисига ($b_{ct} = \Sigma b_{peb}$) тенг, қопламаларнинг ҳисобий кенглиги

$$b_{pac} = 0,9b, l=ba \text{ да,}$$

$$b_{pac} = 0,9 \frac{l}{a} b, l < ba \text{ да, бу ерда}$$

b – панел кесимининг түлиқ кенглиги;

l – панел пролети;

a – бўйланма қовурғалар ўқлари орасидаги масофа.

Ёғочнинг эластик модели E_d и фанералар E_ϕ ни ҳар хил катталиклари ҳисобга олинган ҳолда панел кесими геометрик таснифи аниқланади. Натижада кесимининг келтирилган геометрик таснифи аниқланади. Кучланиш аниқланадиган материалга нисбатан бажарилади.

Фанерага келтирилган кесим юзаси:

$$F_{np.\phi.} = F_\phi + F_\partial \frac{E_\partial}{E_\phi}$$

Фанерага келтирилган инерция моменти:

$$I_{np.\phi.} = I_\phi + I_\partial \frac{E_\partial}{E_\phi}$$

Фанерага келтирилган қаршилик моменти:

$$W_{np.\phi.} = \frac{I_{np.\phi.}}{Z_\phi},$$

Бу ерда Z_ϕ – фанера қопламада ҳисобий кесим оғирлик марказигача бўлган масофа, бир хил юкорги ва патки қопламали кутисимон панеллар учун:

$$Z_a = \frac{h}{2}.$$

$$\text{Умумий ҳолда } Z_a = \frac{S_{np.\phi.}}{F_{np.\phi.}}.$$

Елимфанера панеллар кесимини танлаш учун ҳар хил кесим текширилади, чидамлилиги ва эгилиши аниқланади.

Елимфанераларни ҳисоблашда қўйидаги ишлар бажарилади:

1) чўзилган қоплама чидамлиликка:

$$\sigma = \frac{M}{W_{np.\phi.}} \leq k_a R_{\phi p},$$

Бу ерда:

M – ҳисобий эгувчи момент;

$W_{np.\phi.}$ – фанерага келтирилган қаршилик моменти;

$R_{\phi p}$ – фанеранинг чўзилишга ҳисобий қаршилиги;

$k_a = 0,6$ фанера маркаси ФСФ учун (0,8–бакелизирован фанералар учун) – бирикиш кесимнинг кучсизланишини ҳисобига коэффициент,

2) қисилган қоплама турғунликка:

$$\sigma_c = \frac{M}{W_{np.\phi} \cdot \phi} \leq R_{\phi c},$$

ϕ – бўйланма эгилиш коэффициенти

$$\phi = \frac{1250}{(a/\delta)^2}, \quad a/\delta \geq 50 \text{ да},$$

$$\phi = 1 - \frac{(a/\delta)^2}{5000}, \quad a/\delta < 50 \text{ да},$$

a – қовурғалар оралиғи,

δ – фанера қалинлиги.

3) $P=1,2$ кН кучдан юқорги қопламанинг маҳаллий эгилиши:

$$\sigma_u = \frac{M_{\max}}{W_a} \leq R_{\phi u}, \quad \text{Бу ерда}$$

$$M_{\max} = \frac{Pa}{8}.$$

4) елим чоки бўйича силжиш (қовурғаларни қопламага елимланган жойларида)

$$\tau = \frac{QS_{np.\phi.}}{I_{np.\phi.} b_{ct}} \leq R_{\phi ck}, \quad \text{Бу ерда:}$$

b_{ct} – каркас қовурғалари энинг йифиндиси;

$R_{\phi ck}$ – фанеранинг силжишга ҳисобий қаршилиги.

5) эгилиш бўйича:

$$\frac{f}{l} = \frac{5}{384} \frac{q'' l_p^3}{0,7 E_\phi I_{np.\phi.}} \leq \left[\frac{f}{l} \right], \quad \left[\frac{f}{l} \right] = \frac{1}{250}.$$

Елимфанера деворлар вертикал юкланиш ва ўз массасидан эгилишга ҳисобланади.

$$\text{Бўйланма эгилиш} = \frac{1}{250} l.$$

Ёғоч том ёпма конструкциялар. Айрим ҳолларда техник иқтисодий анализ ёғоч конструкцияларни қўллаш юқори унумдорликни беришини кўрсатади. Қатор агрессив муҳитли ишлаб чиқариш цехларида, омборларда, устахоналарда, автосарой ва бошқаларда том ёпмалар чиришдан ва ёнғиндан замонавий воситалар билан ҳимояланади.

Елимланган ёғоч ва елимланган фанер конструкциялар қурилиш таннархини камайтиради ва бинони узоқ муддат хизмат қилишини таъминлайди.

Чет эл амалиёти хам кўпгина бино ва иншоотларда елимланган юк кўтарувчи хар хил кесим юзали тўсинларни, фермаларни ва бундан ташқари 100 м қулочли арка ва рамаларни қўллаш юқори унумдорлик беришини тасдиклайди.

Ҳозирги замон саноат қурилишида том ёпмалар учун сиқилишга ишлайдиган қисмлари ёғочдан, чўзилишга ишлайдиган қисмлари эса металлдан тайёрланган ёғоч металли фермалардан фойдаланилмоқда.

Назорат саволлари

1. Ёғоч панеллар
 2. Ёғоч тұшамалар томёпма елимфанерлар
 3. Панжарасимон тұшамалар
 4. Тұшамаларни ҳисоблаш схемалари
 5. Доимий ва қор юкламалари
 6. Елимфанер тұшамалар
 7. Елимфанер панеллар шакллари.
 8. Елимпанелларни ҳисоблаш
 9. Елимфанераларни ҳисоблашда бажариладиган ишлар
 10. Ёғоч том ёпма конструкциялар
- 1.Адабиётлар -|1;2;3;4; 8;9;10;11;|**
- 2.Интернет сайтлар -|12;13;14;15;16|**

11-МАВЗУ. ЁГОЧ УСТУНЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ.

Режа

1. Ёғоч устунларининг турлари: яхлит ёғочли, елим ёғочли, таркибли ва панжарали.

2. Ёғоч устунларининг кесимлари, асосий күрсаткичлари, құлланилиш соҳаси, устуннинг пойдеворга бирикиши, кесим юзасини танлаш ва уни мустахкамлик ва устуворликка ҳисоблаш.

Таянч сўзлар: арк, ферма, пойдевор, сиқилиш, сиқилиш-эгилиш, стержень, рама, яхлит, таркибли, елимланган, панжарасимон, тагсинч, сорров, тирнок, кесим, елимфанера, брус, түртбурчак, учбурчак, нетто, ригел, шарнир, узел.

1. Ёғоч устунларининг турлари: яхлит ёғочли, елим ёғочли, таркибли ва панжарали.

Тўсинлар, арк қопламалар, фермалар юкланишлари пойдеворга устунлар орқали узатилади. Ёғоч конструкцияли биноларда ёғоч устунлар қўйилгани маъкул, баъзан темирбетон ёки темир конструкцияли устунлар қўйилсада.

Ёғоч устунлар пойдевор таяниб, сиқилишга ёки сиқилиш-эгилишга ишлайдиган кўтариб турувчи конструкцияга киради. Устунлар стержень кўринишида бўлиб, бир ёки бир неча ёпма орали қаттиқ бириктирилган рамаларни кўтариб туради. Конструкциясига кўра ёғоч устунлар яхлит, таркибли, елимланган ва панжарасимон турларга бўлинади.


Устунлар учун ишлатиладиган ёғочлар чоркирра булиши шарт эмас, лекин эшик ва деразалар махкамлаш учун чоркирралар қулайлигини инкор этиб булмайди. Устуннинг баландлигини белгилаётганда тагсинч ва сорровдан хосил булган кушимча, остки ва устки тирнок учун камаювчи узунликни эътиборга олиш керак. Туар жой бинолари учун шифт баланлиги 3.2 -4. м гача кабул килинади. Одатда хоналар сатхи кичик (томонлари 3-4м) булса, шифт баландлиги пастрок олиниши максадга мувофик, акс холда хона ичи кудукка ухшаб колади. Агар хона катта булиб (10-12м), шифти паст (3-3.5м) олинса, у холда том босиб тушаётган таъсуроти сезилади. Устуннинг йугонлиги баландлигига караб 8-15см олинса, у холда том босиб тушаётган таъсуроти

сезилади. Устуннинг йугонлиги баландлигига караб 8-15 см олиниши мумкин. Бурчакларга куйиладиган устунлар тугри чизикли, бакувват булишлари керак. Устунларда буйлама улок булмагани яхши. Юкори ва куйи кисмидаги тирноклар тешик шаклига караб туртбурчак ва думалок шаклда ясалади. Тирнокнинг кириш чукурлиги сорров ва тагсинчларнинг улоги бор жойларда уларнинг йигма калинлигига тенг булиши, бошка жойларда, калинликнинг 1/3 - 1/2 кисмига тенг булиши кифоя.


Ёғоч устунлар яхлит, таркибли, елимланган ва панжарасимон турларга бўлинади.

Елимланган устунлар

Елимтахталар ёки елимфанера устунлар заводларда ишлаб чиқарилади. Уларнинг кўндаланг кесимлари чекланмайди ва турлича бўлиши мумкин. Кўндаланг кесим кўринишлари ўзгармас тўғри бурчакли, квадрат, узунлиги бўйича кўндаланг кесими ўзгарувчан ва ўзгармас бўлиши мумкин



11.1- расм. Елимланган ёғоч устунлар: а - ўзгармас квадрат кесимли; б - ўзгармас тўғри тўртбурчак кесимли; в - ўзгарувчан тўғри тўртбурчак кесимли.



2-расм. Елимфанера устунлар

Елимфанера устунлар кўндаланг кесими катта, баладлиги 8-10 м гача бўлади. Улар 2 ва 3 навли ёғочдан тайёрланади. Афзаллиги: саноат усулда тайёрланади, транспортировка и монтаж оддий.


Яхлит ёғочли устунлар

Яхлит ёғочли устунлар - түрткүрра брус, қалин тахта, думалоқ ёки қирралари кантланган кесимли бўлиши мумкин. Улар том ёпмаларда, айвонларда, кичик ишчи майдонларда, платформаларда, ёғоч тўсиқ девор синч элементларида, таркибли конструкцияларда, электр узатиш таянчларида ва алоқа конструкцияларида қўлланилади.

Яхлит ёғоч устунлар қўндаланг кесимининг ўлчамлари максимал 275 x 275 мм ни, узунлиги эса 6500 мм ни ташкил этади, яъни чекланган. Айрим ҳолларда. Тортқичли арканинг таянч бурчаклари узунлиги 9000 мм ли ёғоч устунлар алоқа чизиги таянчлари учун буюртма асосида келтирилади.

Куйидаги турларга бўлинади:

1.Битта брус ёки ёғочдан




11.2- расм.. Битта брус ёки ёғочдан


Бундай бруслар унча катта бўлмаган кўтариш хусусиятига эга. Унинг ўлчамлари

Ёғоч материал ўлчамлари билан чекланган. Бундай устунлар пойдевога шарнир таянади.

2.Бир неча брус ёки тахталардан иборат устунлар болтлар ёки боғловчилар билан биректирилган бўлади.



11.3- расм. Бир неча брус ёки ёғочлардан иборат устунлар а-яхлит; б-ораси зичлагичли: 1-брұслар; 2-болтлар; 3-зичлагичлар.



11.4- расм. Бир неча таҳталардан иборат устунлар


Бир неча таҳталардан иборат устунлар ўлчамлари ёғоч материал ўлчамлари билан чекланган, лекин кўтариш қобилияти бир кесимлига нисбатан анча юқори.

Бу устунларни бириктирадиган (болтлар, михлар, шпонкалар)устунларнинг эгилувчанлигини оширади, буни лойиҳалашда ҳисобга олиш зарур.


Панжарасимон устунлар

Панжарасимон устунлар - ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари том ёпма деворларида юк кўтарувчи таянч конструкцияси сифатида қўлланилади. Уларнинг баландлиги 10 метр ва ундан ҳам юқори бўлиши мумкин. Тўғри тўртбурчакли устуннинг кўндаланг кесим юзаси баландлиги (1...6)l дан кичик бўлмаслиги керак Панжарасимон устун белбоғлари бир ёки икки элементли бўлиши мумкин. Устун тугунлари болт ёрдамида маҳкамланади. Панжарасимон устунлар вертикал ташқи юклама, горизонтал шамол босими, устуннинг хусусий оғирлигини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади.

Ушбу турдаги устунлар худди консол фермалар каби ишлайди. Устун стерженларидаги бўйлама зўриқишлиарни қурилиш механикаси услублари ёрдамида ёки график усулда - Максвелл-Кремон диаграммаси ёрдамида аниқлаш мумкин. Зўриқишлиар қийматларига қараб стерженнинг кўндаланг кесим ўлчамлари аниқланади.



11.5- расм. Панжарасимон устунлар: а - тўғри тўртбурчакли; б - учбурчакли;



11.6- расм. Панжарасимон устунлар кесими
а-икки тармоқли панжара; б-бир тармоқли панжара;

2.Ёғоч устунларининг кесимлари, асосий кўрсаткичлари, қўлланилиш соҳаси, устуннинг пойдеворга бирикиши, кесим юзасини танлаш ва уни мустахкамлик ва устуворликка хисоблаш.

Устунлардаги кучни хисоблашда устунларга қўйилган юкланишлар хисобга олинади.

Ўрта устунлар

Бино каркасининг ўрта устунлари марказий сиқилишга ишлайди ва хисобланади. Сиқувчи куч N барча қоплама конструкцияси оғирлигидан (G) ва қор оғирлигидан юкланишлар (P_{CH}).



11.7- расм. Ўрта устунга юкланишлар
Ўрта устунлар марказий сиқилишга хисобланади:

а) мустаҳкамликка

$$\frac{N}{F_{HT}} \leq R_c ,$$

Бу ерда R_c –тола бўйича қисувчи ёғочнинг хисобий қаршилиги;

F_{HT} – элемент кўндаланг кесими нетто майдони.


б) турғунликка

$$\frac{N}{\varphi \cdot F_{\text{расч}}} \leq R_c,$$

Бу ерда φ – күндаланг кесим коэффициенти;


$F_{\text{расч}}$ – элемент күндаланг кесими ҳисобий майдони;

План бўйича бир ўрта устунга тўғри келадиган қоплама майдони юкламалари йиғилади (S_{cp})




11.8- расм. Чекка ва ўрта устунларнинг юк майдони

1-1



11.9- расм. Чекка устунлар

Чекка устунлар S_{cp} майдонидан йиғилган устун ўқига нисбатан бўйланма (G и P_{ch}) ва күндаланг P_1 , P_2 и X юкланишлар таъсирида бўлади. Бундан ташқари шамол таъсирида бўйланма P_B



11.10- расм. Чекка устунга юкланиш

G – Қоплама конструкцияси оғирлигидан юкланиш;

P_{CH} – қор қопламаси оғирлигидан юкланиш;


P_B – вертикал шамол юкланиш;

P_1 - чапдан шамол юкланиш (босим)

P_2 – ўнгдан шамол юкланиш (сўриш);

X -устунга ригель бириктирилган нуқтага қўйилган горизонтал куч

Бир ёпмаора рама устуни пойдеворга қаттиқ бириктирилганда:



11.11- расм. Устун пойдеворга қаттиқ бириктирилган.

$$X = \pm [0.188 \cdot l \cdot (p_1 - p_2) + 0.5 \cdot (W_1 - W_2)]$$


Бу ерда: W_1, W_2 – устунга ригель бириктирилган нуқтага қўйилган горизонтал шамол юкланишлар, мос равишда чапдан ва ўнгдан

$$W_1 = p_1 \cdot h_{\text{оп}} \quad W_2 = p_2 \cdot h_{\text{оп}}$$

Бу ерда: $h_{\text{оп}}$ – ригел ёки балка таянч кесими баландлиги

Агар $h_{\text{оп}}$ миқдори катта бўлса W_1 ва W_2 кучлар таъсири ҳам катта бўлади.

Бир ораёма рама устуни пойдеворга шарнирли бириктирилган ҳол учун.



11.12- расм. Бир ораёпма рама устуни пойдеворга шарнирли бириктирилган
 $x = [0.313l \cdot (p_1 - p_2) + 0.5(w_1 - w_2)]$

Күп ораёпма рамалар устуни пойдеворга шарнирли бириктирилган ҳол учун чапдан шамолда p_2 ва w_2 , чапдан шамолда p_1 и w_1 лар нулга тенг.

Чекка устунлар сиқилиш-эгилишга ҳам ҳисобланади. Бўйланма куч N ва эгувчи момент M қийматлари энг катта сиқувчи куч юзага келадиган кесим учун ҳисобланади. Эксцентриситет тенг:

$$e = \frac{h - h_B}{2}$$



11.13- расм. Эксцентриситетни аниқлаш схемаси.

Куйидаги биргалиқдаги юкланишларда тах га аниқлаш тавсия этилади.

- 1) $0.9(G + P_c + \text{чапдан шамол})$
- 2) $0.9(G + P_c + \text{ўнгдан шамол})$

3) $G + P_c$

Рама такибига киравчи устун учун максимал эгувчи момент олинади, чап шамол $M_{\text{л}}$ ва ўнг шамол $M_{\text{пр}}$ ҳол учун ҳисобланган.

$$M_{\text{л}} = 0.5p_1 l^2 - Xl - Ne$$

$$M_{\text{пр}} = -0.5p_2 l^2 - Xl - Ne,$$

Бу ерда: e – бўйланма куч N эксцентриситети, G , P_c , P_b юкланишларнинг энг нокўлай бирикиш ҳолатида.

Устун баландликларида кесим юэаси ўзгармас бўлганда эксцентриситет нулга тенг ($e = 0$), ўзгарса таянч кесим ўқидан, бўйланма куч қўйилган ўққача масофалар фарқи.

Чекка устунларни сиқилиш чўзилишга ҳисоблаш.

а) мустаҳкамлика.


$$\sigma_c = \frac{N}{F_{\text{расч}}} + \frac{M_d}{W_{\text{расч}}} \leq R_c$$

б) турғунликка

$$\sigma_c = \frac{N}{\varphi R_c F_{\text{бп}}} + \left(\frac{M_d}{\varphi_m R_u W_{\text{бп}}} \right)^n \leq 1$$

Устун узеллари

Юқорги узелда, яъни устунга қопламани кўтариб турувчи конструкция таянган жойда устун тола бўйланмаси бўйича эзилишга ишлади.




11.14- расм. Балканинг устунга таяниш узели

Бу узелни бошқа турдаги устунлар учун ҳам қўллаш мумкин.

Таянч узел

Устунлар пойдеворга маҳкамланган пўлат тагликка боллар билан ўрнатилади. Боллар диаметри, сони конструктив аниқланади. Сиқилиш-эгилишга ишлайдиган узел устунга қаттиқ маҳкамлаган бўлади. Узел бўйланма куч N ва эгувчи момент M таъсирида бўлади.



11.15- расм. Устуннинг пойдеворга таяниш узели

Устунни биректирувчи элементларда энг катта чўзилиш кучи N_p ни келтириб чиқарадиган биргаликдаги таъсиридаги юкланишларда таянчга маҳкамлаш ҳисобланади.

$$N_p = -\frac{N}{2} + \frac{M}{\xi e}$$

N ва M таянч кесимида бўйланма куч ва эгувчи момент.

$$\xi = 1 - \frac{\lambda^2}{3000} + \frac{N}{R_c F_{bp}}$$

λ_n , ξ - кўндаланг куч таъсирида қўшимча эгувчи моментни ҳисобга олувчи $e - N_p$ ва N_e кучлар елкаси.

N_p нинг энг катта қиймати бўйича устуннинг бир томонида жойлашадиган болтлар сони ҳисобланади.

Куч N таъсирида устун толаси бўйланма эзилишга ишлайди

Назорат саволлари

1. Ёғоч устунларининг турлари
2. Яхлит ёғочли устунлар, елим ёғочли, таркибли ва панжарали.
3. Ёғоч устунларининг кесимлари, асосий кўрсаткичлари, қўлланилиш соҳаси,
4. Устуннинг пойдеворга бирикиши,
5. Кесим юзасини танлаш ва уни мустахкамлик ва устуворликка ҳисоблаш.
6. Елимтахталар ёки елимфанера устунлар
 7. Елимланган ёғоч устунлар
 8. Елимфанера устунлар
 9. Яхлит ёғочли устунлар
 10. Бир неча бруслардан иборат устунлар
 11. Бир неча тахталардан иборат устунлар
 12. Панжарасимон устунлар
 13. Ўрта устунлар марказий сиқилишга ҳисоблаш.
 14. Чекка устунга юкланиш
 15. Устун узеллари
 16. Устуннинг пойдеворга таяниш узели

- 1.Адабиётлар -|1;2;3;4; 8;9;10;11;|**
- 2.Интернет сайтлар -|12;13;14;15;16|**

12 - МАВЗУ: ЁФОЧ ТЎСИНЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ.

Режа

1.Ёфоч тўсинларининг тури ва тузилиши: яхлит ёғочдан, елимланган ёғочдан, елимланган фанерадан ва йиғма.

2.Ёфоч тўсинларининг шакли ва кесими, асосий кўрсаткичлари, қўлланиш соҳалари.

Таянч сўзлар: бикр, деформация, эгилиш, қадам, сарров, тагсинч, тортқи, кучланиш, мустаҳкамлик, фанера, кесим, тахтаелим, двутавр, ораёпма, эпоксид-цемент.

1.Ёфоч тўсинларининг тури ва тузилиши: яхлит ёғочдан, елимланган ёғочдан, елимланган фанерадан ва йиғма.

Кўп ёфоч конструкциялар (тўсинлар, аркалар, рамалар) таркибли қилиб тайёрланади. Алоҳида-алоҳида бўлган элементлар бир-бири билан боғловчилар ёрдамида бириктирилади. Боғловчилар бикр бўлиши ёки деформацияланишга мойил бўлиши мумкин. Деформацияланишга мойиллик йиғма конструкцияларни ишлаш ҳолатини ёмонлаштиради. Шунинг учун йиғма конструкцияларни ҳисоблагандан ва лойиҳалаштирилганда, бириктираётган боғловчиларни деформацияланишга мойиллигини эътиборга олиш керак бўлади.

Тўсинлар синчлар билан биргаликда фазовий курилма ҳосил килади: тўсинлар асосан, тўшамадаги (такта қалқон, иситгич, лумбоз-коврель, жиҳоз ва том оғирлиги) юкларни қабул қилиб, эгилишга ишлайди. Уларнинг узунликлари бинонинг (хонанинг) қисқа девори йўналишида аникланиб, таянч учун қушимча узунлик билан олинади. Кесим юзаси думалок ва чорқирра бўлиб қалинлиги (таянч оралиғига ва ҳисоблаш натижаларига қараб) 12-15 см қабул қилинади. Тўсинлар қадами 0.6-1 м олинади. Одатда, тўсин устига ишлатиладиган тўшама тахтаси 25-30 мм қалинликда бўлиб, у бир томони ғула тахта бўлиши (горбиль) ҳам мумкин.

Тўшама устига буғдан сақлаш учун парда ёки мумқоғоз тўшама қўйишдан олдин тўшама бикрлигини ҳосил килувчи боғловчилар қоқилиши керак(42-расм) Иситгич қатlam сифатида сомонли лумбоз ишлатилиши мумкин. Қаватлараро тўшамада эса ғовоқ-шағал (керамзит), минерал пахта қўлланиши мумкин, улар тўшама ва иситгич тўсинлар орасига жойлаштирилади.

Синч ҳосил қилган ферма тугунлари ва унсурлари фақат бир шарт билан-юкоридан босиб турувчи куч мавжудлигидангина ишлайди. Ҳозирги замон енгил тўшама ва иситгичлари етарли босим ҳосил қилмаслиги мумкин. У ҳолда сарров ва тагсинчлар тортқилар билан томонига мурват изи очилган пўлат ўзак ёки йўғонлиги 6мм ли пўлат сим ишлатилиши мумкин. Агар тортқи қўшсимдан иборат бўлса, уни сарров ва тагсинчлардан ошириб ўтказиб, бирга эшиб қўйиш мумкин.

Думалоқ пўлатлар учун сарров ва тагсинчларда тешик очиш зарур, бунда тортки кучи гайкани бураш ҳисобига ҳосил қилинади. Девор уришга халақит бермаслиги учун тортқиларни устунларга ёнма-ён жойлаштириш қўлай.

Елимланган ёғоч тўсинлар - сувга чидамли синтетик елим билан тахталарни

Елимлаш орқали завод шароитида қарағай ёки қора қарағай ёғочларидан тайёрланади. Қўллаш оралиғининг энг мақбул қиймати-24 метргача. Хорижий мамлакатларда 30 метргача бўлган оралиқларда ҳам елимланган ёғоч тўсинлар қўлланилган ҳолатлари мавжуд.

Бу тўсинларнинг энини камида $(1/6)h$ (кўп ҳолларда энини кўпи билан 16,5 см олинади, бу ўз навбатидан тўсин энини бутун ёғочдан тайёрлаш имкониятини беради), кўндаланг кесим баландлиги-эса $h=(1/10...1/15)m$ оралиқларда олинади (Ітўсин узунлиги). Елимланадиган тахталарни қалинлиги кўпи билан 44 мм гача бўлиши мумкин. Елимланган ёғоч тўсинларнинг кўндаланг кесимлари қўштавр ёки рельссимон қўринишларда бўлиши мумкин. Елимланган ёғоч тўсинларни икки томони шарнирга таянган оддий тўсин каби ҳисобланади. Бунда ўзининг хусусий оғирлиги ва тўсинга юқорисидан тушадиган барча юкламаларни ҳисобга олинади. У ҳолда, нормал кучланишлар бўйича тўсиннинг мустаҳкамлиги қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\sigma = M / W \leq R_{\varphi} m_{\delta} m_{u..}$$

бу ерда: t_{δ} - кўндаланг кесимнинг баландлиги қийматини ўзгариши ҳисобига мустаҳкамликни ўзгаришини ҳисобга оладиган коэффициент; $m_{u..}$ - елимланадиган ёғочларнинг қалинлиги ҳисобига мустаҳкамликни ўзгаришини ҳисобга оладиган коэффициент.

m_{δ} - коэффициентни қиймати 1 дан 0,8 гача ўзгаради; уларнинг қийматлари қўйидаги жадвалларда келтирилган.

1-жадвал. m_{δ} -кесимни баландлигига боғлиқ бўлган коэффициент

h	50 ва ундан кичик	60	70	80	100	120 ва ундан катта
m_{δ}	1	0,96	0,93	0,9	0,85	0,8

2-жадвал. $m_{u..}$ –тўсинни ишлаш шарои тига боғлиқ бўйланган коэффициент

Тахтақалинлиги	19	26	39	42
$m_{u..}$	1,1	1,05	1	0,95

Елимланган фанерали тўсинлар - фанера девор, ёғоч белбоғ ва қобирғалардан ташкил топади. Елимланган фанерли тўсинлар икки турга бўлинади: қобирғали ва тўлқинсимон деворли

Елимланган фанерли тўсинларнинг устиворлигини таъминлаш, икки йўл билан амалга оширилади; деворига қобирғалар қўйилади ёки девори тўлқинсимон қилиб тайёрланади.

Юқоридаги тўсинлардан ташқари елимланган арматурали тўсинлар ва таркибли тўсинлардан ҳам курилишда фойдаланилади. Уларни тайёрлаш қийин бўлганлиги ва иқтисодий жихатдан қиммат бўлганлиги учун жуда кам қўлланилади.

Елим тўсинлар. Ёғоч сортаменти чекланганлиги туфайли бм дан ортиқ оралиқларни яхлит ёғоч тўсинлар билан ёпишга имкон бермайди ва катта юклар таъсирида зарур бўлган кўндаланг кесимни яхлит ёғочдан танлаш иложи йўқ.

Яхлит кесимли ёғоч тўсинлар кўп камчиликларга эга, брус ва ходалардан ясалган тўсинлар эса сарф-харажат бўйича тежамсиз бўлишади, таркибий тўсинларга кўра. Таркибий тўсинлар, яхлит тўсинларга қараганда, кўндаланг кесими ва узунлиги майдароқ унсурлардан, нави пастроқ ва қимматсизроқ (жинси) ёғоч турларидан, фанера, синтетик ва бошқа т(ўсиннинг юк кўтарувчанигини кўпайтирувчи) ашёлардан тайёрлашади. Конструкцион пластмассалардан, масалан шишапластиқдан ясалган тўсинлар истисно тарзда қўлланилади. Сабаби уларнинг катта деформативлиги ва тежамсизлигига. Заводда ишлаб чиқарилувчи тўсинлардан фойдаланиш тавсия этилади. Завод шароитида ясалмаган тўсинлар қўлланилиши серўрмонли вилоятларда, қурилиш хажми кичикилигига, вақтинча хизмат қиласидиган бино ва иншоотларда ўзини оқлаши мумкин.

Хозирги даврда қишлоқ хўжалиги ва фуқаро қурилишларида елимланган ва елимфанер тўсинларни қўллаш кенг тарқалди, бўларни туман марказидан узоқда, салбий ва сернам мухитда қўлланилиши самара беради. Елимли, ўзакли ва елимфанер тўсинлар турар жой ва маъмурий биноларнинг қаватлараро ва чордок ёпмаларида, корхона бинолари, омбоорхона, қишлоқ хўжалик бинолари томини ёпишда ва автомобиль юра оладиган кўприкларда, ёпиқ йўлаклардан юк ўтказгич (транспорт галерея ва эстакада) ларда кенг қўлланилади.

Кўп қатламли тўсинлар нишабсиз, икки нишабли, пасти ёйсимон қилиб тайёрланадилар. Күштавр кесимли тўсинлар токчакларининг қалинлиги ўртача $h/6$ бўлганда ёғоч тахта анча тежалади, тўғри тўрт бурчак кесимли тўсинлар осон тайёрланади ва елим чоклари яхши жипслашади.

Тахта ва фанераларда синтетик елимда елимлаб тайёрланган тўсинлар заводда тайёрланадиган таркибий тўсинларнинг асосий тури ҳисобланади.

Таркибий елим тўсинларнинг ўлчами ва кесим шакли амалда материал ва фанера навидан қатъий назар ҳар қандай бўлиши мумкин. Елим ёғочлар ва фанералар чиришга ва ёнғинга бутун ёғочга нисбатан чидамли. Қаттиқ ва елим бирикмаларнинг намланишга чидамлилиги тўсинларнинг монолитлигини таъминлайди.

Мавжуд елим тўсинларни асосан икки гурухга бўлиш мумкин:

- 1) тахтаелим тўсинлар, бир-бирга елимланган тахталардан иборат;
- 2) елимфанер тўсинлар, иккита тахта белбоғдан иборат бўлиб, унга сув ўтказмайдиган белбоғлар елимланган бўлади.


Тахтаелим тўсинлар бинолар қопламаларининг кўтариб туриш учун қўлланилади, бундан ташқари узайтириш (прогон), ораёпма, кўприк ва бошқа иншоотларда ишлатилади.

Чет давлатларда 30 м.гача ораёпма қопламаларда тахтаелим тўсинлардан самарали фойдаланиётган ҳолларга мисоллар бор.

2. Ёғоч түсінларнинг шакли ва кесими, асосий күрсаткичлари, күлланиш соҳалари.

Тахтаелим түсінлар қуидагида бўлиши мумкин:


- 1) ўзгармас баландликдаги бир қияликлекли;



12.1-расм. Ўзгармас баландликдаги бир қияликлекли түсин


2) икки қияликлекли ўзгарувчан кесимли, бунда h_0 камида $0.4h$, бу ерда h_0 – таянчда түсин баландлиги h – ораёпма ўртасининг баландлиги.

- 3) синик, икки тўғри чизикли элементлардан иборат;



12.2-расм. Синик түсин, икки тўғри чизикли элементлардан иборат


- 4) эгилган;



12.3-расм. Ўзгарувчан ва ўзгармас кесимли эгилган түсінлар.

Түсінлар қалинлиги кўпи билан 42 мм. ли (эгилгани учун кўпи билан 33 мм) тахталардан селимланади. Тахтаелим түсінлар кесими кўпинча 17 см гача қилиб тайёрланади, кенглиги бир бутун тахталардан тайёрлаш имконини

беради. Кенглиги катта тўсинлар бир-бирига елимланиб тайёрланади, бу тайёрлашда меҳнат ҳажмини оширади. Тўсинларнинг кўндаланг кесими ҳар хил шаклда шаклда бўлиши мумкин. Кесимларнинг традицион шакли тўртбурчак, камдан-кам двутавр ёки тавр (булар тайёрлашда нотехнологик) кўринишда бўлади.




12.4-расм. Тахтаелим тўсинлар кесимининг турлари

Тўсин баландлиги (h) $h=(1/8...1/12)l$ атрофида қабул қилинади

Тўсинлар туғунлигини таъминлаш учун тўсин баландлигининг энига нисбати кўпи билан $h/b \leq 6$ бўлиши керак, агар бу нисбат катта бўлса умумий турғунликка текширилади.

Тўсиннинг кучланиш катта бўлган пастки ва юқори қисмларига ёғочнинг энг сифатлилари жойлаштирилади.



12.5-расм. Тўсинда тахталарнинг жойлашуви.

Қопламаларнинг тахтаелим тўсинларини ҳисоблаш.

Кўпинча ҳисоблаш бир ораёпма тўсин схемасида текис юкланиш қоплама массаси, қор массаси учун бажарилади.

Тахтаелим тўсинлар ҳисоби бутун кесимли тўсинлардек бажарилади.

Эгилишга асосий ҳисобий қаршилик қарағай (сосна) учун қуйидагича қабул қилинади:

1 нав $R_u=14$ МПа

2 нав $R_u=13$ МПа

3 нав $R_u=8.5$ МПа

Тахтаелим тўсинларни ҳисоблашда қуйидаги текширувлар бажарилади:

1.Нормал кучланиш бўйича мустаҳкамликка текшириш.

$$\sigma_u = \frac{M}{W_{\text{нт}} \cdot m_\delta \cdot m_\phi} \leq R_u$$

Бу ерда қаршилик моментига коэффициентлар киритилген:

m_δ –иш шароити коэффициенти, түснининг кўндаланг кесим ўлчамларининг кўтариб туриш қобилиятига таъсирини ҳисобига олади. СНиП II-25-80 кесим баландлиги h га боғлиқ берилган.

$h=70$ см $\rightarrow m_\delta=1$,

$h<70$ см $\rightarrow m_\delta >1$,

$h>70$ см $\rightarrow m_\delta <1$;

m_ϕ – шакл коэффициенти, тўғри чизиқли кесимли түснинлар учун $m_\phi = 1$, двутаврларники Г. Г. Карлсен дарслигига бор, ширина кенглигини белбоғ кенглиги нисбати.

Тўсин узунлиги бўйича кесимларда нормал кучланиш ҳар хил, максимуми олинади. Бу кесим қўйидаги формуладан аниқланади.

$$\sigma_u = \frac{M_x}{W_x}$$

Ўзгарувчан кесимли икки қиялик тўсинда юкланиш текис тақсимланганда:


$$X = \frac{l h_{\text{оп}}}{2h},$$

Бу ерда: $h_{\text{оп}}$ – таянч кесим баландлиги,

h – ораёпма тўсин ўртасида кесим баландлиги.

Бу ҳолда эгувчи момент:

$$M = \frac{qx}{2}(l - x)$$



12.6-расм. Эгувчи момент M нинг эпюри

Эгикелим тўсинларда қўшимча равишда эгилган зонада чўзилишга кучланиш ҳам текширилади.

2. Турғунликка ҳисоблаш, ясси шакл эгулувчи элементлар деформацияланишини текшириш.

$$\sigma_u = \frac{M}{\varphi_m W_{\delta p} \cdot m_\delta \cdot m_\Phi} \leq R_u,$$

Бу ерда М-күриладиган участкада максимал эгувчи момент.

m_δ ва m_Φ –балка коэффициенти ва шакл коэффициенти (худди чидамлиликка ҳисоблашдагидек қабул қилинади)

3. Кесимда максимал кўндаланг куч билан тўдалавчи кучланиш бўйича мустаҳкамликка Журавский формуласида текшириш.

$$\tau = \frac{Q S_{\delta p}}{J_{\delta p} b} \leq R_{ck},$$

Бу ерда: Q-кўндаланг куч; $S_{\delta p}$ -статик момент, текширилайдиган чокдан пастда ёки юқорида жойлашган кесим ўқига нисбатан. J -кесим инерция

4. Эгилиш бўйича ҳисоблаш.

СНиП II-25-80 да шарнир-кўзголмас тўсинда энг катта эгилишни аниқлаш формуласи:

$$f = \frac{f_0}{k} \left[1 + c \left(\frac{h}{l} \right)^2 \right],$$

Бу ерда f_0 – h баландликли доимий кесимли тўсиннинг эгилиши.

$$f_0 = \frac{5 q^{\frac{h}{l}} l^{\frac{h}{l}}}{384 E J},$$

h – кесимнинг энг катта баландлиги,

l – тўсин ораёпмаси,

k – коэффициент, кесим баландлигини ҳисобга олувчи, ўзгармас кесимли тўсинлар учун $k=1$,


k ва c – коэффициентлар тўсинларнинг асосий ҳисоблаш схемалари учун

c – коэффициент, кўндаланг кучдан силжиш деформацияси таъсирини ҳисобга олади, СНиП иловаларида берилган.

Тўсинни эгилиш бўйича текширганда қўйидаги шарт бажарилиши керак

$$\frac{f}{l} \leq \left[\frac{f}{l} \right], \quad \left[\frac{f}{l} \right] = \frac{1}{300}$$

Тахтаелим арматураланган тўсинлар ёғоч елим тўсинлар бўлиб ичидаги пўлат арматура стерженлар бор. Елим асосан эпоксид-цемент.



12.7-расм.. Тахтаелим арматураланган тўсинлар.

Арматураланган тўсинларни эгилишга ҳисоблашда ёғоч ва пўлатнинг

$$J_{\text{пред}} = J_{\text{др}} + J_{\phi} \frac{E_{\phi}}{E_{\text{др}}}$$

Арматураланган тўсинларни мустаҳкамликка текширишда пўлат арматурага нисбатан ёғоч тез синиши назарда тутилади.


$$\sigma = \frac{M}{W_{\text{пред}} \cdot m_{\delta}} \leq R_u = 15 \text{ МПа}$$

Елимфанер тўсинлар

Елимфанер тўсинлар кесим шаклига кўра қути, двутавр, двутаврқути (икки ёки бир неча двутаврлардан елимланган), учбурчак, трапеция кўринишида бўлади.


Бироқ қурилишда тўсинларнинг биринчи учтаси кенг тарқалган.

1) қути кесимли




12.8-расм. Қути кесимли елимфанер тўсинлар

2) двутавр кесимли




12.9-расм. Двутавр кесимли елимфанер түсінлар
3) двутавр-қути кесимли



12.10-расм. Двутавр-қути кесимли елимфанер түсінлар

Традицион елимфанер түсінлар таҳта камар ва фанер девордан иборат, ҳозирда бутун фанера конструкциялар устида иш олб борилмоқда, бу таҳта материалларни тежайди.




12.11-расм. Двутавр кесимли бутунфанерли елим түсінлар.

Елимфанер түсінлар узунлиги бүйича ўзгармас ёки ўзгарувчан бўлиши мумкин.

Уларнинг баландлиги ораёпма ўртасидан эгилишга ҳисоблаб аниқланади, 1/10...1/12 ораёпма узунликка яқин чиқади.

Таянчда кесим баландлигини қирқилишга (срез) ва турғунликка ҳисоблаб аниқланади, у 0,4 ораёпмадан кам бўлмаслиги керак.

Елимфанер тўсинлар тўсинларнинг деворлари қалинлиги 10...12 мм ли сувга чидамли қурилиш фанераларидан тайёрланади. Фанералар туташган жойларда қаттиқлик қовурғалари қўйилади, қадами 1/8...1/10 ораёпма бўлиши керак.



12.12-расм. Қаттиқлик қавурғасининг жойлашуви.

Қавурға елимфанер тўсинлар эгилишга ҳисобланади, камар тахталар ва фанера деворларнинг биргаликдаги ишлашини ҳисобга олган ҳолда.

Кесим баландлиги ўзгарувчан икки қияли тўсинларда бир хил юкланишда эгилишнинг максимал кучланиши ораёпма ўртасида эмас, балки таянчдан X масофада бўлади.

$$X = \left[\sqrt{\gamma(1 + \gamma)} - \gamma \right]$$

Бу ерда: $\gamma = h_{оп}/l_i$,

$h_{оп}$ – камар ўқлари орасидаги таянч кесим баландлиги;

l – тўсин ораёпмаси;

i – юқори камар қиялиги.

Бу кесимда эгувчи момент $M = 0.5qx(l - x)$ га teng.

Елим фанер тўсинлар кесимининг геометрик таснифи ёғоч (E_g) ва фанеранинг (E_f) эластиклик модели ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Натижада ёғоч камарга келтирилган кесимининг геометрик таснифи аниқланади.

$$J_{прд} = J_{др} + J_{ст} \frac{E_{ст}}{E_{др}}$$

$$W_{прд} = \frac{2J_{прд}}{h}$$

Қавурғали елим фанера тўсинларни ҳисобоашда куйидаги текшириш ўтказилади:

1. Ёғоч камарли ва фанера деворли тўсинларда нормал кучланиш максимал эгувчи моментга қуйидаг формулада текширилади:

- чўзилиш камари учун

$$\sigma_p = \frac{M}{W_{прд}} \leq R_p,$$

-сиқилиш камари учун

$$\sigma_c = \frac{M_k}{W_{прд}\varphi} \leq R_c,$$

Бу ерда φ – бўйланма эгилиш коэффициенти,

- фанера девор учун

$$\sigma_{\text{рф}} = \frac{M}{W_{\text{пред}} \varphi} \frac{E_\Phi}{E_d} \leq R_{\Phi p} m_\Phi,$$

m_Φ – фанераларни туташувларда қаршилигининг камайишини ҳисобга олувчи коэффициент.

2. Фанера деворларни мустаҳкамликка текшириш фанеранинг анизотропини ҳисобга олиб, нормал ва урунма кучланишларнинг биргалиқдаги таъсирида, яъни камардан деворга ўтиш зонасида бош кучланиши текшириш.

$$\sigma_p^1 = \frac{\sigma_{ct}}{\alpha} \pm \sqrt{\left(\frac{\sigma_{ct}}{2}\right)^2 + \tau_{ct}^2} \leq R_{\Phi \alpha},$$

σ_p – бош кучланиш,

σ_{ct} , τ_{ct} – шу сатҳда девордаги нормал ва урунма кучланишлар.

$R_{\Phi \alpha}$ – α бурчак остида чўзилишга фанеранинг ҳисобий қаршилиги, СНиП 5-иловаси графигидан аниқланади

α – тўсин ўқига бош кучланиш йўналишининг қиялик бурчаги, қўйидаги формуладан аниқланади:

$$\operatorname{tg} 2\alpha = \frac{2\tau_{ct}}{\sigma_{ct}}.$$

3. Белбоққа деворнинг елимланган жойида шпон қатламлари оралиғини тўдаланишга текшириш.

$$\tau_{ck} = \frac{QS_n}{J_{\Phi p} \sum b_{sh}} \leq R_{\Phi ck} \quad (0.6 \text{ МПа})$$

S_n – тўсин ўқига нисбатан тўсиннинг статик моменти.

Σb_{sh} – камарнинг деворга бириктирилган елим чокларининг йифиндиси.

$\Sigma b_{sh} = nh_n$ (h_n – камар баландлиги, n – вертикал чоклар сони)

$R_{\Phi ck}$ – тўдаланишга фанеранинг қаршилигини ҳисоблаш

4. Фанер деворини нейтрал ўқ бўйича кесилишга (рез) текшириш.

$$\tau_{ed} = \frac{QS_{\text{прф}}}{J_{\text{прф}} \sum \delta_\Phi} \leq R_{\Phi cr}$$

$S_{\text{прф}}$ – Тўсиннинг ўқига нисбатан унинг ярим кўндаланг кесимининг фанерага келтирилган статик моменти.

δ_Φ – фанера деворлари қалинлиги йифиндиси.

5. Маҳаллий турғунликка деворларни текшириш (таянч панеллар ўртаси)

Тўсин ўқига нисбатан толаларнинг бўйланма жойлашувида девор турғунлигини таъминлаш учун $h_{ct}/\delta \leq 50$ бўлиши керак, бу ерда:

h_{ct} – таянч панел ўртасида девор баландлиги,

δ – девор қалинлиги.

Агар $h_{ct}/\delta > 50$, унда маҳаллий турғунликка ҳам текширилиши шарт.

Турғунликка ҳисоблаш қўйидаги формулада бажарилади:


$$\frac{\sigma_{ct}}{K_u \left(\frac{100\delta}{h_{ct}} \right)^2} + \frac{\tau_{ct}}{K_\tau \left(\frac{100\delta}{h_{\text{расч}}} \right)^2} \leq 1$$

Бу ерда K_u , K_δ – СНиП графиклари бўйича аниқланадиган коэффициентлар,

h_{ct} – токчаларнинг ички қирраси оралиғида девор баландлиги,

$h_{расч} = h_{ct}$, $a \geq h_{ct}$, да

$h_{расч} = a < h_{ct}$ да a – қовурғалар орасидаги масофа.



12.13-расм. Қаттиқлик қавурғасининг жойлашуви.

Бу ерда δ_{ct} , τ_{ct} – таянч панеллар ўртасида нормал ва урунма кучланишлар, маҳраж (деворнинг турғунлигини текшириш формуласида)-бу критик кучланиш, бунда девор турғунлигини йўқотади.


Эгилишга ҳисоблаш

$$\frac{f}{l} \leq \left[\frac{f}{l} \right], \quad \left[\frac{f}{l} \right] = \frac{1}{300}$$

$$f = \frac{f_0}{k_h l^4} \left[1 + c \left(\frac{h}{l} \right)^2 \right]$$

$$f_0 = \frac{5}{384} \frac{q l^4}{E_g J_{\text{пред}}}$$

Тўлқинли деворли елим фанер тўсингилар кичик габаритли тўсингилар синфига киради. Фанера девор тўлқинли шаклга эга.



12.14-расм. Тўлқин деворли елимфанер тўсинлар
Тўлқин шакл ясси шаклга нисбатан турғунлиги юқори.

Назорат саволлари

- 1.Ёғоч тўсинларининг тури ва тузилиши.
- 2.Яхлит ёғочдан тўсинлар.
- 3.Елимланган ёғочдан тўсинлар,
- 4.Елимланган фанерадан тўсинлар
- 5.Йифма тўсинлар.
- 6.Ёғоч тўсинларнинг шакли ва кесими,
- 7.Асосий кўрсаткичлари,
- 8.Тўсинларнинг қўлланиш соҳалари.
- 9.Нормал кучланишлар бўйича тўсиннинг мустаҳкамлиги
- 10.Тўсинда тахталарнинг жойлашуви.
- 11.Эгувчи момент М нинг эпюри
- 12.Тахтаелим арматураланган тўсинлар.
- 13.Елимфанер тўсинлар
- 14.Қути кесимли елимфанер тўсинлар
- 15.Двутавр кесимли елимфанер тўсинлар
- 16.Двутавр кесимли бутунфанерли елим тўсинлар.
- 17.Қаттиқлик қавурғасининг жойлашуви.
- 1.Адабиётлар -|1;2;3;4; 8;9;10;11;|
- 2.Интернет сайтлар -|12;13;14;15;16|

13 - МАВЗУ: СТРОПИЛ ТЎСИНЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ. НИШАБЛИ СТРОПИЛАЛАР.


Режа

1.Стропил тўсинларни турлари, нишабли ёғоч стропилалар уларни юк остида ишлаши ва ҳисоби.

Таянч сўзлар: брус, хода, мауэрлат, прогон, ригел, таянч, устқўма, кобилка, болт, мих.

1.Стропил тўсинларни турлари, нишабли ёғоч стропилалар уларни юк остида ишлаши ва ҳисоби.

Стропил тўсинлар сифатида доска, брус, пластин ёки ходалардан фойдаланилади. Замонавий индустрiali қурилишда стропил тўсинлар сифатида асосан доска ва бруслардан фойдаланилмоқда. Ўрмон, яъни ёғоч материал кўп ерларда юмолоқ ёғоч материаллардан-диаметри 12-24 см ходадан фойдаланиш афзалликларга эга. Ходалар арраланган ёғочлардан тахминан 2 марта арzon, эгилишга ҳисобий қаршилиги анча юқори, ходалар учун $R=160\text{кг}/\text{см}^2$, доскалар учун $R=130 \text{ кг}/\text{см}^2$, ходаларнинг ёнғинга чидамлилиги ҳам юқори. Стропилни конструкциялаш ва тузилиши тўғри бажарилганда у распорсиз конструкция. Стропилларда распорга зарурати бўлмаслиги учун уларнинг мауэрлат ва прогонларга таянадиган жойлари горизонтал қилинади ва ригеллар ўрнатилади.




13.1-расм. Стропиланинг ўрнатилиши.

Том ёпилғи нишаблиги 10° ва ундан кичик бўлса стропил горизонтал ўқли тўсиндек, агар нишаблик 10° дан катта бўлса, нишаб ўқли тўсиндек ҳисобланади. Иккинчи ҳолда доимий юкланиш 1 m^2 юза учун ҳисобланади, cosa га бўлинади. Стропилга юкланиш юк майдонидан йифилади, стропил кадамига боғлиқ.

Стропил икки таянчга эркин таянганда энг катта эгувчи момент одатдаги формула бўйича ҳисобланади.

$$M = \frac{q l^2}{8}$$

Бу ерда: q -юкланишлар йифиндиси (доимий ва қор)
 l -стропил ораёпмасининг горизонтал проекцияси.



13.2-расм. Оддий таянган стропил

1-черепица; 2-панжаранинг бруси; 3-стропил; 4-прогон (таянч-устун) 5-мауэрлат; 6-устқўйма 25x100 мм; 7-кобилка (курси) 60x100 мм; 8-скрутка, 4мм диаметрли симдан;

Стропилнинг қаттиқлиги ўқининг нишаблиги ҳисобга олган ҳолда қуидаги формула бўйича аниқланади:


$$\frac{f}{l^i} = \frac{5q''l^3}{384 \cdot EJ \cdot \cos\alpha} \leq \frac{1}{200}$$

Агар стропил қўшимча таянчли (прогон, подкос) бўлса, у ҳолда икки ораёпмали тўсиндек ҳисобланади.

Ўрта таянч кесимидағи эгувчи момент қуидаги формула билан ҳисобланади:

$$M = \frac{q(l_1^3 + l_2^3)}{8(l_1 + l_2)}$$

Бу ерда l_1 ва l_2 -чекка таянчлардан ўрта таянчгача бўлган масофа.



13.3-расм. Ички таянчлари икки қатор жойлашган таянган стропил

1-черепица; 2-панжаранинг бруси; 3-стропил; 4-ригел; 5-прогон; 6-кобилка (курси); 7- мауэрлат; 8-болт диаметри $d=12$ мм; 9-михлар 5x150 мм; 10-скоба; 11-симдан скрутка.

Назорат саволлари

- 1.Стропил тўсинларни турлари.
 2. Нишабли ёғоч стропилалар.
 - 3.Стропилалар юқ остида ишлаши ва ҳисоби.
 - 4.Стропил тўсинлар сифатида нималардан фойдаланилади.
 - 5.Хода стропилнинг афзалликлари.
 - 6.Стропил ораёпмаси.
 - 7.Стропилнинг қаттиқлигини аниқлаш.
 - 8.Ўрта таянч кесимидағи эгувчи момент.
- 1.Адабиётлар -|1;2;3;4; 8;9;10;11;|**
2.Интернет сайтлар -|12;13;14;15;16|

14 - МАВЗУ: ЁҒОЧ АРКАЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ.

Режа

1.Ёғоч аркларни конструкциялари: яхлит ёғочдан, елимланган ёғочдан, елимланган фанерадан.

2.Шакли ва қўндаланг кесими, статик схемаларининг турлари (статик аниқ уч шарнирли ва статик ноаниқ икки шарнирли), ўқларининг шакли (сегментли, ўқсимон, учбурчак) таяниш усули (тортилган ва тортилмаган).

Таянч сўзлар: шарнир, тортқич, яхлит, елимланган, ферма, сегмент, понасимон, нишаблик.

1.Ёғоч аркларни конструкциялари: яхлит ёғочдан, елимланган ёғочдан, елимланган фанерадан.


Арка конструкциялари. Умуман олганда тармоқли конструкцияларни икки турга бўлиш мумкин: *а)* аркалар ва рамалар; *б)* фермалар.

Аркалар асосан $12 \dots 60$ м гача бўлган оралиқларда қўлланилади. Айрим чет давлатлар амалиётида 100 м гача ва ундан катта оралиқларда ҳам қўлланилган ҳолатлари маълум.


Статик схемалари бўйича аркаларни икки шарнирли ва уч шарнирли, таяниш схемаларига қараб тортқичли ва тортқичсиз аркаларга бўлинади.

Конструкцияларига қараб эса уларни яхлит, елимланган ва фермали, арка ўқининг шакли бўйича эса сегментли, учбурчакли, кўрсаткичсимон аркаларга бўлинади.


Елимланган ёғочли аркалар. Бу турдаги аркалар тўғри тўртбурчак қўндаланг кесимли бўлади. Улар 12 м дан 60 м гача бўлган оралиқларда қўлланилади. Стерженли елимланган ёғоч аркалар асосан уч шарнирли қилиб тайёрланади. Икки шарнирли аркаларни узунлиги кичик бўлади ва улар яхлит бир бутун қилиб тайёрланган ҳолда қурилиш жойига келтирилади.




14.1-расм Уч (а) ва икки (б) шарнирли арклар



14.2-расм Тортқисиз (а) ва тортқили (б) шарнирли арклар



14.3-расм Синик ва уч шарнирли таянчи пойдевор (а) ва тортқили (б) шарнирли арклар



14.4-расм. Тортқили сегмент (1), уч шарнирли айлана (2) уч шарнирли айлана ўзгарувчан кесимли (3), уч шарнирли ёй (4) уч шарнирли понасимон (5) ва икки шарнирли айлана кўринишли арклар

Сегментли аркалар таянчга таянишига қараб тортқичли ва тортқичсиз турларга бўлинади ва улар 12...24 метргача бўлган ораликларда муваффакиятли кўлланилади. Уларнинг баландлиги $f = \frac{l}{4} - \frac{l}{8}$ ораликларда бўлади. Кўрсаткичсимон елимланган аркалар ҳам 12-60 м гача бўлган

оралиқларда қўлланилади. Арка баландлиги $f = \frac{l}{2} + \frac{l}{3}$ оралиқларда бўлади. Бу турдаги аркалар катта баландлик талаб қилинадиган тўсиқсиз ишлаб - чиқариш биноларида қўлланилади ҳамда вертикал ва горизонтал таянч босимларини пойдеворга тўғридан - тўғри узатади. Синик чизиқ ўқли аркалар ҳам худди кўрсаткичсимон аркаларга ўхшайди, фақат унинг конструкцияси тўғри чизиқли қисмлардан иборат ва унга тўшама ҳамда тўсинларни ўрнатиш қулайлиги мавжуд. Қуйидаги расмда елимланган аркаларни геометрик схемалари келтирилган:

Учбурчакли елимланган аркалар *12-24 метргача* бўлган оралиқларда қўлланилади, баландлиги $f = l/2 \dots l/3$ - тортқичсиз аркаларда, $f = l/4 \dots l/8$ - тортқичли аркаларда бўлади. Уларни қўлланилишининг афзаллиги, том ёпмада текис нишабли том ҳосил бўлишидадир. Лекин учбурчакли аркалар кўндаланг кесимида ташқи юклардан катта қийматдаги эгувчи момент ҳосил бўлади, шунинг учун бу тоифадаги аркалар кичик оралиқларда қўлланилади.

Бутун ёғоч элементли аркалар сегментли ва учбурчакли бўлиши мумкин. Улар *12 м* гача бўлган оралиқларда қўлланилади. Баландлиги эса $f = l/6 \dots l/2$ бўлиши мумкин. Бу турдаги аркалар, томи икки нишабли вақтинчалик биноларда қўлланилади.

Ёғоч аркаларни тугун бирикмалари таянчдан ва уч тугунлардан ташкил топади. Тортқичсиз елимланган ёғоч аркаларни таянч тугунлари кўпинча пайвандланган пўлат таглик ёрдамида бажарилади. Кичик ва катта оралиқларда қўлланиладиган аркаларнинг таянч листида анкер болтлари ва икки вертикал листда ярим аркани таянч қисмини маҳкамлаш учун тешиклар ҳосил қилинади. Вертикал листлар ораси арка кенглиги ўлчамида тайёрланади. Анкер болтларида ҳосил бўладиган силжиш зўриқишини камайтириш мақсадида таянч пўлат таглик пойдеворга қия текислик бўйича ўрнатилади ва таянч, таглик текислиги билан параллел жойлаштирилади.

Тортқичли елимланган ёғоч арканинг таянч тугуни ҳам пўлат таглик ёрдамида бажарилади. Бунда арка горизонтал пойдевор текислигига маҳкамланади

Уч шарнирли елимланган аркаларнинг учидаги қисмларини пўлат ёки ёғоч қопламали ва болтли бирикма ёрдамида шарнирли қилиб маҳкамланади.

Яхлит брус ёки доирасимон кўндаланг кесимли аркаларни таянч тугуни ўйиқ бирикма ёрдамида бажарилади. Агар арка тортқичли бўлса, унинг таянч тугуни соддароқ кўринишда бўлади

Ёғоч аркаларни ҳисоблаш

Аркаларда биринчи бўлиб ўлчамларини аниқлаш-геометрик ҳисоблаш ишлари бажарилади. Арка симметрик конструкция бўлганлиги учун, унинг асосий ўлчамлари: l - оралиғи; f - арка баландлиги. Кўрсаткичсимон аркаларда эса, ярим арканинг эгрилик радиуси - r олдиндан аниқланади.

Керакли ўлчамларини аниқлангандан сўнг аркани статика бўйича ҳисобланади. Учбурчакли аркаларда ф-нишаблик бурчаги, S - ярим арка ёйининг узунлиги ва n -та кесимнинг координаталари қуйидагича аниқланади.

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{2f}{l}; \quad S = \frac{f}{\sin \alpha}; \quad x = \frac{l}{2n-2};$$

-расмда сегментли ва кўрсаткичсимон аркаларни геометрик ҳисоблаш схемалари келтирилган.

Сегментли аркаларда r - эгрилик радиуси, φ - ярим арканинг марказий бурчаги, S - ярим арка ёйининг узунлиги, кесим координаталари x , y ва α_n -уринманинг қиялик бурчаклари қуидаги ифодалар ёрдамида аниқланади.

$$r = (l^2 + 4f^2)/(8f); \quad \sin \alpha = \frac{l}{(2r)}; \quad S = r \cdot \varphi_p$$

$$x = l/(2n-2); \quad y = \sqrt{r^2 - (l/2-x)^2} - r + f; \quad \sin \alpha_n = (l/2-x)/r$$

Кўрсаткичсимон аркаларда қуидаги ўлчамлар аниқланади: α - ватарнинг қиялик бурчаги; S - ўқ узунлиги; φ - ўқнинг марказий бурчаги; φ_0 - биринчи радиус чизигининг қиялик бурчаги; b ва c - марказий координаталар; z - ватар бўйича кесим координаталар; α_n - уринманинг ўққа нисбатан қиялик бурчаги.

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{2f}{l}; \quad l_x = f / \sin \alpha; \quad \sin \varphi/2 = l_x / (2l); \quad S * r \cdot \varphi_0;$$

$$\varphi_0 = 90 - \alpha - \varphi/2; \quad b = r \cdot \sin \varphi_0; \quad c = r \cdot \cos \varphi_0; \quad y = \sqrt{r^2 - (c-x)^2} - b;$$

$$z = \sqrt{x^2 + y^2}; \quad \sin \alpha_n = (c-x) / r.$$

Аркаларни ҳисоблаш тартиби:

1.Аркага таъсир қилувчи ҳисобий юкламаларни аниқланади.

2.Ташқи кучдан ҳосил бўладиган вертикал ва горизонтал реакция кучлари R , H лар аниқланади.

3.Хисоблаш кесимларда ҳосил бўладиган эгувчи момент - M , қирқувчи куч- Q , бўйлама куч - N лар аниқланади.

Аниқланган ички зўриқишилар орқали арка кесимларининг ўлчамлари аниқланади.

Текис тарқалган юклама - q (kN/m^2) дан ҳосил бўладиган таянч реакциялари

қуидагига тенг: вертикал- $R=q l/2$; горизонтал- $H=ql^2/8f$.

Эгувчи момент - M , қирқувчи куч - Q , бўйлама куч - N лар қуидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

Умумий ҳолда ҳисоблаш схемаси ва ташқи кучларга қараб қурилиш механикаси услублари ёрдамида таянч реакциялари, ички зўриқишилар аниқланади ва улар орқали кўндаланг кесим ўлчамлари аниқланади.

Аркани юқори белбоғи эгилиш билан сиқилиш ва ёрилишга, қуий белбоғи эса чўзилишга ишлайди. Юқори белбоғини кўндаланг кесимининг талаб қилинадиган ўлчамлари қуидаги формулалар ёрдамида топилади:

$$M_x = R \cdot x - H \cdot y = \frac{qx^2}{2}; \quad N_x = (R - qx) \sin \alpha + H \cos \alpha; \quad Q_x = (R - qx) \cos \alpha - H \sin \alpha;$$

бу ерда: W_m , h_m - талаб қилинадиган арка кўндаланг кесимининг қаршилик моменти ва баландлиги; M - максимал эгувчи момент; b - кўндаланг кесимнинг кенглиги;

$R_{\text{зг}}$ - ёғочнинг эгилишдаги ҳисобий қаршилиги; 0,8- эгилишда бўйлама кучни таъсирини ҳисобга оладиган коэффициент.

Ҳисоблашларда арка қўндаланг кесимининг кенглиги - b га олдиндан қиймат берилади ва кейин h_m ни қийматини аниқланади.

Арка кесимлари мустаҳкамлигини нормал кучланишлар бўйича текширилади:


$$W_m = \frac{M}{0,8 R_{\text{зг}}}; \quad h_m = \sqrt{6 \cdot W_m / b},$$

N- бўйлама куч, сегментли аркаларда уч қисмидаги N нинг қиймати, учбурчак ва кўрсаткичсимон аркаларда оралиқни тўртдан бир қисмидаги N нинг қиймати олинади.

Эгилувчанлик $\lambda = l_0/r$, бу ерда: l_0 -ҳисобий узунлик; r -инерция радиуси.

Сегментли аркаларни ҳисоблашда $l_0=0,58 \times 2 \times S = 1,16 \times S$ олинади. Учбурчакли ва кўрсаткичсимон аркаларни ҳисоблашда $l_0=S$ (бу ерда S-ярим арка узунлиги) олинади. Бундан ташқари арканинг юқори белбоғи устиворликка деформацияланишнинг текис шакли бўйича ҳам текширилади.

Арка ҳисобининг энг аҳамиятли жойи, унинг тугунларини ҳисоблашдадир.



14.5-расм. Таянч майдон

$$N = \sqrt{N^2 + Q^2}$$

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{Q}{N}$$

N-максимал бўйланма куч.

Q- максимал қўндаланг куч.

Назорат саволлари

1. Аркаларнинг турлари ва қўлланиш соҳалари?

2. Аркаларни ҳисоблашда қайси юкламалар эътиборга олинади?

3. Аркаларни ҳисоблашда зўриқишлиарни қандай аниқланади?
4. Аркаларни ҳисоблаш тартибини тушунтириб беринг?
5. Арка қўндаланг кесим ўлчамлари қайси формулалар ёрдамида аниқланади?

- 1.Адабиётлар -|1;2;3;4; 8;9;10;11;|**
- 2.Интернет сайtlар -|12;13;14;15;16|**

15 - МАВЗУ: ЁГОЧ РАМАЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ.

Режа

1. Ёғоч рамларни конструкциялари: яхлит ёғочдан, елимланган ёғочдан, елимланган фанерадан.

2. Афзаликлари ва камчиликлари, қўлланиш соҳаси,

3. Статик схемаларининг турлари (статик аниқ учшарнирли ва статик ноаниқ икки шарнирли).

Таянч сўзлар: эгикелим, статик, ҳавон, сарров, нишаб, ўстирма, чўзилиш, зўриқиши, ёпма, эгрилик.


1.Ёғоч рамларни конструкциялари: яхлит ёғочдан, елимланган ёғочдан, елимланган фанерадан.

Ёғоч рама конструкциялари


Рама -асосий юк кўтарувчи ёғоч конструкциялари турларидан бири ҳисобланади. Уларнинг шакли кўпгина ишлаб-чиқариш ва жамоат биноларига мос келади. Рама устун ва тўсинлари том ёпма ва девор конструкциялари учун асос бўлиб хизмат қиласди. Лекин рамага жуда кўп микдордаги ёғоч материаллари талаб қилинади ва улар *12...24 метр* оралиqlарда қўлланилади. Хорижий давлатларда ёғоч рамалар *60 метргача* бўлган оралиqlарда хам қўлланилмоқда.




15.1-расм. Уч шарнирли рама




15.2-расм. – Икки шарнирли рама




15.3-расм. – Икки шарнирли планкали рама




15.4-расм. Эгикелим рама.




15.5-расм. Ригел ва тўсинни фанерадан усқуйма билан туташтириш




15.6-расм. Ригел ва тўсинни тишли тирноқ билан туташтириш




15.7-расм. – . Ригел ва тўсинни беш бурчак қистирма билан туташтириш




15.8-расм. Ригел ва тўсинни туташтириш
а-ўзгарувчан узунлик; б-ўзгармас узунлик.




15.9.-расм. –Эгикелиим рама турлари




15.10-расм. Елимфанер рама




15.11-расм.. Елимфанер рама турлари




15.12-расм. Раманинг ўз оғирлигидан юкланиши



15.13-расм. Раманинг юкланиши варианлари.



15.14-расм. Эгикелим раманинг қийшик участкаси.



15.15-расм. – Конъки узел

2.Афзалликлари ва камчиликлари, қўлланиш соҳаси,

Статик схемалари бўйича рамалар статик аниқ ва статик ноаниқ турларга бўлинади . Уларнинг афзаллиги шундаки, рама кесимларидағи зўриқишилар пойдеворни чўкишига боғлиқ эмас ва уларнинг тугун ечимлари соддароқ ечишган.

Камчилиги тугунларида катта зўриқишилар ҳосил бўлишидадир.

Икки шарнирли бикр таянч тугунли схема бир марта статик ноаниқ ҳисобланади. Бу схеманинг афзаллиги, рама тўсинининг устуни билан бирикиши жойида эгувчи моментнинг қиймати нолга teng бўлади. Камчилиги рамада бикр таянч тугунларининг мавжудлигидир. Бикр таянч тугунлари шарнирли таянч тугунларига нисбатан мураккаброқдир. Икки шарнирли, шарнир таянч тугунли рамалар ҳам бир марта статик ноаниқ ҳисобланади. Уч шарнирли елимланган ёғоч рамалар энг кўп тарқалган рамалар ҳисобланади. Улар ҳавонли ва ҳавонлар сони иккитадан тўрттагача бўлиши мумкин.

Уч шарнирли елимланган рамаларнинг конструкциялари:

Мазкур елимланган ёғоч рамалар кесимларининг кенглиги ўзгармас, кесим баландлиги эса ўзгарувчан бўлади.

Эгиб елимланган уч шарнирли рамалар, иккита G -симон шаклдаги бешбурчакли ярим рамалардан ташкил топган. Рама қўндаланг кесими энининг ўлчами ўзгармас, кесим баландлиги эса ўзгарувчандир. Бу рамаларнинг афзаллиги: йирик ярим рамалардан ташкил топган рамаларни йиғишнинг осонлиги ва йиғиш вақтининг камлиги; кесим баландлигининг ўзгарувчанлиги; максимал эгувчи момент бор жойда кесими катта, эгувчи момент кичик бўлса кесими кичик қилиб тайёрлаш имкониятининг борлиги (бу эса ўз навбатида ёғочни иқтисод қилишига олиб келади).

Камчилиги: транспортда ташиш имконият даражасининг пастлиги (*раманийирик бўлганлиги учун*); эгилган қисмидаги сикувчи кучнинг қиймати тўғри чизиқли рамадагига нисбатан катталиги.

Тўғри чизиқли рама - устун ва сарровлардан ташкил топади. Битта рама G -симон иккита ярим рамадан иборат. Рамадаги энг катта эгувчи момент, раманинг ўстирма тугунида ҳосил бўлади. Раманинг саррови тўғри чизиқли текис бўлганлиги учун тўсин ва тўшамаларни ўрнатиш, ҳамда томда нишабликни қилиш осон бўлади. Ўстирмани тишли чок кесимида максимал эгувчи момент ҳосил бўлади.

Елимланган уч шарнирли тўрт ҳавонли рама - иккита устундан, иккита ўзгарувчан кесимли ярим сарровлардан ва ўзгармас кесимли тўртта ҳавонлардан ташкил топади. Ҳавонлар сарровларга қўшимча таянч сифатида ишлайди ва шунинг учун сарровдаги эгувчи момент қийматини қисман камайтиради.

Елимланган уч шарнирли икки ҳавонли рамалар - иккита устундан, иккита ўзгарувчан кесимли ярим сарровлардан ва ўзгармас кесимли иккита ҳавонлардан ташкил топади. Бу раманинг асосий камчилиги, улар ўстирма қисмидаги чўзилиш зўриқишини катталигидадир.

Елимланган ёғоч таянч ички ҳавонли уч шарнирли рама - иккита ярим сарровлардан, иккита ҳавонлардан ва иккита устунлардан ташкил топади.

Елимланган ёғоч таянч ташқи ҳавонли уч шарнирли рама - худди ички ҳавонли рамага ўхшайди, фақат ҳавони бу рамаларда ташқи бўлади. Икки шарнирли елимланган ёғоч рамалар учта конструктив элементлардан ташкил топади: иккита вертикал устунлар ва горизонтал сарровлардан. Бу рамалар бошқа рамаларга нисбатан осон тайёрланади ва алоҳида қисмлардан ташкил топгани учун уларни транспортда ташиш даражаси юқоридир. Горизонтал сарровни устунга махкамлаш жуда ҳам енгил бажарилади.

Икки шарнирли елимланган ёғоч рамалар бикр таянчли, шарнир таянчли қилиб лойиҳаланади. Рамаларда учта асосий тугунлар мавжуд: таянч, ўстирма, уч тугунларидир. Рамаларни бутун ёғочлардан ҳам тайёрланади. Бундай рамалар елимланган ёғоч рамаларга нисбатан арzonдир, лекин улар фақат кичик оралиқларда қўлланилади (*асосан 15 м гача*). Бутун кесимли ёғочлардан ҳавонли рамалар ҳам тайёрланади. Уларнинг оралиғи 9 м гача бўлиши мумкин.

Ёғоч рамаларни ҳисоблаш

Рама конструкцияларини ҳисоблаш икки босқичдан иборат: геометрик ва статик.

Геометрик ҳисоблашда рама элементларини геометрик ўлчамларини аниқланади (*яъни раманинг оралиғи, устун баландлиги, сарров узунлиги, сарров қиялиги, ҳисоблаш кесимларининг координаталари ва бошқа ҳисоблаши учун зарур бўлган ўлчамлар*). Симметрик рамаларда бу ўлчамларни ярим рама учун аниқлаш етарлидир. Агар том асбестцементли бўлса, унинг қиялиги - $i \geq 25\%$, рурбериодли том ёпмаларда эса $i \leq 25\%$ қабул қилинади.

Эгри чизиқли рамаларнинг ўстирма қисмидаги эгри чизиқли ёй қисми эгрилик радиусини рухсат этилган энг кичик қийматидан келиб чиқсан ҳолда олинишига тавсия берилади.

$$r \geq 150 \delta.$$

бу ерда: r -эгрилик радиуси, δ - елимланадиган битта тахтанинг қалинлиги.

3.Статик схемаларининг турлари (статик аниқ учшарнирли ва статик ноаниқ икки шарнирли).

Рамани статик ҳисоблашда қуйидаги тартибга риоя қилинади:

- 1.Рамани ҳисоблаш схемаси аниқланади.
- 2.Рамага таъсир қилувчи ташқи юкламалар қўйилади.
- 3.Ташқи юкламаларнинг меъёрий ва ҳисобий қийматлари аниқланади.
- 4.Ташқи юкламалардан ҳосил бўладиган таянч реакциялари аниқланади.
- 5.Ҳисобий схемадаги асосий ҳисоблаш нуқталарининг координаталари топилади.
- 6.Доимий ва қор юкламаларидан ҳосил бўладиган эгувчи момент, қирқувчи куч ва бўйлама кучлар эпюралари қурилади.
- 7.Шамол юкламасидан M, Q, N эпюраларини қурилади.
- 8.Ички зўриқишлиарни (M, Q, N) асосий қийматларини ишораларига қараб йигилади.
- 9.Аниқланган асосий йигинди ички зўриқишлиарнинг қийматларига қараб кўндаланг кесим ўлчамлари аниқланади.

Талаб қилинадиган кўндаланг кесимнинг ўлчамлари(кесим баландлиги, кесимнинг қаршилик моменти) қуидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$h_r = \frac{1,5 \cdot Q}{b \cdot R_{\varphi}}; \quad W_r = \frac{M}{0,8 \cdot R}; \quad h_r = \sqrt{6 \cdot W / b},$$

Назорат саволлари

- 1.Рамаларнинг қайси турлари қурилишда ишлатилади?
- 2.Рамалар қандай оралиқларда қўлланилади?
- 3.Рамаларни ҳисоблаш тартибини тушунтириб беринг?
- 4.Рамаларни ҳисоблашда қайси юкламалар ҳисобга олинади?
- 5.Рама тугунларини тушунтириб беринг?
- 6.Рама кесимларидаги зўриқишлиар қандай аниқланади?
- 7.Рама кўндаланг кесим ўлчамларини қайси формулалар ёрдамида аниқланади?

- 1.Адабиётлар -|1;2;3;4; 8;9;10;11;|**
- 2.Интернет сайtlар -|12;13;14;15;16|**

16 - МАВЗУ: ЁФОЧ ФЕРМА ВА РАВОҚЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ

Режа

- 1.Ёғоч фермалар, уларни қўлланиш соҳаси ва вазифаси.
- 2.Елимланган ёғочли фермаларнинг шакли ва афзаликлари (учбурчак, сегментли ва беш бурчакли фермалар).

Таянч сўзлар: панжарасимон, юк кўтарувчи, тержен, тугун, сегмент, кўпбурчакли, трапециясимон, елим, статик, бутун, сёғоч, метал, ёғоч, эгилувчанлик


1.Ёғоч фермалар, уларни қўлланиш соҳаси ва вазифаси.

Ферма — это горизонтальный каркас строительного объекта, «скелет» перекрытия.

Ёғоч фермалар - тўсин туридаги панжарасимон конструкциялар бўлиб, улар қурилишда кенг қўлланилади. Фермалар турли бино ва иншоотлар учун асосий юк кўтарувчи конструкция бўлиб хизмат қиласи. Фермалар тўшама ва сарровлар учун асосий юк кўтарувчи асос бўлиб хизмат қилиш билан бирга, тўсувчи конструкциялар вазифасини ҳам бажаради. Осма шифтларни ва енгил ишлаб -чиқариш жиҳозларини уларга осиш мумкин. Фермаларда металл ва ёғоч материалларидан самарали фойдаланилади. Фермани сиқилувчи элементлари ёғочдан, чўзилувчи стерженлари эса металдан тайёрланади.

Фермаларнинг энг асосий камчилиги, улардаги тугунларнинг кўплигидир. Шунинг учун уларни тайёрлаш ва йиғиш мураккабдир. Ферма стерженли система бўлгани учун унинг умумий баландлиги каттадир. Бу ўз навбатида иншоотнинг умумий баландлигига таъсир кўрсатади. Ёғоч

фермалар икки асосий - елимланган ёғоч ва бутун ёғочли синфларга бўлинади.




16.1-расм. Фермалар

Елимланган ёғоч фермаларнинг оралиги 12...30 метргача бўлиши мумкин. Фермалар геометрик схемалари бўйича сегментли, кўпбурчакли, трапециясимон-бешбурчакли ва учбурчакли турларга бўлинади (48-расм).

Фермалар тайёрланиши бўйича ҳам икки турга бўлинади: 1) завод шароитида тайёрланадиган фермалар (елимланган ёғочли фермалар); 2) қурилиш майдонини ўзида тайёрланадиган фермалар (бутун ёғочли фермалар).

Амалиётда яхлит ёки стерженли-ферма тўсин конструкцияларини танлаш -асосан иншоотнинг вазифасига қараб аниқланади. Масалан, кимёвий агрессив муҳит шароитида стерженли тўсинларни (фермаларни) қўллашга тавсия этилмайди, чунки бу ҳолда ҳар хил туз, кислота ишқорлар учун таъсир этиш юзалари каттадир.



16.2 - расм. елимланган ёғоч фермалар: а - пастга йўналган ҳавонли учбурчакли ферма; б - юқорига йўналган ҳавонли учбурчак ферма; в - сегментли; г - бешбурчакли.

Фермалар индустрiali конструкция хисобланади. Уларда елимланган ёғоч ишлатилиши - ўтга чидамлиликни оширади. Агар елимланган ёғочни ишлатиш имконияти бўлмаса, тўртқирра ёғоч кўринишидаги стерженлардан фойдаланилади. Бу турдаги фермаларни ўтга чидамлилиги кичикдир.

Фермалар асосан статик аниқ схемалар асосида хисобланади. Статик ноаниқ системаларда фермаларни қўллаш, умуман тавсия этилмайди. Бу

холда тугулардаги деформацияланиш ҳисобига зўриқишлиарни бошқа стерженларга узатилиши юз бериб қолиши мумкин.

Фермалар, стерженларининг материаллари турларига қараб ҳам қуидаги турларда бўлинади: бутунёғочли, металёғочли, елимланган ёғочли. Металлёғоч стерженли фермаларда асосан қуи камарини иккита пўлат бурчакликдан, юқори камарини эса елимланган ёғочдан тайёрланади.

Учбурчакли, ҳавонлари пастга йўналган, елимланган ёғочли фермалар юқори камарининг қиялиги катта бўлади. Бу фермаларни қуи камари икки пўлат бурчакликдан тайёрланади ва ҳисоблаш орқали уларнинг узунлиги бўйича биргаликда ишлашини таъминлаш мақсадида бикрлик қобиргалари қўйилади (бир-бирига металл пластинка ёрдамида пайвандланади). Бу фермаларнинг ҳавонлари фақат сиқилишга ишлайди. Шунинг учун ҳавонларни ёғочдан тайёрланади ва уларнинг кенглиги юқори камар кенглиги билан бир хил олинади. Фермаларнинг устун стерженлари чўзилишга ишлайди ва улар пўлат якка арматура стерженларидан тайёрланади.

Учбурчакли ҳавонлари юқорига йўналган елимланган ёғочли фермалар, учбурчакли ҳавонлари пастга йўналган фермалар сингари юқори камар ва қуи камарларга эгадирлар. Бу фермаларнинг ҳавонлари чўзилишга ишлайди ва ҳавонлар пўлат арматура стерженларидан тайёрланади, устун стерженлари эсасиқилишга ишлайди ва устунлар ёғочдан кенглиги юқори камар кенглиги билан teng қилиб тайёрланади. Бу фермаларнинг ҳавонлари металл бўлганлиги учун, уларнинг тугуларда маҳкамланиши масаласи бироз мураккаброқдир. Ундан ташқари ферма хусусий оғирлиги натижасида сезиларли эгилиши мумкин.

Сегментли елимланган ёғоч фермалар ўрама материалли том ёпмалар учун мўлжалланган. Улар асосан учбурчак панжара схемали бўлади. Юқори камари стерженлари сони тўртта ёки учта бир хил узунлиқда бўлади. Қуи камари иккита пўлат бурчакликдан ташкил топган. Панжара ҳавонларида унча катта бўлмаган зўриқишлиар ҳосил бўлиб, улар ёғочдан тайёрланади.

Агар осилиб турувчи шифт қилинадиган бўлса, бу турдаги фермаларда ҳам устун пўлат арматура стерженларидан тайёрланади ва улар чўзилишга ишлайди. Юқори камарини эгилиши ҳисобига унинг кесимларида тугун оралиғидаги юкламалардан унча катта бўлмаган ўзгарувчан ишорали эгувчи моментлар ва ҳисобий кесимларда бўйлама кучдан эксцентриситет билан қарама - қарши ишорали эгувчи моментлар ҳосил бўлади. Шунинг учун сегментли ферма стерженла рининг кўндаланг кесимлари кичикроқ бўлади.

Бешбурчакли елимланган ёғоч фермаларнинг юқори камари кичик қияликка эга бўлади. У ўрама том ёпмали томларни асоси бўлиб ва уч оралиқли томёпмаларни ўрта оралиғи учун хизмат қиласи ҳамда ферма устуни билан учбурчак панжара схемали кўринишда бўлади. Юқори камари тўртта елимланган ёғочли тўғри тўртбурчак кўндаланг кесимли стерженлардан иборат бўлиб, улар тугуларда ўз ўқларига нисбатан

эксцентриситет билан бириктирилади. Катта чўзилиш зўриқишилари таъсиридаги камарнинг ўрта панеллари ва ўрта ҳавонларида ўзгарувчан ишорали зўриқишилар ҳосил бўлади ҳамда уларни елимланган ёғочдан тайёрланади. Бундай фермаларнинг қўлланиши иқтисодий жихатдан самарашибидир.

Бутун ёғочли фермаларнинг юқори камари ёғочдан, қуи камари ва панжара стерженлари ёғочдан ёки пўлатдан тайёрланади. Бундай фермаларни афзаллиги шундаки, уларни ҳар қандай шароитда ҳам тайёрлаш мумкин. Камчилиги эса, бутун ёғоч кўндаланг кесим ўлчамларининг чегараланганигидир

Учбурчакли кичик оралиқларда қўлланиладиган тўрт қиррали ёғоч фермаларнинг ҳавонлари пастга йўналган ёғоч, юқори камари ёғоч, қуи камари ёғоч ёки пўлат, устунлари эса пўлат стерженлардан иборат бўлади. Бу турдаги фермалар соддалиги билан ажралиб туради. Улар 12 метргача бўлган оралиқларда муваффақиятли қўлланилади (49а-расм).

Кўпбурчакли тўртқиррали ёғоч стерженли фермалар учбурчак панжара схемали, қуи камари пўлат стерженлардан, қолган стерженлари эса ёғоч стерженлардан ташкил топган бўлади. Бу турдаги фермаларнинг ҳавон ва устунларида кичик қийматли зўриқишиларни ҳосил бўлиши, уларни ёғочдан тайёрланишига имконият яратади. Ферма юқори камари қиялик даражасининг кичклиги, ўрама том ёпмаларда муваффақиятли асос бўлиб хизмат қилишига имконият яратади (49б - расм).

Тўртқирра ёғочли фермалар: а - учбурчакли ; б - кўпбурчакли. Ёғоч ферма конструкцияларининг тугунлари турли хилдир. Улар конструкциянинг асосий қисми ҳисобланади. Тугун бирикмаларининг турлари ферма панжара схемаларига узвий боғлиқдир. Ёғоч элементлари бирикмалари ичida энг ишончлиси пеш таянчдир. Лекин бу турдаги бирикма чўзилишдаги зўриқиши қабул қила олмайди.

Болтли бирикмалар сикилиш ва чўзилиш зўриқишиларини қабул қила олади. Улар асосан ферма стерженларини бириктиришда қўлланилади.

Елимланган ёғочли ва бутун ёғочли ферма тугун конструкциялари ўзларининг алоҳида хусусиятларига эгадирлар. Елимланган ёғоч ферма тугунлари шунингдек кўп қирралидир. Сегментли ва учбурчакли елимланган ёғоч фермаларнинг таянч тугунлари худди аркалар тугунлари каби металл ёки ёғоч қопламали болтли бирикма кўринишида бўлади. Умуман олганда ферма стерженларининг бир-бири билан бирикиши стерженлар материалига, стерженларда ҳосил бўладиган зўриқишиларга боғлиқдир..

Зўриқишиларнинг қийматларига қараб боғловчиларни тури ва ўлчамлари аниқланади.

Учбурчакли тўртқирра ёғочли фермаларнинг тугунлари қуйидагicha бўлади. Таянч тугуни ўйик бирикма кўринишида тайёрланади. Қуи камарининг таянч қисмида учбурчаксимон уя очилади ва бу уяга юқори камари стерженини зич қилиб болтли маҳкамланади. Ўйик чуқурлиги $1/3 h$ қуи dan катта бўлмаслиги керак. L ёрилиш – ёрилишга ишлайдиган қисми узунлиги

еса $1,5/h$ күйи дан кичик бўлмаслиги керак. Бундан ташқари ўйиқдаги стерженлар геометрик ўқлари марказлаштирилган ҳолда биритирилиши керак.

Фермага доимий ва вақтингчалик юкламалар таъсир қиласи. Юкламаларнинг учинчи тури-махсус юкламалар зилзила, портлаш ёки бирор динамик таъсирилардан пайдо бўлади ва унинг вертикал ташкил этувчиси фермада қўшимча зўриқишлиар ҳосил қилиши мумкин. Лекин, мазкур қўлланмада статик юкламалар таъсирини ўрганиш билан чекланамиз.

Доимий юкламалар - том ёпма элементларининг хусусий оғирликлари ва ферманинг хусусий оғирлиги. Вақтингчалик юкламалар - қор ва шамол юкламалари ҳисобланади.

Доимий ва вақтингчалик юкламалар ферма оралиғи бўйича тенг текис тарқалган ҳолатда бўлади. Кўпинча вақтингчалик шамол таъсири ферма стерженларида тескари ишора билан зўриқиши ҳосил қиласи ва шунинг учун уларни қўшимча ҳисоблашларда эътиборга олинмайди. Асосан сегментли фермаларни ҳисоблашда текис тарқалган доимий ва вақтингчалик қор юкламаси таъсирилари эътиборга олинади.

Агар осма жихозлар ёки шифт бўлса, ферманинг кўйи камари тугунларига улардан тушадиган юкламалар ҳам йигиб кўйилади ва ҳисобланади. Фермаларда геометрик ва статик ҳисоблаш ишлари бажарилади. Фермалар стерженлари, зўриқишининг турларига қараб маҳсус биритирилади.

Фермани геометрик ҳисоблашда ферма стерженлари узунликлари, қиялиги, оралиғи, баландлиги, эгрилик радиуслари аниқланади.

Фермани статик ҳисоблашда барча ҳисобий юкламалардан ферма стерженларида ҳосил бўладиган бўйлама ички зўриқиши - N аниқланади. Фермани юқори камари сиқилиш-эгилиш, кўйи камари чўзилиш ва ҳавон ва устунлари эса сиқилиш ёки чўзилиш ҳолатларида ишлайди.

Ферма стерженларидаги бўйлама - N кучлар икки йўл билан аниқланади:

- 1) назарий - курилиш механикасининг классик услублари ёрдамида;
- 2) график - Максвелл - Кремон диаграммасини куриш йўли билан.

Ст疆енларнинг кўндаланг кесими, эгилувчанликни ҳисобга олган ҳолда аниқланади: юқори камар ст疆енлари учун $\lambda = 120$, сиқилувчи панжара ст疆енлари учун $\lambda = 150$; кўйи камар чўзилувчи ст疆енлари учун эса $\lambda = 400$ га тенгdir. Бунда ст疆ен узунлиги сифатида тугунлар орасидаги масофа олинади. Юқори камарни кўндаланг кесимини ички зўриқишлиар M -эгувчи момент ва N - бўйлама куч қийматларидан фойдаланиб қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаш ҳам мумкин:

$$A_T = \frac{0,7 \cdot N}{R_c}; \quad h_T = \frac{A_T}{b};$$

$$W_T = \frac{M}{0,8 \cdot R_{\omega}}; \quad h_T = \sqrt{\frac{6 \cdot W_T}{b}}.$$

бу ерда: A_T W_T , h_T - талаб қилинадиган кўндаланг кесим юзаси, қаршилик моменти, кўндаланг кесим баландлиги; M - эгувчи момент, R_c , R_{ω} - сиқилишдаги, эгилишдаги ҳисобий қаршиликлар; b - кўндаланг кесимнинг эни.

Асосан узунлиги 9-36 м бўлган фермалар кўпроқ қўлланилган. Фермаларни ҳисоблашларда уларнинг хусусий оғирлиги ҳам эътиборга олинади ва уни қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$g_{\Phi_{x,a}} = \frac{q^M + P^M}{(1000/K_{x,a} l) - 1}$$

Учурчакли фермалар. Том ёпмаларида катта қиялик талаб қилинганда ва асосан кичик оралиқларда ишлатилади. Уларда h/l нисбатни тўла ёғоч ферма бўлса - 1/5, қуи камари металл бўлса - 1/6 ва қуи камари металл, юқори камари елимланган ёғоч бўлса - 1/7 гача олинади. Том қиялигини эса 1:2,5 дан, 1:4 гача бўлган оралиқларда олинади.

Учурчакли фермаларни ҳисоблаш (16.2.a-расм). Ҳисобий зўриқишилар қурилиш механикаси усуллари ёрдамида ҳисобланади. Ферманинг юқори камари, сиқилиб - эгилувчи элемент сифатида қаралади ва ҳисобланади. Бўйлама куч бунда, e - эксцентриситет билан таъсир этади. Агар юқори камари қирқимли бўлса, ҳосил бўладиган максимал ҳисобий эгувчи момент – M нинг қиймати(52б-расм):

$$M = M_q \cdot N \cdot e, \quad M_q = q \cdot l^2 / 8 \text{ га teng bўлади,}$$

бу ерда: M_q - ферма стержени ўртасидаги максимал моментнинг қиймати;

$N \cdot e$ - қарамақарши момент.

Ферма юқори камари қирқимсиз бўлса, кўпбурчакли ферма ҳисобидаги ҳисоблашлар қайтарилади (*бир хил бўлгани учун*). Қуи металл камар эса чўзилишга кучсизланган кесимларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади. Ферма ҳавонларини - сиқилишга ишлаганини бўйлама эгилишга, чўзилишга ишлаганини эса чўзилишга текширилади.

Сегментли фермаларни ҳисоблаш (16.2.в – расм). Ҳозирги вақтда қурилишда 36 метргача бўлган оралиқларда елимланган ёғоч сегментли фермалар ишлатилмоқда. Агар қуи камари (*камари*, ёғоч бўлса $h/l \geq 1/6$ дан, металл бўлса $h/l \geq 1/7$ дан кам бўлмаслиги керак.

Сегментли ферманинг юқори камари елимланган ёғочли қирқимсиз қилиб тайёрланади. Айрим ҳолдагина қирқимли - ярим блокли қилиб тайёрланади.

Ферманинг юқори камари сиқилиб - эгилишга ишлагани учун, унинг кўндаланг кесими қуидаги формула ёрдамида текширилади:

$$\sigma_c = \frac{N}{A_{nuc}} + \frac{M_d}{W} \leq R_c,$$

$$\text{бу ерда: } M_d = M / \xi$$

Максимал моментнинг қиймати:

$$M_d = q \cdot l^2 / 8,$$

Ферма юқори камаридаги ҳисобий моментнинг қиймати кўндаланг кучдан ҳосил бўлган M_0 ва бўйлама кучдан ҳосил бўлган M_N моментларининг йиғмасига тенгdir:

$M = M_q \pm M_N$ Агар юқори камари қирқимли бўлса ва тенг-текис тарқалган юқ таъсир этаётган бўлса, умумий момент қуидагига тенг бўлади (*52a ва 53 – расмлар*).

$$M = (q \cdot l^2 / 8) - N \cdot f ,$$

бу ерда: l - панел узунлигининг горизонтал проекцияси; f – панел ёйи эгилиш баландлиги, $f = l_0^2 / 8R$; R – юқори камарнинг эгилиш радиуси.

Кўпбурчакли фермаларни хисоблаш. Бу турдаги фермалар металлёғочли йифма, заводда тайёрланадиган конструкциялар қаторига киради. Ферманинг юқори камари айланага ташки ёки ички чизилган кўпбурчакдан иборат. Унинг баландлигини, оралиғига нисбатан $1/6 \dots 1/7$ деб қабул қилинади. Кўйи камари металлдан, панжараси учбурчакли - устунли қилиб тайёрланади. Бу фермаларда юқори панелининг узунлиги сегментли фермаларнинг юқори панелига нисбатан кичикроқ, бунинг сабаби ёғоч брусларининг чекланганлиги хисобланади.

Икки хил ҳолат бўйича хисоблаш ишлари бажарилади:

1) Ҳисоблаш икки оралиқли қирқимсиз тўсин кўринишида олиб борилади.

Бунда ўрта таянчда тенг тарқалган юқдан ҳосил бўлган момент (*54a – расм*):

$$M_r = -q \cdot l^2 / 8 ,$$

бу ерда: l - панел узунлигининг проекцияси.

Нормал куч - N четки таянчга e - эксцентриситет билан қўйилган.

$$M_N = N \cdot e$$

Ўрта таянчдаги моментнинг қиймати:

$$M_M = 0,5 \cdot N \cdot e$$

чунки момент эпюраси, ўрта таянчдан $1/3L$ масофадан, яъни фокус нуқтасидан ўтади.

Ўрта таянчдаги ҳисобий моментнинг қиймати:

$$M = M_r + M_M = -q \cdot l^2 / 8 + 0,5 \cdot N \cdot e ,$$

Номарқазий қўйилган N куч ҳисобий эгувчи моментни камайтиради:

$$M = q \cdot l^2 / 16 - N \cdot e / 4$$

Ҳисобий момент сифатида кўпинча ўрта таянчдаги моментнинг қиймати олинади.

Кўндаланг кесими қуидаги формула ёрдамида текширилади.

$$\sigma_e = \frac{N}{A_{\text{хвс}}} + \frac{M_d}{W_{\text{хвс}}} \leq R_e , \quad M_d = \frac{M}{\xi} ,$$

бу ерда: ξ - коэффициент юқори камарни эгилишга мойиллиги орқали аниқланади. Бунда l - сифатида панелнинг умумий узунлиги олинади, захира мустаҳкамликка эришиш учун шундай қилинади.

2) икки оралиқли қирқимлида оралиқ ўртасидаги моментнинг қиймати қуидагига тенг :


$$M_q = q \cdot l^2 / 8$$

Бу ерда: l - панел узунлигининг проекцияси.

N - нормал кучдан ҳосил бўлган моментнинг қиймати: $M_N = N \cdot e$
 Ҳисобий моментнинг қиймати:

$$M = M_q - M_N = q \cdot l^2 / 8 - N \cdot e$$

Кўндаланг кесимини юқоридаги 1) даги сингари текширилади. Қуий камарининг кўндаланг кесими чўзилишга, болт учун очилган тешикларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади. Ҳавонларнинг сиқилишга ишлайдигани бўйлама эгилишга, чўзилишга ишлайдигани эса чўзилишга текширилади.



Назорат саволлари

1. Фермаларни қандай турлари мавжуд?
2. Фермаларни қайси усуллар билан ҳисобланади?
3. Ферма стерженларида қандай зўриқишлар ҳосил бўлади?
4. Фермалар қандай оралиқларда қўлланилади? 5. Фермаларни ҳисоблаш ва лойиҳалашда қандай юкламалар эътиборга олинади?
1. Адабиётлар -|1;2;3;4; 8;9;10;11;|
2. Интернет сайtlар -|12;13;14;15;16|

17-МАВЗУ. ЁФОЧ ФАЗОВИЙ КОНСТРУКЦИЯЛАР

Режа

1. Фазовий конструкциялар турлари, гумбазлар ва қуббаларнинг конструктив шакллари.


2. Айлана - тўрсимон қуббалар ва қўйма конструкциялар.

Таянч сўзлар: призмасимон; цилиндрсимон; эллипссимон; гиперболасимон,

пластмассали, ёғочли, елимланган фанерли, аралаш, қубба стержен, қобирға, елим

1. Фазовий конструкциялар турлари, гумбазлар ва қуббаларнинг конструктив шакллари.

Фазовий конструкциялар икки ва ундан ортиқ текисликлар бўйича таъсир этаётган ташки кучларга қаршилик кўрсата оладиган конструкциялардир



17.1-расм. Фазовий конструкцияларнинг қопламали асосий схемалари.

Улар кичик оралиқларда $3\dots 4$ метргача, ўрта оралиқларда 36 метргача, катта оралиқларда 100 метргача, қубба 140 метргача, гумбаз 257 метргача бўлган оралиқларда қўлланилади.

Геометрик кўринишлари бўйича уларни қўйидаги турларга бўламиз: призмасимон; цилиндросимон; эллипссимон; 4) гиперболасимон.

Конструктив нуқтаи назардан уларни икки турга бўлиш мумкин: қуббалар ва гумбазлар.

Конструкциявий бажариш бўйича уларни юпқа деворли, қобирғали, панжарали, текис сиртли, тўлқинсимон, йигилган ва қўндаланг кесими турлари бўйича эса яхлит, бир қатламли, икки қатламли ва уч қатламли турларга бўлинади.

Тайёрланадиган материалига қараб қуббалар қўйидаги турларга бўлинади: пластмассали, ёғочли, елимланган фанерли ва аралаш конструкцияли.

Горизонтал кучни узатиш бўйича ҳам уларни қўйидаги турларга бўлиш мумкин: пойdevorга, мадад берувчи конструкцияга ва тортиб турувчи элементга узатувчи.

Статик схемаси бўйича икки ва уч шарнирли турларга бўлинади. Конструктив шакллар ичидан энг кўп тарқалгани ва қўлланилгани гумбазлардир, иккинчи ўринда эса қуббалар туради.

Текис сиртли пластмассали қуббалар (*яхлит, бир қатламли ва икки қатламли*) кичик 4 метргача бўлган оралиқларда қўлланилади (*ёпиқ пиёдалар ўтиши жойларида, ёниши фонарларида*). Улар олдиндан зўриқтирилган, ёруғлик

үтказадиган ва ўтказмайдиганқилице тайёрланади. Асосий хом-ашё полиэфирли стеклопластикадир.

Фазовий конструкциялар қуидаги асосий шаклларда күпроқ учрайди: текис, цилиндрсімөн - қуббасымон, сферасымон- гумбазсымон ва икки әгри сиртли.

Кесищувчи түсіндін ташкил топған панжара - ёғоч түсінлардан тайёрланадиган фазовий конструкциядир. Бу түсінлар түгунлари металл ёрдамида маҳкамланади.

Түсінли панжаранинг хисобий схемаси статик ноанық даражали бўлиб, у түгунлар сонига боғлиқдир. Бу конструкциянинг афзаллиги шундаки, ундаги түсінларнинг кўндаланг кесимлари кичикдир. Аммо, түгунлар ва улардаги боғланишларни мураккаблиги жуда юқоридир.

Айланма тўрли қубба панжара, алоҳида стерженлардан ташкил топған тўрдан иборат.

Стерженлар бутун ёғочли, елимланган ёғочли ёки елимланган фанера қутисимон кесимли - доимий ёки ўзгарувчан, тўғри ёки әгри бўлиши мумкин. Бу стерженлар түгунларда болтли, ўйиқли, пўлат қопламалар ёрдамида бириктирилиши мумкин.

Қубба торткичли ёки торткичсиз бўлиши мумкин. Қуббанинг чеккаси әгри шаклли фронтонларга таянади. Бутун ёғочли айланма тўрли қуббани оралиғи 18 метргача бўлиши мумкин. Елимланган ёғочли ва елимланган фанерли айланма тўрли қуббалар ораликлари 60 метргача ҳам етиши мумкин.

Айланма тўрли қубба икки шарнирли статик схемага эга ва у уч шарнирли сегментли ёки кўрсаткичсімөн арка статик схемаларидан фойдаланиб ҳисобланиши мумкин.

Айланма-тўрли қубба ҳисоби. Айланма тўрли қубба мураккаб фазовий стерженлар системасидан иборат бўлиб, уни катта аниқлик билан ҳисоблаш жуда қийин. Амалиётдаги ҳисоблашларда яқинлашиш усулидан фойдаланилади. Бу усулни қуидагича тушунтириш мумкин.

Ҳисоблашларда қуббанинг ўқига перпендикуляр йўналишда ва тўр қадами катталиги бўйича ҳисоблаш кенглиги ажратилади. Худди шу ажратилган кенглик бўйича уни икки шарнирли ёки уч шарнирли доимий бикрликка эга бўлган арка деб тасаввур қилинади. Арканинг кўндаланг кесими икки стержен кўндаланг кесимлари йигиндисига tengdir, инерция моменти эса битта стерженъ инерция моментига teng қилиб олинади (*шарнирсиз түгунли айланма елимланган фанерли тўрли қуббаларда арка инерция моменти икки стержен инерция моментига teng қилиб олинади*)

Асосий стержендаги эгувчи моментнинг қиймати:

$$m_1 = M_a / \sin \alpha$$

бу ерда: M_a -аркадаги ҳисобий момент; α - ҳосил килувчи ўқ билан асосий стержен орасидаги бурчак.

Тиралувчи стерженлардан буровчи момент ҳосил бўлади ва бу моментни том тўшамаси қабул қиласи. Шунинг учун буровчи моментни, стерженларни ҳисоблашларда эътиборга олинмайди.

Елимланган фанерли шарнирсиз тугунли айланма тўрли қуббаларда ҳар икки йўналишлардаги стерженлар эгувчи моментни қабул қилинади:

$$m_1 = M_a / 2 \sin \alpha$$

Фазовий конструкция бўлганлиги учун фронтонлар айланма тўр эгилишини ва эгувчи моментни камайтиради, бикрлигини эса оширади. Бикр фронтонларнитаъсири κ_f - фронтон коэффициенти орқали ҳисоблашларда эътиборга олинади ва у $B/S_{\text{ей}}$ нисбатига боғлиқдир:

1-жадвал. Кф-фронтон коэффициенти қийматлари

$B/S_{\text{ей}}$	1 ва ундан кичик	1,5	2	2,5 ва ундан катта
κ_f	2	1,4	1,1	1

бу ерда: B - бикр фронтонлар орасидаги масофа; $S_{\text{ей}}$ - қубба кўндаланг кесимининг ёй узунлиги.

Шундай қилиб айланма тўр қубба стерженида ҳосил бўладиган эгувчи моментнинг ҳисобий қиймати:

$$M_x = M_a / \xi \cdot K_f \cdot \sin \alpha,$$

Елимфанер стерженли шарнирсиз вариантда эса

$$M_x = M_a / \xi \cdot K_f \cdot 2 \sin \alpha,$$

Бўйлама куч иккала йўналишдаги стерженлар томонидан бир хилда қабул қилинади:

$$N_1 = N_{\text{апка}} / 2 \cdot \sin \alpha$$

$$N_2 = N_a / 2 \cdot \sin \alpha.$$

Стерженлардаги кучланиш қуйидаги формула ёрдамида текширилади:

$$\frac{N_a}{2 \cdot A_c \cdot \sin \alpha} + \frac{M_a}{\xi \cdot K_f \cdot W_c \cdot \sin \alpha} \leq R_c$$

бу ерда: A_c, W_c - стерженнинг соғ кўндаланг кесим юзаси ва қаршилик моменти; α - стержен бўйлама ўқи билан ҳосил қилувчи ўқ орасидаги бурчак;

$$\xi = 1 - \frac{\lambda^2 N_a}{3000 \cdot 2 \cdot A_{\text{ум}} \cdot R_c \cdot \sin \alpha}$$

λ - қуббани эгилувчанлиги ва болтли маҳкамланган тугунли айланматўрли қуббаларда қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\lambda = \frac{0,6 l_0}{\sin \alpha \sqrt{I_{\text{ум}} / 2 A_{\text{ум}}}} \approx \frac{3 l_0}{\sin \alpha \cdot h_{\text{стержен}}}$$

бу ерда: 0,6 - қубба турини фазовий ишлашини эътиборга оладиган эмпирик коэффициент.

Кўрсаткичсимон кўринишдаги қуббалар учун бу коэффициент 0,7 га тенгдир.

Қубба ёйининг бир томонлама юкламадаги эркин ҳисобий узунлиги $l_0 = 0,58 \cdot S_a$ олинади.

Елимланган фанера стерженли шарнирсиз тугунли қубба учун:

$$\lambda = \frac{0,6l_0}{\sin \alpha \sqrt{I_{ym} / A_{ym}}} = \frac{0,6l_0}{\sin \alpha \cdot r_{стержен}}$$

бу ерда: 0,6 - эмпирик коэффициент.

Үйик бирикма тугунли қуббалар учун:

$$\lambda = \frac{0,75l_0}{\sin \alpha \sqrt{I_{ym} / 2A_{ym}}}$$

бу ерда: 0,75 - эмпирик коэффициент.

Агар қубба күрсаткичсимон бўлса эмпирик коэффициентни 0,85 олиш керак.

Айланма тўрли қуббаларнинг(шарнирсиз тугунли қуббалардан ташқари) барча вариантиларида, тугунларда асосий стержен тирадувчи стерженлар томонидан эзилади. Шунинг учун асосий стерженининг ён томони эзилишга текширилиши керак. Эзилиш кучи қуидаги формула ёрдамида топилади:

$$N_c = \frac{N_a}{2 \sin \alpha \cdot \sin 2\alpha}$$

Болт бирикмали айланма тўрли қуббалардаги кучларнинг ёйилишини – расмдан кўриш мумкин. Айланма-тўрли қуббалар тугунидаги болтда ҳосил бўладиган

зўрикиш:

$$N_b = \frac{N_a \cdot \operatorname{ctg} 2\alpha}{2 \sin \alpha}$$

Стерженлардаги сиқилиш зўрикишининг қуббани ҳосил қилувчи йўналишидаги тенг таъсир этувчиси:

$$N_{m.m.\varnothing} = N_a \cdot \operatorname{ctg} \alpha$$

Тенг таъсир этувчини аркага маҳкамланадиган тўшаманинг бўйлама тахтаси қабул қиласи. Ҳар бир b - кенглиқдаги тахтани аркага маҳкамлаш учун зарур бўладиган михлар сони қуидагича аниқланади:

$$N_{mix} = N_{m.m.\varnothing} b / \Delta S \cdot T_{mix}$$

бу ерда: N_{mix} - михлар сони; b - тахта эни; $N_{m.m.\varnothing}$ - тенг таъсир этувчи бўйлама куч; T_{mix} - михни юқ кўтариш қобилияти; ΔS - битта асосий стерженни оралиқ бўйича горизонтал проекцияси.

Уч қатламли қубба - алюминий қопламали ва ўртасида пенопласт қатламли, плиталардан эгрилиги билан фарқланади. Шакли бўйича сегментли, кўрсаткичсимон тортқичли ёки тортқичсиз бўлиши ва зўрикишларни деворга ёки пойдеворга узатиши мумкин. Бу қуббаларни елимланган ёғоч сегментли аркалар ҳисобий схемаларидан фойдаланиб ҳисобланади.

Елимланган ёғоч гумбазлар катта оралиқли жамоат биноларининг том ёпмаларида қўлланиладиган энг самарали конструкциялардан бири ҳисобланади. Уларнинг диаметрлари 50 метрдан 100 метргача, баландлиги эса 1/6 дан 1/2 гача диаметрга нисбатан бўлиши мумкин. Улар қўпинча сферасимон шаклда бўлади.

Конструкциясини турига қараб қобирғали, қобирға - ҳалқали, тўрли ва қобирға- тўрли бўлади

Қобирға гумбаз - ёй бүйича әгилган елимланган ёғоч қобирғадан, меридиан бүйича бир-биридан бир хил масофада қўйилган қобирғалардан ташкил топган

таг қисмида таянч ҳалқалари бўлади. Юқоридаги учида ёғоч ёки металл таянч ҳалқа, қуи учида эса кўпинча темирбетон таянч ҳалқа бўлади. Қобирғаларга ёғоч тўшама ва сарровлар ёки елимфанерли тўшамалар маҳкамланади. Аркасимон қобирғалар бир неча жойларидан қия том боғловчилари ёрдамида бир - бирига боғланади.

Қобирға-халқали гумбаз қобирғали гумбаз кабидир. Фақат бу турдаги гумбазларда оралиқ горизонтал ҳалқалар мавжуддир. Ҳалқа вазифасини тўғри чизиқли бутун ёғоч ёки елимланган ёғоч тўсинлар бажаради ва улар кўпбурчакларни ҳосил қиласди. Ҳалқа тўсинлар қобирға -халқали гумбазни фазовий бир бутун бўлиб ишлашини таъминлайди. Қобирға - халқали гумбазни юк кўтариш қобилияти, ҳалқасиз қобирғали гумбазнинг юк кўтариш қобилиятидан каттадир.

Қобирғали гумбаз фазовий стерженли конструкция сифатида асосан хусусий оғирлиги ва қор юкламаси таъсиrlарига ҳисобланади. Аркасимон қобирғалар шартли равишда уч шарнирли аркаларнинг битта текисликдаги икки ярим аркаси сифатида қаралади. Таşки юкламалар учбуручак эпюраси бўйича таъсиr қилиб, тегишли юк майдонлари билан таянчда максимал, учида эса нолга teng бўлади.

Статик ҳисоб натижасида қобирға кўндаланг кесим ўлчамларини аниқланади ва сиқилиш-эгилишга ишловчи ёғоч элементларини ҳисоблаш формулалари ёрдамида мустаҳкамлиги текширилади.

Қобирға-халқали гумбазлар фазовий статик ноаниқ стерженли конструкциялар каби ишлайди ва улар ҳам қобирғали гумбазлардаги юкламалар таъсирига ҳисобланади.

Статик ҳисоблашда қобирғаларни шартли уч шарнирли аркаларнинг ярим аркаси сифатида қаралади, фақат ҳалқалар бириккан жойларида қўшимча горизонтал таянчларни сиқилиш -эгилишга текшириш орқали аниқланади. Ҳалқа стерженларини устиворлигини ҳисобга олган ҳолда сиқилишга текшириш орқали кўндаланг кесим ўлчамларини танланади. Агар том тўшамаси уларга маҳкамланадиган бўлса, улар сиқилиш-эгилиш ҳолатига ҳисобланади.

Таянчдаги ва учидағи ҳалқалар сиқилишга ёки чўзилишга ишлайди ва ҳисобланади.

Тўрли елимланган ёғоч гумбазлар сферасимон сирт устида тўр ҳосил қилган кўринишда бўлади. Бу тўрлар учбуручакли ёки бешбуручакли ячейқалардан ташкил топган бўлиши мумкин. Бу гумбазларда қобирғалар ва энг юқоридаги таянч ҳалқа бўлмайди. Тўрли гумбаз конструкцияси таянч пойдевордаги ҳалқага маҳкамланади.

Бу конструкцияларни ҳисоблашда ҳам доимий ва вақтинчалик қор юкламаларини эътиборга олинади. Тўр стерженларини сиқилишга ишлашидан келиб чиқсан ҳолда, сферасимон қуббалар ҳисобидаги моментсиз назария

ёрдамида ҳисобланади. Бунда фақат халқа ва меридиан зўриқишилари аниқланади, ҳосил бўладиган бўйлама кучларни топилади.

Стерженларда бундан ташқари том ёпма элементларидан ҳосил бўладиган эгувчи моментларни ҳам аниқланади ва кўндаланг кесим ўлчамлари сиқилиш-эгилиш ҳолатида танланади ҳамда текширилади. Тўрли гумбазларда халқа чўзилишга ишлайди ва чўзилишга ҳисобланади.


Қобирға-тўрли елимланган ёғочли гумбаз, қобирғали гумбазга ўхшайди. Бунда қобирғалар орасида айланма-тўрли ёки тўрли гумбазлардаги каби тўр бўлади. Бу гумбазлар худди қобирғалилардаги каби ҳолатларга ишлайди ва ҳисобланади.

Уч қатламли йиғмалар, йиғма шакл конструкцияли том ёпмаларда қўлланилади. Улар текис ёқлардан ташкил топган бўлади ва бу ёқлар бир – бири билан бурчак остида бириктирилгандир. Йиғмалар қатлами таркиби: қуий ва юқори алюминийли қопламалар ва орасида иссиқлик сақлагич вазифасини ўтайдиган пенопласт. Бу йиғмалар фазовий конструкциялар турига киради ва *30 метргача* бўлган оралиқларда қўлланиши мумкин.

Йиғма конструкциялар енгиллиги билан ажралиб туради, лекин қиши мавсумида йиғма конструкцияларда қор тўшамаларининг ҳосил бўлиб қолиши хавфлидир


Тиник пластик ойнадан ва органик ойнадан тайёрланадиган гумбаз ва қуббаларни *6 метргача* бўлган кичик оралиқларда қўлланишининг асосий сабаби, бу материаллар қалинлигининг кичикилиги ва мустаҳкамлигининг пастлигидир. Бу турдаги конструкцияларга мисол қилиб ишлаб-чиқариш ва жамоат биноларидағи фонар-ёритгичларни келтириш мумкин.

Органик ойнанинг ультрабинафша нурларини ўтказиш қобилияти хоналарда микроиклим соғлом муҳитини ҳосил қиласи. Уч қатламли плита гумбазлар учбурчакли ёки бешбурчакли текис, ёки эгилган алюминий-пенопласт плиталардан ташкил топган бўлади. Уларни юк кўтариш қобилияти катта ва улар *50 метргача* бўлган диаметрли оралиқларни ёпиши мумкин.



17.2-расм. Юпқа қобикли гумбаз.

Қобиқли гумбазларни ҳисоблаш қобиқларнинг моментсиз назарияси бўйича етарли аниқлик билан амалга оширилади



17.3-расм. Ҳисоблаш схемаси.

Ҳисоблашда, меридиан элементлари ва гумбазнинг қирралари T_1 меридионал кучларини қабул қиласи, ҳалқали настиллар-ҳалқали куч T_2 , қия настиллар-силжиш кучи S -ни.

T_1 , T_2 ва S ҳаракатлари учта юклаш схемасида топилади:

1 схема - чапдаги А нүқтадаги гумбазнинг хусусий вазни T_1 қовурғадвги куч, қуйидаги формула билан топилади:

$$T_1 = \frac{Q\phi}{m \sin \alpha}$$

Бу ерда: : $Q\phi$ -гумбазнинг устки қисмидаги ҳаммасининг оғирлиги.
 m - қовурғалар сони.

Ҳалқали настилдаги T_2 куч бирликнинг кенглигига қуйидаги формула билан аниқланади:

$$T_2 = z \cdot R \frac{T_1}{\alpha}$$

бу эрда: z -бир текис тақсимланган юклама (кровел, қия ва ҳалқа настиллар) ва қовурға оғирлигининг нормалга проекцияси;

R – гумбаз сфераси радиуси; радиус сферы купола;

T_1 – қаралаётган А нүқтадаги меридионал куч;

α – қовурғалар орасидаги масофа.

Силжитувчи куч S симметрик юкланишда нулга teng.

2 схема –барча ораёпмадаги қор юкламаси. Бу косинус қонунига мувофиқ гумбаз юзаси бўйича интенсивликнинг ўзгаришини ҳисобга олиб қабул қилинади, r_0 . Интенсивликни план бўйича teng юкланишини беради.

Меридиан кучлар:

$$T_1 = r_0 \cdot \frac{R}{2} \cdot \alpha,$$


Ҳалқа кучлари:

$$T_2 = r_0 \cdot \frac{R}{2} \cdot c \alpha,$$

Силжитувчи кучлар:

$$S = 0$$

3 схема – Шамол юклама. Шамол юкламанинг ҳакиқий эпюраси янаям оддий эпюра билан алмаштирилади, симметрик ва қийшиқ симметрик.



17.4-расм.

Симметрик эпюрдан куч қуидаги формула билан аниқланади:

1.Меридиан күчлар:

$$T_1 = \frac{R e \sigma_s}{3 k \varphi}$$

2.Халқа күчлари:

$$\frac{T_1}{k} r^2 = \frac{\sigma_s}{3 k \varphi}$$

3.Силжитувчи күчлар:

$$S = 0$$

Элементлар кесимларини текшириш.

T_1 нинг ҳисобий қийматини бирта қовурға учун аниқлаб, таянч ҳалқалардаги тореңларни сиқилиш ва эзилишга текширади.

Ҳалқа настил түлиқ юза бўйича эзилишга (сиқилган зонада) текширади. Чўзилган зонада чўзилишга текшириш қуидаги майдонда олиб борилади:

$$F_{\text{нн}} = 0.5 F_1$$

Силжитувчи күчлар S қийшиқ настилда сиқилиш ва чўзилишни келтириб чиқаради. Бу схема бўйича доска ва боғловчиларнинг (михлар, шуруплар, елим) кесими танланади.

Юқорги кружал ҳалқани туташувда сиқилиш ва чўзилишга текширади.

$$N_1 = T_1 \cdot r_1$$

Бу ерда: T_1 – қовурғадаги сиқиш кучи;
 r_1 – Ҳалқа радиуси.

Пастки таянч ҳалқани чўзилишга текшириладиган куч:

$$N_p = H \cdot r_2$$

Бу ерда: H_1 – таянч ҳалқанинг узунлик бирлигига гумбаз тиркагичи (распор).

r_2 –таянч ҳалқа радиуси.

Назорат саволлари

1. Гумбазлар қандай оралиқларда қўлланилади ?
2. Қуббаларни қандай турлари мавжуд ?
3. Фазовий конструкциялар қандай ҳисобланади ?
4. Ривожланган қайси чет мамлакатларда енгил ёғоч ва пластмасса фазовий

конструкцияларидан фойдаланиб иншоотлар кўплаб қурилган ?

5. Фазовий конструкция деганда нимани тушунасиз ?
6. Фазовий конструкциялар қайси оралиқларда қўлланилади ?
7. Фазовий конструкцияларни қандай турлари мавжуд ?

1.Адабиётлар -|1;2;3;4; 8;9;10;11;|

2.Интернет сайтлар -|12;13;14;15;16|

18 - МАВЗУ: ЁҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА КУЧАЙТИРИШ

Режа

- 1.Ёғоч конструкциялари ҚМҚ бўйича иншоотларда хизмат қилиш даври
- 2.Ёғоч конструкцияларни кучайтириш усуллари ва схемалари.

Таянч сўзлар: экспулатация, чириш, замбуруғ, диагностика, антисептик бўёқ, сланец, кучайтириш, шамоллатиш, тахлама, пардевор

1.Ёғоч конструкциялари ҚМҚ бўйича иншоотларда хизмат қилиш даври

Ёғоч конструкцияларни юк кўтарувчи элементлар сифатида қурилишда бошқа конструкцияларга нисбатан кам ишлатилади. Аммо эски қурилган биноларда улар қурилиш материали сифатида чордоқли томларда, том ёпмаларда ҳамда турар жой ва жамоат биноларининг ораёпмаларида учрайди.

Ёғоч конструкцияларни текширишда уларнинг экспулатация шароитига: ёмон шамоллатиладиган юқори намликка эга бўлган томёпмалар, ёғоч элементларининг доимий сув оқиши ёки намланиши, замбуруғлар пайдо бўлиши оқибатида чириш жараёнининг бошланишига ва шу билан боғлиқ нуқсонларни пайдо бўлишига эътиборни қаратиш керак. Замбуруғли ёғоч элементларни текшириш учун намуналар пол, пардадевор, осма шифтлардан олинади.

Биошикастланишларнинг диагностик белгилари бевосита, аникроқ ташхис эса олинган намуналарни лаборатория шароитида микологик синовлар натижасида қуйилади. Очишни сув ўтказиш ва канализация қувурлари ўтадиган жойлардан ўтказиш мақсадга мувофиқdir.

Ёғочнинг мустаҳкамлигини материалларнинг хилига кўра (қарағай, арча, лиственница) меъёрий кўрсаткичларидан фойдаланиб ёки олинган намуналарни синаш орқали аниқлаш мумкин.

Ёғоч материалининг вақт ўтиши билан мустаҳкамлигининг ўзгариши бўйича маълумотлар етарли бўлмаганлиги сабабли, конструкциянинг ёки унинг бирор қисмида биошикастланишга учрамаган жойларидаги ҳисобий қаршилик, ҚМҚ 2.03.08-98 га мос равишда янги ёғочники каби қабул қилинади.

2.Ёғоч конструкцияларни кучайтириш усуллари ва схемалари.


Ёғоч конструкциялар эски турар-жой, жамоат биноларида кенг, саноат биноларида эса камроқ қўлланилган. Уларни кўп йиллик эксплуатация қилиш тажрибаси шуни кўрсатдики, намланмаса, шамоллатиб ва чиридан доимий ҳимоя қилишиб турилса, ёғоч конструкциялар узоқ муддат хавфсиз ишлай олади.

Ёғоч конструкциялар учун игна баргли ёғоч навлари қўлланилади. Масъулиятли детал ва бирикмалар учун қаттиқ япроқ баргли ёғоч навлари ишлатилади. Дараҳтнинг чириши намлик 25% дан ошганда, температурада -3°C дан то +35-70°C гача, турғун ҳавода ва замбуруғлар билан заарланганда юз беради.

Ёғоч конструкцияларни нормал эксплуатация қилиш учун тегишли ҳарорат - намлик шароитини яратиш лозим, агар унинг иложи бўлмаса ёғоч конструкцияларга антисептик чора тадбирлардан фойдаланиб ишлов бериш керак. Антисептикалш баҳор ва ёз мавсумларида ўтказилади. Антисептиклар сифатида 3-4% концентрацияли натрий фторнинг эритмаси, 5-10% ли кремний фторли аммоний ва битумли материаллар асосидаги пасталар қўлланилади. Антисептикларнинг сувли эритмалари сувнинг ювиб кетувчи таъсиридан ҳимояланган ёғоч конструкцияларига қўлланилади. Бўяш кўзда тутилган ёғоч элементлари антисептикланмайди. Атроф-муҳитнинг намлиги 25% гача бўлганда, намланиш ҳавфи бўлмаган ёки тез куриши таъминланган конструкцияларда бир маротаба, мураккаброқ шароитларда эса кучайтирилган ёки икки марта антисептикалш қўлланилади.


Ёғоч конструкцияларни ёнишдан ҳимоялаш антипирен (бор кислотаси, бура ва бошқалар) таркиблар билан амалга оширилади. Ташқи сиртларни ҳимоялаш учун перхлорвинил ва пигментли парафин каби атмосфера таъсирига бардошли таркиблар қўлланади. 60-70% ва ундан юқори намликларда намга чидамли бўёқлар, сланецли смола ва бошқалар қўлланади.

Оловдан ҳимояловчи таркибларга антисептиклар қўшиш мумкин, улар таркибнинг оловдан ҳимоя қилиш хоссасини камайтирмайди, лекин ёғоч конструкцияларни бир вақтнинг ўзида ҳам ёниб кетишдан, ҳам чириш ҳавфидан ҳимоя қиласи. Ораёнманинг айrim тўсинининг таянч қисми чириб заарланганда, чириган қисми кесиб олиниб, ўрнига икки тарафдан тахтадан қоплама ўрнатилади. Шикастланиш каттароқ ҳажмда бўлганда чивиқли ясамалар қўлланилади. Уларнинг узунлиги тўсинининг кесилган учининг иккиланган узунлигидан 10% ортиқ қабул қилинади. Чордоқ ораёнмаси учун таянч қисмини №12-16 швеллерлардан олинади.



18.1-расм. Ораөпма балкасининг таянч қисмини кучайтириш.
1-қоплама; 2-кучайтирилаётган түсин; 3-тиқма; 4-бириктириш элементлари.

Бундай қопламанинг кесим юзаси ҳисоблаш орқали аниқланади ва мавжуд түсин кесимидан каттароқ бўлиши лозим.



18.2-расм. Ёғоч стропилаларни кучайтириш.
1- кучайтирилаётган стропила; 2-янги стропила; 3-кия таянч; 4-шпренгель.

Ёғоч конструкциялардаги арзимаган нуқсонларда уларни таъмирлаш чириган ёки тоза полнинг қисман алмаштириш орқали амалга оширилади. Кучайтириладиган жой антисептикланган бўлиши лозим. Кучайтириш элементлари тош-фишт термадан рубероид билан ҳимоя

қилинган бўлиши мумкин. Қуйидаги (18.2-расм) расмда ёғоч стропилларни кучайтириш усувлар кўрсатилган.

Ёғоч ва тахта материалларини сақлаш омбори

Ёғоч ва тахта материаллари омбори ҳудудларини тузиш ГОСТ 9014.0-75 ва ГОСТ 7319-80 талабига мос келиши керак.

Ёғоч ва тахта материаллари омбори шамоллатиладиган ва дренажланган участкада жойлашган бўлиши керак.

Рельс олди ёғоч материаллари омбори темир йўлларидан камидаги 5 м, тахта материаллари камидаги 10 м масофада жойлашган бўлиши керак.

Тахламларга бемалол кириш таъминланган бўлиши керак. Тахламлараро ўтиш жойларида осилган ва йиқилган ҳолда ёғоч материаллари бўлмаслиги керак.

Ўтиш жойларини эни 2 м дан кам бўлмаслиги керак.

Майдони 3200 м² дан ошиқ бўлмаган тахланган ёғоч материаллари гурухи орасида 10 м дан кам бўлмаган ўтиш жойлари кўзда тутилган бўлиши керак.

Ёғоч ва тахта материалларини жойлаш шароити қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ёғоч материаллари-тахламларда баландлиги 1,5 м дан кўп бўлмаган қаторлари орасига қистирма қўйилган ва думалаб кетишга қарши тиргаклар ўрнатилган бўлиши (тахлама баландлиги унинг энидан кам бўлишига йўл қўйилмайди);

тахта материаллари-тахламада баландлиги қаторлаб жойлаганда тахламани ярим энини ташкил этади, клетларга жойлаганда эса тахламларни энидан катта бўлмаслиги.

Тахламларни бўшатиб олиш кетма-кет баландлиги бўйича (поғонали бўшатиш) бажарилади. Тахталар ва ходаларни тахламани пастки қаторидан тортиб олиш тақиқланади.

Омборлар ёнғинга қарши сув таъминоти ва бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ёғоч пардеворлар

Ёғоч пардеворларда, 129 бандда кўрсатилган нуқсонлардан ташқари, қуйидаги нуқсонлар ҳам учрайди: ёғочнинг (айниқса пастки қисмининг) чириши; синч уйларда синчлар оралиғига тўлдирилган материалнинг чўкиши; қуруқ сувоқ қопламанинг шикастланиши. Пардеворлар омонат бўлиб қолишига уларнинг деворлар ва ораёпмага ёмон маҳкамланганлиги, шунингдек пастки қисмларининг чириши ва пардеворлар тагидаги асоснинг чўкиши сабаб бўлади. Пардеворлар сувоғидаги ёриклар деворлар чўкиши, ёғоч қуриши (агар пардеворлар хўл ёғочдан қилинган бўлса), ораёпмалар силкиниши оқибатида юзага келади. Пардеворларнинг кўтарилиб қолиши уларга ораёпмалар таяниши ёки ораёпма ва деворларга пухта маҳкамланмаганлиги оқибатида содир бўлади.

Ёғоч пардеворларни уй замбуруғлари ёки ёғочни емирувчи ҳашаротлар шикастлайди. Пардеворларнинг товуш ўтказмаслик хусусияти пасайишига улар массасининг камлиги, қўшни конструкциялар билан туташган жойларда ёриклар юзага келиши, қурилиш жараёнида ҳаво қатламининг тегишли қалинлигига риоя этмаслик ва унинг ифлосланиши сабаб бўлади

Заводда тайёрланган санитария техникаси хоналарининг асбест-цемент пардеворлари ва металл синчларига деворга осиладиган жиҳозларини маҳкамлаш ман этилади.

Кўздан кечириш жараёнида пардеворларда аниқланган нуқсонлар биноларни қишида ёки баҳор-ёз даврида фойдаланишга ҳозирлаш пайтида бартараф этилиши зарур.

Томни кўтариб турувчи конструкцияларнинг асосий камчиликлари қўйидагилар:

а) ёғоч конструкцияларда - стропилоларнинг туташган жойларида бирикмаларни бузилиши; ғишт девор ва ёғоч конструкциялар ўртасидаги нам ўтказмайдиган қатламнинг ёмонлиги, стропило оёқларининг эгилиши; мауэрлат, стропило оёқчалари, тоқилар ва бошқа ёғоч деталларнинг чириши ва синиши;

Бино хоналари ва конструкцияларнинг техникавий аҳволини текшириш учун оддий асбоб ҳамда мосламалар.

Назорат саволлари

- 1.Ёғоч конструкциялари ҚМҚ бўйича иншоотларда хизмат қилиш даври
- 2.Экспулатация шароити таъсмири.
- 3.Биошикастланишлар.
- 4.Ёғоч конструкцияларни кучайтириш усуллари ва схемалари.
- 5.Ёғоч конструкцияларга антисептик чора тадбирлар
- 6.Ёғоч конструкцияларни ёнишдан ҳимоялаш
- 7.Ораёнма балкасининг таянч қисмини кучайтириш.
- 8.Ёғоч стропилаларни кучайтириш.
- 9.Ёғоч ва тахта материаллари омбори
- 10.Ёғоч пардеворлар

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Donald E Breyer, P.E., Kelly E Cobeen, Kenneth J Fridley, PH.D. Design of Wood Structures-ASD/LRFD 7th Edition. USA 2014.
- 2.Рузиев Қ.И., Алимов М.А. “Биноларнинг ёғоч ва пластмасса қурилмалари” Т., Ўқитувчи”, 1993 .
3. Казакбаева К.К. “Экологик соф қурилиш конструкциялари”. Ўқув қўлланма. Т., “O’qituvchi”, 2005.
4. Razzoqov S.J. Yog’och va plastmassa konstruksiyalari. O’quv qo’llanma. T., Akademiya. 2005.

Кўшимча адабиётлар

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: “Ўзбекистон” 2017 йил 102 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т.: “Ўзбекистон” 2016 йил 47 б.